

СИРОЖИДДИН САЙЙИД



СИРОЖИДДИН САЙЙИД

СҮЗ ЙҮЛИ

Икки жилдлик танланган асарлар

2-жилд

**«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА
АКЦИЯДОЛЫК КОМПАНИЯСИ
БОШ ТАҲРИРИЯТИ
ТОШКЕНТ — 2008**

10 35296
11294

Сайид, Сирожиддин

Сўз йўли: Танланган асарлар. Икки жилдлик. 2-жилд.—
Т.: «Шарқ», 2008. — 384 б.


Ўзбекистон халқ шоири Сирожиддин Сайиднинг «Сўз йўли» танланган асарлари иккинчи жилдига унинг асосан кейинги йилларда ёзган шеърлари, шунингдек, шеъриятимизда Навоий бобо бошлаб берган, яна бир неча авлод устозлар давом эттирган муборак анъанага меҳро ва ҳавас натижасида битилган «Яхшилик эскирмагай» («Кирқ ҳадис») силсиласи, «Шамнома», «Қўнгил соҳили» тўртликлар туркуми киритилди.

Шоирнинг мумтоз адабиётимиэга бўлган муҳаббатининг ифодаси бўлмиш «Дилимдан бошланиб соялар, эл ичра қисса парвоялар» номли ғазаллар мажмуига мазкур жилда кенг ўрин берилган. Аруздаги машқлари ҳам шоиримизнинг Сўз йўлидаги қамровли изланишлари, разалдаги янги ва тоза нафасидан далолат беради.

Иккинчи жилдга Сирожиддин Сайиднинг ҳазрат Абу Ҳомид Газзолий ҳикматлари, Шарқ адабиётининг улут намояндлари Мавлоно Жалолиддин Румий, Жоха Ҳофиз Шерозий ғазаллари, Александр Пушкин, ҳозирги замон адабиёти вакиллари Андрей Вознесенский, Лойик Шерали, Александр Файнберг асарларидан қилган таржималарига ҳам алоҳида фасл ажратилган.

ББК 84(5ў)6

ISBN 978-9943-00-349-1



© «Шарқ» нациёнт-матббаа акциядорлик компанияси,
Бон таджирбаси, 2008.

* * *

Менинг шоирлигим — орзу,
фалакдин гар талаб қўйса,
Сочиб кўнглимга ой нурин,
куёш ҳам ўт қалаб қўйса.

Берид гулханлигин гулхан,
очиб гулшанлигин гулшан,
Яна гул ғунчалар таъзим
билим сатрим силаб қўйса.

Дилимдан бошланиб созлар,
эл ичра қиласа парвозлар,
Кўнгиллар титрабон кетса,
юраклар қалтираб қўйса.

Менинг қарзим — назарлардан,
ёшим тўккан мозорлардан,
Ки мен зирқирадим доим,
биров ҳам зирқираб қўйса.

Чаман ичра ўзи ҳам бир
атиргулдай бўлиб қолгай,
Дилимнинг қонига булбул
канотин гар булав қўйса.

Узун тунларда бедорлар,
бу дилбарлар, бу дилдорлар,
Кўнгил қўйса, бу — дил берса,
бу — юз қўйса, бу — лаб қўйса.

Менга ханжар билан шамшир
тиғига ҳаргиз ҳожат йўқ,
Узун мижгонларини гар
нигорим бир қадаб қўйса.

Куийб саҳроға айлансан,
яна дарёға айлансан,
Ки Фарҳод бирла Мажнун ҳам
бу ким деб бир сўраб қўйса.

Демангким, мен сухан ёзгум,
ки шеърмас, бир Ватан ёзгум,
Уни мен тан батан ёзгум,
баҳори эркалаб қўйса.

Эиё қолсин деб инсонлар
чекар заҳматлару жонлар,
Менинг ҳам бу умрларда
изим бир яркираб қўйса.

Ажаб ҳою ҳаваслардир
аэзалдан шеъру шоирлик,
Уни олам ювиб оку,
бутун олам тараб қўйса.

На бўлғай менга ҳам имлаб,
мени ҳам бир набирам деб,
Киёмат тонгида бобо
Навоий бир қараб қўйса.

БАХОР ҚҮНФИРОҚЛАРИ

Сүрөттүүн Сайын



1986 й.

АСАЛ ҚИЗИМ НИГИНА

Баҳор келар шивир-шивир, Нигинжон,
Майсалар ҳам живир-живир, Нигинжон.

Мажнунтолнинг соchlари чилвир-чилвир,
Мен шеър ёзай чилвир-чилвир, Нигинжон.

Софинчларим гуллар очар боғларда,
Ёмириларим биқир-биқир, Нигинжон.

Сахарданоқ ўйноклаган жилғамсан,
Тириклигим қиқир-қиқир, Нигинжон.

Тушларингда жилмаясан нурланиб,
Болишларинг ғимир-ғимир, Нигинжон.

Кечалари куртак ёзар, барг ёзар,
Каламларим шитир-шитир, Нигинжон.

Мехро билан жимиirlаган ҳаётим,
Жону дилим жимиirl-жимиirl, Нигинжон.

Умр бўйи менинг кетмас баҳорим,
Қалдиғочим вижир-вижир, Нигинжон.

НУКТАИ НАЗАР

Ватан надир —
Шоҳ шоирини
Софинчда йиғлатган бир қовунидир.
Шоир кимдир —
Мир Алишер бобонинг
Биринчи ва мангу муовинидир.
Шеър гарчи шоирнинг кўксига ёнган,
Бўғзини куйдирган олов унидир.
Шеърият — гул эмас, чечакмас, асли
Рух ва кўнгилларнинг кир совунидир.

2005

ЯНГИ-ЯНГИ ЙИЛЛАР КЕЛАДИ

Тоғларингдан кетмагай қорлар,
Юз минг гиёҳ гуллар бўлади.
Янги-янги келар баҳорлар,
Янги-янги йиллар келади.

Янги-янги уйғоқ булоқлар,
Янги-янги диллар бўлади.
Жилғалардай чопиб, ўйноқлаб
Янги-янги йиллар келади.

Гул бозорга ўхшайди хаёт,
Янги-янги гуллар келади.
Бўйингга гул ўлчайди хаёт,
Янги-янги йиллар келади.

Калдирочлар айвонларингда
Вижир-вижир тиллар бўлади.
Орзиктирган армонларингдай
Янги-янги йиллар келади.

Мухаббатдан фақат ёлқинлар,
Мухаббатдан селлар бўлади.
Юракларга солиб тошқинлар
Янги-янги йиллар келади.

Шаҳарларга ўхшар кўнгиллар,
Кимлар кетар, кимлар келади.
Янги-янги порлоқ манзиллар,
Янги-янги йиллар келади.

Заҳматларинг топмагай завол —
Кўприклар ҳам йўллар бўлади.
Толеингга бахш этиб камол,
Янги-янги йиллар келади.

Улур бўлар барча инсонлар,
Умр ўтар, умр елади.

Ер юзида қолмас ёмонлар,
Янги-янги йиллар келади.

Дунё, сенинг хор зурёдларинг
Буюк-буюк эллар бўлади.
Эзгуликка қайтар отларинг,
Янги-янги йиллар келади.

2005

БУҒДОЙЗОРЛАРИМ

Гулбадорга

Бир парча нонига қаноат қилган,
Буғдой бошогидан синоат қилган.
Элим бор, юртим бор — номус, орларим,
Олтин далаларим — буғдойзорларим.

Сахар юлдузлардан тақиб маржонлар,
Дашту қирларимда отгайдир тонглар.
Жимирилаб кетгайдир кўнгил торларим,
Жимирилаб турсалар буғдойзорларим.

Тупроқнинг ишида эрта-индин йўқ,
Кишдан римириласанг — ёзда кўнглинг тўқ.
Яшил, олачалпоқ, азиҳ қорларим,
Кишида ҳам кўкламим — буғдойзорларим.

Сүз шүш

Ердаги донни ҳам эгилиб тердинг,
Сен буни ризқ билан насиба дединг.
Дехқоним — захматкаш бургут, сорларим,
Кенг ёйган қанотинг — буғдойзорларим.

Эртан ҳаммаёқни қоллар гул, чечак,
Ниш урган ҳар майса у — бир келажак.
Фермер бўлиб чиқса гулбаҳорларим,
Сиз яшнаб кеттайсиз, буғдойзорларим.

Қўлинг буғдойрангdir, юзинг — буғдойранг,
Пайкаллар қўйнида бу нечук жаранг —
Кулгингдан уйғонди эл, диёрларим,
Янграб силкиндилар буғдойзорларим.

Бу юрт нон ислидир, бу юрт — буғдойбўй,
Гулбаҳор, менга ҳам кўк чойингдан қуй!
Ёзилсин дилдаги бор хуморларим,
Менинг акам, синглим — буғдойзорларим.

Бир хас-сомонинг ҳам жонимга пайванд,
Сен менга онсан, мен сенга — фарзанд.
Мени катта қилган чанг-ғуборларим.
Эй ота маконим, буғдойзорларим.

2005

Б О Ф

Боғбон Насирхон ота Тұрақуловага

Бу дунёда боғ қылмоқнинг ҳикмати бор,
Боғ қолса гар инсон умрін зийнати бор.

Бир күчат ҳам ўтқиәмайин ўтса одам,
Инсон умрін неча пуллик қиймати бор?

Бу боғлар ҳам шундоқ пайдо бўлган эмас,
Бу боғларни боғбонининг хислати бор.

Боғбон айтар: ном қолдириңг, қолдириңг боғ,
Ки умринг дарё мисол шиддати бор.

Фарзанд янглир ўстирилгай ҳар бир дарахт,
Боғ қылмоқнинг юз минг алам, меҳнати бор.

Инсон қўли гул дейдилар, то инсоннинг
Ихлоси бор, меҳон яна ҳиммати бор.

Ношукурлар қайдан билсин боғ қадрини,
Нонқўрларнинг ўз элига миннати бор.

Мир Алишер бобомиздан келган сўз бу,
Боғбоннинг ҳам Навоийдек тийнати бор.

Қай элнингким бордир шундай боғбонлари,
Ушал элнинг Ватани бор, миллати бор.

ТЕМИР ЙЎЛЛАР

Хаёт катта йўлга ўхшайди,
Айланади бир умр йўллар.
Уфқаларга умид тўшайди
Темир йўллар, бу темир йўллар.

Кайга элтди пахтаю донин
Шунча йиллар, у темир йиллар?
Юксалтирас ўзбекнинг шонин
Темир йўллар, бу темир йўллар.

Кўпrikлар ҳам дилларга ўхшар,
Эл қалбидай дарёлар, кўллар.
Тилакларга, йилларга ўхшар
Темир йўллар, бу темир йўллар.

Бир зумгина чайқалиб қолди
Ота макон — қирларим, чўллар.
Осмонларни ёнига олди
Темир йўллар, бу темир йўллар.

Сизни ҳасад нечун маҳв этар,
Кўмир диллар, эҳ кўмир диллар?
Ниятларни манзилга элтар
Темир йўллар, бу темир йўллар.

Дунё гоҳо бизга қайрилмай,
Эзгуликни тиллога пуллар.
Ор-номусдай кетар айрилмай
Темир йўллар, бу темир йўллар.

Ким қад тиклаб оламга бокди,
Бағри тўла орзулар, гуллар.
Максадларга чечаклар такди
Темир йўллар, бу темир йўллар.

Ҳар манзил — бир тенгсиз жаҳондир,
Утаверар бу умр — йўллар.
Мангаликка қадар равондир
Темир йўллар, бу темир йўллар.

2005

ЖАЙХУН ШАМОЛЛАРИ

Ибройим оғага

Соринчларин изҳоридай
Очилидилар жамоллари,
Гул қиёларнинг ифоридай
Эсар Жайхун шамоллари.

Қатлам-қатлам қалб ерлардан,
Калъалардай алп диллардан,

Сўз ийш

Мухаббат исли эллардан
Эсар Жайхун шамоллари.

Навоийда — «Наҳо ул ҳаёт»,
Берунийни берган Қиёт.


Коракалпокдан то Ҳирот
Эсар Жайхун шамоллари.

Оқар дунё турган қадар,
Бир кафт қуми — дур, ганж қадар.
Термиздан то Урганч қадар
Эсар Жайхун шамоллари.

О, она юрт, тупроқларинг,
Термизийлар, Куброларинг —
Мангу уйроқ дарёларинг,
Эсар Жайхун шамоллари.

Комилжон ҳам Отажондир,
Санъат тонги отган жойдир.
Ҳар сабоси — оҳанг, жондир,
Эсар Жайхун шамоллари.

Эл-юрт ўсар — диллар ўсар,
Еллар эсар, гуллар ўсар.
Биз кетармиз — йиллар эсар,
Эсар Жайхун шамоллари.



Тинмас умр сафосидай,
Кутлур хаёт навосидай,
Мангу Ватан ҳавосидай
Эсар Жайхун шамоллари.

2005

УНИВЕРСИТЕТ МАДХИЯСИ

Канча улур зотларнинг мунавар дарсхонаси,
Ҳар бир кўхна ғиштингда замонлар афсонаси,
Мангулик қўргонида сўнмагай нишонаси,
Уйғонгувчи миллатнинг илму фан кошонаси,
Миллий Университет,
Миллий Университет.

Ўзбекнинг бу дунёда тулпори бор, оти бор,
«Кутадгу билик»лардан бошланган бунёди бор,
Сокин деворларингда алломалар ёди бор,
Садоқат пирхонаси, саодат нурхонаси,
Миллий Университет,
Миллий Университет.

Китоблар узра юз минг кечалар кундуз бўлур,
Устоазларнинг орзуси — юз минг ўрил-қиз бўлур,
Маърифат осмонида бу юз минг юлдуз бўлур,

Ёшлик ҳам муҳаббатнинг туганмас таронаси,
Миллий Университет,
Миллий Университет.

Илм олмоқ оламда улуғ неъмат, улуғ эрк,
Бағрингда вижир-вижир қалдирғочлар тўлуғдек,
Кўрса ҳавас қиласири ўзи султон Улуғбек,
Неча бир авлодларнинг ярқироқ пешонаси,
Миллий Университет,
Миллий Университет.

Бир сўё ўрганмоқ учун кеттай қанчалар сабот,
Асли сўнгсиэ синовдир, дорилфунундир ҳаёт.
Сен ўзинг парвоз бергил, сен ўзинг бўлгил қанот,
Сен дадир камолотнинг юксалур поронаси,
Миллий Университет,
Миллий Университет.

Бизлар тошқин дарёлар — бир жону тан бўлгаймиз,
Тириклик чечаклари — гул-гул чаман бўлгаймиз,
Улрайиб, камол топиб, буюк Ватан бўлгаймиз,
Истиқбол дурданаси, истиқбол остонаси,
Миллий Университет,
Миллий Университет.

ХАЁТ КЎЭГУСИ

(«Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасига)

Гарчи кўп бўлса-да аймоги, насли,
 Бу ёруғ дунёда ёлрон оз яшар.
 Миллат газетадан бошлинар асли,
 Газета рост ёэса — миллат рост яшар.
 Неча авлодларнинг сабру саботи,
 «Ўзбекистон адабиёти...»

Тонг чоги боғлиқ тил, боғлиқ бел билан,
 Кетмонни елкага олиб кеттан сен.
 Каззоб замонларда юпун эл билан,
 Сўлрин далаларда заҳар ютган сен.
 Сенда шу тупроқнинг унди фарёди,
 «Ўзбекистон адабиёти...»

Кимлар яшар эди халифалардай,
 Орол қурир эди — чорасиз, абгор.
 Бағри нижимланган сахифалардай,
 Кон юттан мухаррир, мухбирларинг бор.
 Сенда япроқ ёэди элнинг муроди,
 «Ўзбекистон адабиёти...»

Жўр бўлиб гоҳ мумтоз хонандаларга,
 Кўнгил торларини черттан навосан.
 Очик ойналардай — хондонларга

Уфуриб киргувчи тоза хавосан.
Рұх ва кўнгилларнинг савту баёти,
«Ўзбекистон адабиёти...»

Сенда йўргакланди қанчалар адиб,
Не-не шоирларнинг тилаги бўлдинг.
Маърифат тарқатиб, зиё тарқатиб,
Ўзинг ҳам юртнинг бир бўлаги бўлдинг.
Ҳазрат Навоийнинг абадий ёди,
«Ўзбекистон адабиёти...»

Келди тошкін солиб охир Ҳуррият,
Эккан кўчатларнинг мангу сўлмагай.
Яшнаб камол топса ҳар бир ҳур ният,
Адабиёт ўлмас, санъат ўлмагай.
Она тилимизнинг оби ҳаёти,
«Ўзбекистон адабиёти...»

Ҳали Ватан учун керак чинорлар,
Чин қалблар, қошу кўз, киприклар керак.
Мухташам сўзлардан тиклаб бинолар,
Шеърлардан йўл билан кўприклар керак.
Сен ҳам Истиқлоннинг уйроқ зурёди,
«Ўзбекистон адабиёти...»

УЛУФРОҚ ИШ БОРМИ ЭЛНИНГ ТИНЧИДАН

(«Постда» газетасига)

Ёмонлик — ёмонда,

Мехро — дүстдадир.

«Постда» газетаси доим постдадир.

Адолатнинг кўли баланд келса гар,

Разолат доимо тубан, пастидадир.

Бизлар Ватан курдик — муҳташам, кўркам,

Қадду камолингдан айланай, ўлкам.

Ҳар қизинг синглимдир, ҳар боланг — укам,

Бари очиқ чехра ҳам орастадир.

Бизни бу дунёда кўролмаганлар,

Бир зум ёмонликсиз юролмаганлар,

Умрида бир кўприк қуролмаганлар,

Бири — ҳасад қилар, бири қасддадир.

Токи фарзандларнинг бедор диллари,

Эзгулик борининг эсар еллари.

Эй сиз, келажакнинг генераллари,

Сизга ким ҳайрату, ким ҳавасдадир.

Сўранг ҳар чўпону ҳар ўтинчидан,

Улутроқ иш борми элнинг тинчидан,

Күёш хар тонг берган нур суюнчидан,
Каранг, қандай жавлон хору хасдадир.

Бир гул япрогига тушса гар титрок,
Шоирнинг қалби ҳам титрагай шу чок,
Сўзлари ҳам уйғоқ,
Узи ҳам уйғоқ,
Шоир ҳам бир умр асли постдадир.

2005

«ИЛТИМОС, СУЯНМАНГИЗ»

Илтимос, суюнмангиз.
Сўзларнинг хурматини
Сақлангу сансираманг.
Елкалари яғирдир,
Сизмас, унга оғирдир.
Илтимос, суюнмангиз,
Дунёнгиз хансираган.

Илтимос, суюнмангиз,
отангиз ҳолдан тойған,
У сиэни суйиб, суюб
еткизи камолотга.
Бирор эот қолмаганда,
одамзод қолмаганда,

Мозорларга ёш түкинг,
суюнманг жаҳолатта.

Ниш чиқарган куртаклар
түраларга айланар,
Бирга ўсан жўралар
тўраларга айланар.
«Дўстлик бору дўстлар йўқ»¹.
Дош беринг, куйинмангиз,
Душманга ҳам суюнманг,
дўстта ҳам суюнмангиз.

Ииллар бўяр бошларни
тирикликнинг корига,
Кайғу келса — ғам чекманг,
бахтига — суюнмангиз.
Илтимос, суюнмангиз
каллобларнинг зўрига,
Каззобларнинг зарига,
илтимос, суюнмангиз.

Мардлик бору мардлар йўқ.
Рост келган оятларда,
Мардларга ҳам суюнманг,
суюнманг номардларга.

¹ Аскад Мухтор сатри.

Инсонлари паст кетса
муттаҳам бу дунёниг
Боборахим Машрабнинг
бир сатрига суюнинг.

Разолатнинг қўлини
доллартўра ҳалоллар,
Нокасларда ранг бўлмас
қанчалар бўянмангиз.
Менинг гул чаманимга
керак эмас даллоллар,
Илтимос, суюнмангиз!

Ҳаёт надир — бир умр
айрилмоқ ҳам куйинмоқ,
Шоҳ Бобур айтгандайин
ўз қалбингта суюнмоқ.
Баъзан иши тушмишdir
тўнғизларга туюнинг,
Майсаларга суюнинг,
қўнғизларга суюнинг.

Бу юртнинг кеча-кундуз
далалари бедордир,
Кетмонларга суюнган
сингилларингиз бордир.

Курсиларда ястаниб,
ястаниб бўйламангиз,
Сингиллар меҳнатига,
илтимос, суянмангиз.

Сизни улгайтиргандир
сувлари, шамоллари,
Унинг ой-қуёшлари,
тераклари, толлари.
Заҳматларин чекмоқдан
ор этманг, уялмангиз,
Ватанга таянч бўлинг,
Ватанга суянмангиз!

1985. 2005

450 000 ЛОЛА

*Иккинчи жадон урушида ҳалок бўлган
ўзбек ўлонлари хотирасига*

Ўтар давру давронлар,
Ўттай алам, ғам, нола.
Ёт элларда сочилган
Тўрт юз эллик минг лола.

Тўрт юз эллик минг лола —
Ўзбекнинг болалари.

Бўстонидан айрилган
Ғунчаси, лолалари.

Кўз олдингта келтирсанг
Бўйларию кўэ-кошин.
Тўрт юз эллик минг лола —
Кўкрагида қўрошин.

Ҳар кўклам кўкка етар
Тўрт юз эллик минг нолам.
Ёт элларда ётибди
Тўрт юз эллик минг болам.

Ўз кўчамдан хайрлашиб
Кеттан чангу губорим.
Менинг тўрт юз эллик минг
Хазон бўлган баҳорим.

Майса қоплар қирларни,
Еру осмон нурланар.
Сиз — кеттан турналарсиз,
Сиз — қайтмаган турналар.

Хотира майдонида
Тошга айланган тонг бор.
Тўрт юз эллик минг ном бор,
Тўрт юз эллик минг бонг бор.

Утар давру давронлар,
Эскирмагай хотира.
Осмондай зандордир у.
Лола янглиғ бокира.

Ер юзининг гуллари
Элларнинг ноласидир.
Тўрт юз эллик минг лола —
Узбекнинг боласидир.

2005

ШОҲ БОБУР

Бунча узун оҳ тортдингиз, оҳ Бобур,
Муттаҳамлар дунёсида шоҳ Бобур.

Андижону Ҳинду — етти иқлимда
Топилмади Сизга бир додҳоҳ, Бобур.

Оллоҳимнинг даргоҳлари кенг, лекин
Сифдирмади Сизни бу даргоҳ, Бобур.

Кеча узун, манэйл олис, йўл узоқ,
Сизга факат ёлғиз ой ҳамроҳ, Бобур.

Нонқўр беклар, беоқибат мирзолар,
Кимлар Сизга қазмадилар чоҳ, Бобур.

Ғурбат бўлди охир тожу тахтингиз,
Подшоҳлар ҳам йигларкан-да, воҳ Бобур!

Сүз иш

Кисмат қаттиқ, алам бисёр, эл ғофил,
Бу дунёда борми бир дилхө, Бобур?

Умри отда ўтган буюк мусофир,
Давлат надир асли, надир жох, Бобур?

Шоирлиги шоҳлигидан улувроқ,
Шоҳлиги ҳам шеъридай огоҳ, Бобур.

Алишербек дейсиз, назм султони,
Сиз ҳам шунда топдингиз паноҳ, Бобур.

Шамширингиз янглиғ Жайхун ярқирад,
Қўқда моҳ ҳам Сизнинг мангӯ оҳ, Бобур.

2005

ДЎРМОНДАГИ ҲАҚҚУШ

Фасллар кетдилар — ёзу қиши, кўклам,
Умрлар ўтдилар — рўёми ё туш.
Фақат кимларнидир чақириб, йўқлаб,
Бўйлаб қолаверди бунда бир ҳаккуш.

Баъзан ёлғиз қушга ўхшармикан рух,
Ўзининг тилида айлаб гуфторни —
Тунлар зору нолон йўқлармикан у
Абдулла Қаххор ё Асқад Мухторни.

2005

УСТОЗЛАР ЁДИ

Букун нолаларим ноламдан ўтди,
 Умр қоғоз билан қаламдан ўтди.
 Кетди айтилмаган қанчалар калом,
 Қанча шеъру баёт оламдан ўтди.

Ажал ов қиласми якка-яккалаб¹!
 Тўра Сулаймону
 Шукур акалар...
 Озод домла янглиғ сўз қўрғонлари
 Кетдилар.
 Дилларда ёд, армонлари.
 Қанчу сабру сабот оламдан ўтди.
 Гўё Адабиёт оламдан ўтди.

2005

ФАХРИЙЛАР

Тортган заҳматингиз юқдир дилларда,
 Қўрган умрингиэдан ҳеч тонмадингиз.
 Ёшлигингиж кечди олов йилларда,
 Танклар ёниб кетди,
 Сиз ёнмадингиз.

¹ Устоз Абдулла Орипов сатри

Бутун чой ўрнига хотира дамлаб,
Яшарсиз гох шодон,
Фамгинсиз гохо,
Саксон ёшли ўсмир Матёкуб домла,
Саксон яшар бола Назармат бобо.

2005

УСТОЗ

Доим янграб турсин шеър ила газал,
Давру замонимдан қайирма, Худо.
Хамма ҳам яшасин, фақат энг аввал
Мени устозимдан айирма, Худо.

Махкам кил ээгулик чегараларин,
Фамга чулғамагин теваракларин.
Асрагин гулдайин невараларин,
Мени устозимдан айирма, Худо.

У дилларда яшар, ўзи — дилпора,
Төгдек улуг, бирок хасдан бечора.
Бу зорим сенга ҳам етсайди зора,
Мени устозимдан айирма, Худо

Бир буюк, дир даҳшат шоирчалар бор,
Бир-бирин қовуриб ейишга тайёр.

Уларга ҳеч кимни қилма гирифтор,
Мени устозимдан айрма, Худо.

Эсиз шеър ёзолмай юрган пайтларим,
Сувга оқиб кетди қанча дардларим.
Үтди не-не дўст-ёр, мард, номардларим,
Мени устозимдан айрма, Худо.

Ҳасрат майи тўла бир пиёладир,
Бағри қизғиши, юзи сарғиши лоладир,
Етмиш ёшга бораёттан боладир,
Мени устозимдан айрма, Худо.

Менинг энг беғубор чөғларим кетган,
Яшил адирларим, боғларим кетган.
Қанчалар суюнган тоғларим кетган,
Мени устозимдан айрма, Худо.

Сўз қадрин, туз қадрин билиб юрдимми?
Бир эум имтиҳонсиз умр кўрдимми?
Паноҳингга олгин элим, юртимни,
Мени устозимдан айрма, Худо.

Одамзод авзойи ўзингга маълум,
Бир умр яшаб ҳам олмагай таълим.
Отадан сўнг туар ҳар мурод муродим,
Мени устозимдан айрма, Худо.

ТИРИКТЕПА

Жаноб Като Кюдзога

Сурхон тупроғида бир ёпон бобо,
Ёпон бобоми ё бир чўпон бобо,

Тепаликлар ошар, ўру қир ошар,
Кўхна қўрғонларга қоришиб яшар.

Ҳар сопол синигин пулаб, сизлайди,
Неча йиллардир у нени излайди?

Менинг қўнғиротча лафзим англагай,
Термиз десам, дарров таъзим айлагай.

Бу кумлар, қалъалар — тиллардир, дейди,
Сопол синиклари — диллардир, дейди.

Айтар: бир бўлгандек ээгу ниятлар,
Асли бир бўлгандир маданиятлар.

Оёқ остига ҳам назар қилсинлар:
Бир қум заррасида қанча тилсимлар.

Оlamни тенг бўлган, эй соҳиб олам,
Тамаддун олами на ғойиб олам?

Қанча Искандарлар, Кирлар кўмилмиш,
Бунда минг асрлик сирлар кўмилмиш.

Гарчи Бактрия, гарчи Ёпондир,
Дунё ҳам аслида эски чопондир.

Тарих тегирмони тўхтамас бироқ,
Бобонинг эгни чанг, уст-боши тупроқ.

Ўзи ҳам ер қаърин йиқиб келгандай,
Далварзинтепадан чиқиб келгандай.

Қадим аждодларнинг жисмидай гүё,
Хозир Холчаёндан чиқмиш бу бобо.

Тандиркабоб билан уни тўйғиздик,
Оқсоқолга дўппи, чопон кийгиздик.

Қадду қоматию ҳам қисиқ кўзи
Худди Жовлимурод бобонинг ўзи.

Бекорчи гапларга ҳушим йўқ дейди,
Кечиринглар мени, ишим кўп дейди.

Бехаловат бу жон, тинчимас тана
Дўнгликлар қўйнига шўнгийди яна.

Тепалар қаъридан ахтарар зиё,
Ўзи ҳам бир тирик тепадир гүё.

БЕВАФОЛИК

Кўэни кўзнинг зиёсига вафоси йўқ,
Зиёсининг қаросига вафоси йўқ.

Ўсма кетар, эгма қошлар ғариб қолгай,
Икки қошнинг ўз «ё»сига вафоси йўқ.

Хинолари ташлаб кетгай тирноғини,
Тирноғининг хиносига вафоси йўқ.

Гул тўкилар, ҳазон бўлар, баҳорининг
Гулнинг қадди раъносига вафоси йўқ.

Вафо истаб ёт йўлларга кетгай кўнгил,
Кўнгилнинг ўз садосига вафоси йўқ.

Бир дўст учун қонлар ютар бир умр дўст,
Дўстни дўстнинг вафосига вафоси йўқ.

Инсон токи бино бўлмиш, бино курмиш,
Биносининг биносига вафоси йўқ.

Бутун умр дунё йигар, лек умрининг
Йиккан молу дунёсига вафоси йўқ.

Ҳаёт йўлин меҳнатлари, жафоси кўп,
Бироқ нечун давосига вафоси йўқ?

Султонлари султонини сотган дунё,
Гадосининг гадосига вафоси йўқ.

Сукротини ейди охир сукоотлари,
Синосининг Синосига вафоси йўқ.

Диёнатнинг уйи куйиб кетгай, агар
Муллосининг дуосига вафоси йўқ.

Қай шоирким, бобосига ихлоси йўқ,
Навоийнинг навосига вафоси йўқ.

«Вафо» сўзин ўэгартириб ёзаверар,
Давринг ўз имлосига вафоси йўқ.

У не янглия халқ бўлгайдир, миллат бўлгай,
Эллинингки ўз подшосига вафоси йўқ?

Биз Ватани она деймиз, лекин нечун
Фарзандининг оносига вафоси йўқ?

Бандасидан кутмагилким, бандасинким
Ўз яратган Ҳудосига вафоси йўқ.

2005

ОДАМЗОД

Канча сурувларни одамзод еди,
Барра ширвозларни еди одамзод.
Семиз қўчкорларнинг бошига етди,
Айтинг, қай манзилга келди одамзод?

Туриб илик ейди,
Гўшт ейди ухлаб,
Зарра парвоси йўқ китобга, куйга.
Хозир у ётибди қорнини силаб,
Ўзи ҳам айланиб қолганми қўйга?..

2005

ИЗҲОР

Бир тилим ҳандалак, бир тилим ҳилол
Минг йил кўэ ўнгимдан кетмагай ҳаргиэ.
Сен — мангуда ҳалқадирсан, ризқ-рўзи ҳалол,
Мен — сендан тарқаган, кўкарған илдиа.
Одам Атолардан нишоним дедим,
Сени бобом дедим, дехқоним дедим.

Элин билмаганлар юртин қарғарлар,
Миннат қилганлар бор берган ош-нонин.

Кетди борларингни босган қарғалар,
Азал булбулларга гўзал ошёним.
Тўртайларга ўнгай маконим дедим,
Сени бағрим дедим, осмоним дедим.

Амир Темурлардан қолган номус-ор,
Бир синиқ ришити ҳам шараф-шон юртим.
Сен — ўлмас турурсан, сўнмас ифтихор,
Суви ҳам, қуми ҳам зарафшон юртим.
Асрлар жўш урган дил қоним дедим,
Туғи абад баланд қўроним дедим.

Сен — ўн бешга тўлган отажонимсан,
Бешигинг ислари кетмаган ҳали.
Тожу тахтим менинг, эйр имконимсан,
Бори тириклигим, умрим сайқали.
Сени — қошу кўзим, мижгоним дедим,
Ўз уйимда ўсган султоним дедим.

Менинг бу дунёда бошқа онам йўқ,
Онажоним ўэзинг — танҳо, ягонам.
Сен борсан — сўзимнинг бошоқлари тўқ,
Сен борсан — тинмагай тилдан таронам.
Сенга садқа бўлсин бу жоним дедим,
Сени жоним дедим, жаҳоним дедим.

Халқ бўлиб заминда кўз очган кундан
Канчалар меҳнату миннат кўрдик биз.
Асли Истиқлолнинг рояси шундан,
Жон чекиб, муҳташам давлат курдик биз.
Эзгулик даргоҳим, майдоним дедим,
Оlamга очилган айвоним дедим.

Дунё ҳам бўлинниб тулпор, отларга,
Кувончу ғам деган тарафлар бўлгай.
Лекин эл-юртим деб ўттан эотларга
Абадият қадар шарафлар бўлгай.
Бир тонгда ушалган армоним дедим,
Кетмас бўлиб келган давроним дедим.

2006

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»ГА

Устоз Faфур Fuлом дуоси билан
Парвозин бошлаган уйроқ газетам.
Сен борсан — қалбимнинг туғроси баланд,
Асло якун топмас менинг қасидам.

Элнинг хавотиру оғриқларидан
Юпанч, тасаллидай бунёдга келдинг.
Машъум зилэиланинг ёриқларидан
Оқ атиргул бўлиб дунёга келдинг.

Ярми вайрон уйнинг эшигин излаб,
Шитирлаб хушхабар келтирган ўзинг.
Жажжи чақалокнинг бешигин сийпаб,
Салқин саболарни еддирган ўзинг.

У пайтлар биэ ҳали ёш бола эдик,
Завқу орзуларга лиммо-лим юрак.
Томларда юргурган гуллола эдик,
Гўзал оқшомлардан бергансан дарак.

Ҳали «Махаллада дув-дув гап» — ҳаёт,
Улмас Лутфихоним ая сиймоси.
Шундадир дилларга нур берган баёт,
Шундадир меҳонинг асл кимёси.

Оддий темирчингнинг оталик тафти
Етгайдир дунёнинг болаларига.
Бунда чизиклари оналар кафтин
Уланган қўёшнинг толаларига.

Мен баҳордан қолган қалдиғоч эдим,
Қалдиғоч қайдадир қишлиғоғи шарт.
Қалдиғоч, айниқса ёш шоир бўлса,
Энг аввал «Оқшом»да ишламоғи шарт!

Тошкент қизларининг кўйлакларида
Бир сатрдан шеърим, шодлигим қолган.

Хар бир сахифангнинг йўлакларида
Мухаббатим қолган, ёшлигим қолган.

Азиз устозларга мен қўйиб ихлос,
Ранжу заҳматларин кўргандим бунда.
Ҳаётнинг шафқатсиз кўзларига рост,
Тик қараб яшашни ўргандим бунда.

«Мотамсаро она» кошида у кун
Бир кемтиқ нондайин турғанларим бор.
Анҳор бўйларида ёр суйиб гулгун,
Эрка шоирингдай юрганларим бор.

Бунда ҳар бир ниҳол келинчак бўлгай,
Офтобтахтим менинг, ойттахтим менинг.
Кўприклар эврилиб келажак бўлгай,
Оlamга оstonам — пойтахтим менинг.

Устувор қўроңсан — чин дўстларингу
Кексаю ёшларнинг тилакларида.
Эзгулик аркасин устунларию
Турналари билан лайлакларида.

Фақат кўнгиллардан таралсин ёлкин,
Бағринг бутун бўлсин, яро бўлмасин.
Оқсарай мисоли мунаvvар қолгин,
Оқшоминг ҳеч қачон қаро бўлмасин.

* * *

M. Тоңға

Махмуд деган ошиқ келар,
Изларидан қүшиқ келар.
Лекин баъзи шоирларнинг
Ортидан ош, қошиқ келар.

Махмуд деган ошиқ келар,
Изларидан қүшиқ келар.
Қўшиқлари қалбингизнинг
Боласига бешик бўлар.

2006

ЁТИБЛАР ИЧГАН СУВЛАРИМ

Еш чорларимдан севмишим —
ётиблар ичган сувларим.¹
Армони йўқ ёзу қишим —
ётиблар ичган сувларим.

Ховучларимда — тоғу тош,
ховучларимда — ой, қуёш,
Шундан қуёшдек балқишим,
ётиблар ичган сувларим.

¹ Каждор баҳши ибораги.

Конимда минг боғбон менинг,
боғим — ота-бобом менинг,
Аждодларим ҳам кечмишим,
ётиблар ичган сувларим.

Мен жон ва тан ўрганмишам,
Сиздан Ватан ўрганмишам,
Шаъну шараф ҳам олқишим,
ётиблар ичган сувларим.

Кўчатларим боғ бўлгуси,
кўксим менинг тоғ бўлгуси,
Фахрим яна оройишим,
ётиблар ичган сувларим.

Токи ҳаёт бўлгай ҳаёт,
шеъру баёт бўлгай ҳаёт,
Шулдир менинг олий ишим,
ётиблар ичган сувларим.

Жонимни минг тўрғай қилиб,
мехримни ҳам улғайтириб,
Пишди менинг дил кишишиим,
ётиблар ичган сувларим.

Сиз мен учун — мангу қасам,
кўнглим келиб бир чайқасам,
Оlamда қолмас ташвишим,
ётиблар ичган сувларим.

ФУРҚАТ БОБО ВА ФЕРМЕРЛАР ҚИССАСИ

Ўтиб кетди замонларнинг ёмони,
Замон бўлди ўзбекларнинг замони.

Ортда қолди қанча нурсиз паллалар,
Ўзимизга қайтди охир далалар.

Ҳур-ҳур эсиб Ҳурриятнинг шамоли,
Гўзал ёрдай очилди юрт жамоли.

Тракторлар тулпорлардай кишнаган,
Пайкаллар ҳам озод бўлди кишандан.

Шукр дейсан, шу беминнат нонинг бор,
Ўзингники бўлган ғалла, донинг бор.

Топган шаъну шукухингдир Истиқлол,
Энг аввало ҳукукингдир Истиқлол.

Ёру диёр ҳажрида бир замонлар
Фурқат бобо чеккан эди фиғонлар.

Мана энди, тақдир вафо қилсайди,
Ўз юртига буқун қайтиб келсайди.

Кўзларидан ёшлар оқиб шашқатор,
Сажда айлаб ерга тақрор ва тақрор.

Туриб Камчик довонидан боқарди,
«Шевролет»лар күнглига ўт ёқарди.

Кўарди у обод бўлган дилларни,
Кашқаргача кетган текис йўлларни.

Бу дунёда ҳар мулкнинг эгаси бор,
Оlamларнинг эгаси Парвардигор,

Бу юртта ҳам қилиб чексиз иноят,
Эгасига бермиш уни ниҳоят.

Ҳар томонда пулдорлару мулқорлар,
Жаҳон аҳли билан айлаб гуфторлар,

Бўш келмайин савдо-сотик бобида,
Эллар аро ўрнатмишлар робита.

Кўприклари шахру майдон, кўчалар...
Фурқат бобо завққа тўлди шунчалар.

Янги чаман, гулшанлардан гул олди,
Кейин дашту далаларга йўл олди.

Адирларни адирларга ошириб,
Буғдойзорлар уфқларга бош уриб.

Пахтаэорлар қадр кўрган, қаралган,
Эгатлари киз сочидаи таралган.

Кўэ ўнгига чўпчакми ё эртаклар?
Фермер бўлмиш аёллар ҳам эркаклар.

Юзларида далаларнинг чанги бор,
Ҳар бирининг ўз пули, ўз банки бор.

Савлатида зўр меҳнатнинг сурори,
Ўзимники деган фахру турори.

Иёсиэ кетмиш кўхна дарду армонлар,
Кўкрак кериб сармоядор дехқонлар,

Ерни жисму ўзни ерга жон қилмиш,
Ер шаънини шараф қилмиш, шон қилмиш.

Қанча ўсма кетди, яна қош қолди,
Бобо тарин кўзларига ёш олди.

Чалдиворлар, бўйроларни эслади,
Худбин, тўнгбош тўраларни эслади.

Оғринди кўп элга кўнгли берклардан —
Бирлашмаган амирлару беклардан.

Үтиб кетмиш замонларнинг ёмони,
Замон бўлмиш ўзбекларнинг замони.

Ниятлари, заҳматлари ҳақ бўлмиш,
Ватан бўлмиш Ватан, эли ҳалқ бўлмиш.

Шоир, сен ҳам шеърни қўй-да, ер олгин,
Ҳар бошок, ҳар ғўздан бир шеър олгин.

Ишлов берсанг — шеър ҳам худди ер янглиғ,
Ер ҳам, боқсанг — ғазал янглиғ, шеър янглиғ.

Ер меҳнати, шеър захмати туганмас,
Бу тупроқнинг муҳаббати туганмас

Топган шаъну шукухингдир Истиқлол,
Энг муқаддас ҳуқуқингдир Истиқлол.

Тўй қиласлик икки юз йиллигида
Фурқат бобо фермер хўжалигида

2006

ҲАҚ СЎЗ

Улуг Ватан адабиёти
Улуг Ватан каби — улуг қурбонлар
Эвазига рўёбга келган.
Эҳ бунда ҳам тўкилган қонлар,
Лахта-лахта дилларнинг қони.
Дўстим, бу китобни авайлаб ўки,
Бу — Абдулла Қаҳхорнинг жони.

«Ёшлар билан суҳбат» эмас, кўр,
Ниҳол истеъдоднинг тилагидир бу.
Дўстим, бу китобни кўзларинга сурт,
Абдулла Қаххорнинг юрагидир бу.

Шартмас, ёзувчини бадарға килмок,
Уни зинданларда чиритмоқ шартмас.
Унинг атрофига наслу насиби
Номаълум нокаслар урчитилса — бас.

Фиску фужурларга фаровон тузум,
Каттасидан тортиб кичигигача —
Душман деб санаган Қаххорнинг ёзган
Асаридан тортиб кучугигача.

Замон шундоқ эди —
Мустабид замон
Адибнинг ҳақ сўзин кемиролмади.
Тоғдай вужудини емириди, лек
Унинг иймонини емиrolмади.

Ҳақ сўзни ҳар ким ҳам айтавермаган.
Ҳақ сўз алал-охир муҳтарам айлар.
У сўзлар ҳозир ҳам уйқу бермагай
Адабиётдаги муттаҳамларга.

«Чорак аср ҳамнафас» эмас,
Чорак аср дилдош, оғриқдош

Бўлиб яшагансиз, Кибриё опа.
Ёш шоирлар ўқир — кўзларида ёш.

Миллатни кўтаргай батьсан бир асар,
Озод мамлакатнинг осмонидир бу.
Адабиёт нима десалар агар —
Абдулла Каххорнинг виждонидир бу.

1987. 2007

МАҚСУД ШАЙХЗОДА. ЁЗИЛМАГАН ХОТИРАЛАР

Мен бир бола эдим,
Бу тақдир мени
Минг бир бўлакларга бўлиб ташлади.
Умрим талош бўлди ҳасратларимга,
Дардларга ем бўлди кўнглим даштлари.

Тонгларим оқкушдай учдию кетди,
Мен бир бола эдим — шабнамдай бола.
Тошкент, биноларинг тил чиқарсалар,
Менинг исмим айтиб қилгайлар нола.

Ҳар касу нокаснинг кўнглин кўтариб,
Юрдим гоҳ мисоли беғам шаҳзода.
Букун айтинг энди — номардлар аро
Кандай кун кўрганди Мақсад Шайхзода?

Каттол рақиблару баттол рафиқлар
Гоҳ ошкор, гоҳ пинхон тазийк этганды.
«Чорак аср девони»нинг асл нусхасин
Еэолмайин олиб кеттган у.

«Тордай одам эди...» дега эслайсиз,
Айтинг ўшал төғнинг йиғлаганини.
Нураганларини, айтинг,
Айтинг ортидан
Хеч ким кузатгани чикмаганини.

Мен бир бола эдим.
Болалик қолдими?!
Замон виждан томон буткул ўзгарди.
Қаранг: «Халқ душмани» бўлганлар дўсту,
Душман бўлиб чиқди халқнинг дўстлари.

Айтса гап кўп дейсиз...
Ийллар қораяр,
Шом жом чалар Шошнинг курантларида.
Жанглар тинди, лекин тинмади гийбат
Адабиёт фронтларида.

Сиз узоқ яшайсиз, худбин жасадлар,
Бироқ абадият буни билади:
Шайхзода ўлмаган,
Хозир достондан
Султон Улубекдай чиқиб келади.

1988. 2007

ЭСКИ ЭРТАК

Подшоҳ ишга келмоқдадир,
Йўл беринглар, акалар.
Хабар берар учиб, кўниб,
Зийрак, ҳушёр ҳаккалар.

Подшоҳ ишга келмоқдадир,
Қаранг ўнгу сўлларга.
Кўча-кўйлар супурилган,
Сув сепилган йўлларга.

Таъзим айлаб турад гўё
Дарахтлару гулзорлар.
Гўё бир зум тиниб қолар
Фала-ғовур бозорлар.

Миршаббоши, мингбошилар,
Ясовуллар юргурган.
Миноралар тўрт тарафда
Соқчилардай ғоз турган.

Оппоқ-оппоқ саллаларда
Каллалари иш бошлар.
Қозикалон югурмокда,
Югурмокда пешволар.

Вазирлару муҳордорлар,
Ҳовлиқмокда, елмокда.

Подшоҳ ишга келмоқдадир,
Подшоҳ ишга келмоқда.

Бут бўлсин деб рўзғорлару
Асбоблару анжомлар.
Ишласин деб темирчилар,
Ҳаммоллару ҳаммомлар.

Янги қасру кошоналар
Шахарларга берсин зеб.
Тинч бўлсин деб гадойлар ҳам,
Бойлар ҳам тинч бўлсин деб.

Подшоҳ ишга келмоқдадир,
Шундоқ ўтар ой, кунлар.
Соликчилар ишласин деб,
Ишласин деб ҳокимлар.

Қаллоблару варазгўйлар
Юрак-бағрин тилмоқда.
Муттаҳамлар пиҷирлайди:
Подшоҳ ишга келмоқда.

Бир-бирининг пинжларидан,
Енгларидан мўралар,
Хушомадгўй мирзолару
Лаганбардор тўралар.

Баъзиларнинг кўнгли дарров
Об-ҳаводай айнийди:
Бир кунгина подшоҳ ишга
Келмасайди, қанийди.

Мамлакатни махкам тутган
Белидаги белбоғдай.
Подшоҳ ишга келмоқдадир,
Подшоҳ ишга келмоқда.

Подшоҳ ишга келмоқдадир,
Соатини тўғрилар.
Қолмасин деб мамлакатда
Каззоблару ўғрилар.

Файратиу ҳафсаласи
Юз минг таҳсинга лойик.
Оlampanoҳ ишдадир деб,
Ишлар халку халойик.

Подшоҳ ишга келмаганда
Не бўларди салтанат?
Тўхтаб қолар эди ҳаёт,
Тўхтар эди мамлакат.

Яратган ҳам соям деган,
Бўлсин деган огоҳлар.

Минг йиллардан буён шундоқ
Ишга келар подшоҳлар.

Хар бир элга Ўзи карам,
Ўзи айлар иноят.
Адлу инсоф бўлсин токи,
Бўлсин токи диёнат.

Сиз ҳам олам ахволидан
Огоҳ бўлинг, диллоҳлар.
То дунё бор экан — ишга
Келаверсин подшоҳлар.

Токи хаёл, токи ҳаёт,
Тириклик бор одамда,
Хар бир ўйда тинчлик бўлсин,
Тинчлик бўлсин оламда.

2007

МАКОЛ ТАХЛИЛИ

«Отанг — бозор, онанг — бозор»,
Сен бозорда турилдинг.
Кўшиғинг, таронанг бозор,
Шу кўшикқа йўғрилдинг.

Болалигинг яллалари —
Фала-ғовур яллалар.
Тарозининг паллалари
Айтган сенга аллалар.

Бешигингта эгилгандир
Расталари тегрангдан.
Сени бозор эмизгандир,
Сени бозор тебратган.

Бир маҳаллар оёқяланг
Писта чакиб юргандинг.
Улрайдинг сўнг эпчил, фаранг,
Сотишни ҳам ўргандинг.

Ҳам муҳтарам, ҳам муттаҳам,
Ҳаммани безор қилдинг.
Шундай катта дунёни ҳам
Охири бозор қилдинг.

Бозор яшар то бор рўзғор,
Енгу ёқанг ҳам бозор.

Отанг — бозор, онанг — бозор,
Бола-чақанг ҳам бозор.

Кимки кимдан ўзар — бойдир,
Ким бунда ётиб олди.
Битта аканг — Бозорбойдир,
Бир уканг — Сотиболди.

2007

БИР ИДИШ

Одам танасида қориндан ёмонроқ идиши йуқдири...

Хадисдан

Ҳар кимсанинг иншосида
Келиш бордир ҳам кетиш.
Идиш-товоқ дунёсида
Одамзод ҳам бир идиш.

Оlam катта ошхонадир,
Ярим факир, ярим бой.
Битта қисми айшхонадир,
Битта қисми — коринбой.

Келмоқ, кетмоқдан муддао —
Ейиш эмас ё ичиш.

Гарчи инсон эрур, аммо
Одамзод ҳам бир идиш.

Гарчи озиэ-бурун берган,
Гарчи берган қош, қабок.
Тикилсангиэ, олиб юрган
Бош эмасдир — ошқовок.

Нафсин қүэғар такрор-такрор
Молу дунё ишваси.
Лекин күнгил косаси бор,
Бордир күнгил шишаси.

Дунё — бир келиб кетишидир,
Гоҳ қувонч, гоҳ ғам идиш.
Одамзод ҳам бир идишидир,
Одамзод ҳам бир идиш.

Кир босгайдир уни, ҳар дам
Нафсин қувиб турмаса.
Тонгу пешин, асру шом ҳам
Хуфтон ювиб турмаса.

Үзинг инсоф бер, Ҳудойим,
Камол топсин боласи.
Пок ва тоза бўлсин доим
Унинг күнгил косаси.

САЙР

Матнавар Абдулҳакимга

Хоразмни сайр этдим
 Огахий бобо билан,
 Кўхна мозий ичра кетдим
 Огахий бобо билан.
 Ҳам ичондин, ҳам дишондин¹
 оҳанг эркан Хоразм,
 Мен унинг фаҳмига етдим
 Огахий бобо билан.

2007

ВАТАН

Ерда ҳам тил бордир,
 Тунлар қовушиб,
 Дилга айланадир яхлит жон ва тан.
 Элликқалъалардан келса товушинг,
 Товушларинг келса Тупроққалъадан.

Тупроққалъалардан келар товушинг,
 Товушларинг келар Элликқалъадан.
 Мен ҳам бир қўрғондай кетгум қоришиб
 Улуғ қўрғонлардан яралган Ватан.

2007

¹ Хивадаги Ичон (иҷ) қалъа, Дишон (ташқари) қалъаларга ишора.

ДАРЁ

Ким шамол,
Ким отда учиб елишди,
Пешинми, шом чоги ва ё эрталаб,
Шеърият шаҳрига кириб келишди.
Мен Тўполондарёни келдим етаклаб.

Сехорли бу шаҳар,
Гўзал бу шаҳар,
Ваъда айлар эди жозиб эртаклар.
Зангор дарвазасин очиб бир сахар,
Мен Тўполондарёни кирдим етаклаб.

Бир пайтлар ҳазрати Хизрлар янглиғ
Кеэзган устозларнинг кутлуг макони.
Тўтилар юарди вазирлар янглиғ,
Мен юрдим етаклаб Тўполондарёни.

Нозик гулойимлар ташбеҳлар узиб,
Чалритиб юарди ўнгу рўёни.
Тонгги кўчаларнинг сукутин бузиб,
Етаклаб келдим мен Тўполондарёни.

Ярим ошқозони йўқ булбул билан
Дўст тутиндик кейин тўшаб бўйрони.
Мен унга термулдим,

У менга дилтанг:
Нима қылсак экан Түполондарёни?

Улуғ уммоңларнинг товуш, сасига
Дил бериб, ўргандик назмий дунёни.
Сўнгра Ёзувчилар уюшмасига
Етаклаб келдим мен Түполондарёни.

Ҳайъат қабулига кирдик сўнг секин,
Ҳайъат бизга, биз ҳам ҳайъат ҳайрони:
— Сиэни қабул қилдик майлига, лекин
Нима қылсак экан Түполондарёни?

Уйли-жойли бўлди шоирлар қатор,
Шеър ахир кўнгилнинг эрка жайрони.
Бизнинг ҳам энди ўз рўзгоримиз бор,
Нима қылсак экан Түполондарёни?

Шеърият, шеърият —
Ёддир, фарёд ҳам,
Не зотлар дил аро ёш олиб кетди.
Мен олиб келганим тошқин дарё ҳам
Бир тонг хайрлашмайин бош олиб кетди.

Балки чидолмади ҳасадгўйлару
Мен таништирганим дўсту ёрларга.
Бир-бирин кўролмай юрган кўзлару
Кўнгли қаролар ҳам ичи торларга.

Лойқа давралардан ғамларға тұлди,
Кетди. Иллар үтди. Үзгарды замон.
Бугун Түполондарё сувомбор бўлди,
Мен уни етаклаб юрибман ҳамон.

2007

МАНЗИЛЛАР

Қобулгача — беш юз ёғоч,
То Ҳирот — минг чақирим.
Овоз етмас, ийқидир илож,
Юз йил юрсанг чақириб.

Мисли эгиз күзу қошу
Мисли яхлит тахту тож,
Бобургача — беш юз тошу
То Навоий — минг ёғоч.

Булар асло әмас рақам
Ва ё тарих йиллари —
Йўлларидир «Хамса»нинг ҳам
«Бобурнома» йўллари.

Маънавият жаҳонига
Осмонлардир мусаффо.

«Хазойин ул маоний»га
Еткизгувчи масофа.

Надир асли умр күрмөк —
Касби камол этмакдир.
Навоийга етиб бормөк
Минг йиллик йўл демакдир.

2007

БУЛБУЛ

Ошқозонинг йўқ, булбул,
Ошхонанг йўқдир сенинг.
Овқат демайсан ё пул,
Ишхонанг йўқдир сенинг.

Оlam яшил, сарик, кўк,
Бир фунча деб яйрайсан.
Сенда қорин ғами йўқ,
Шундан гўзал сайрайсан.

2007

* * *

Навоийнинг ғазаллари —
Сўздан унган ватанлар,
Дил қонидан, кўзёшидан суборилган чаманлар.
Бунда булбул ўлса агар — гул қонига ювгайлар,
Бунда ошиқ ўлса агар гулдин бўлур кафандар.

2007

ДИЙДОР

Ота уйимиэда ёзу куз, баҳор,
Ака-укалару опа-сингиллар,
Тўпланган пайтлари такрор ва такрор,
Порлагандай бўлар ўнлаб қандиллар.

Куюқ хотиралар пиёласидан
Эсадаликлар ичиб ўлтирас онам.
Дийдору шодликлар шалоласидан
Барча хандон бунда,
Дўсту ёрон жам.

Тиниб қолгандайин гўё атайнин
Ёроҳ сўримиэнинг тепасида ой.
У ҳам совуб борар тун ўтган сайин,
Мисли бир пиёла тўла сариқ чой.

Баҳор келаверсин тақрор ва тақрор,
Бизнинг тонгимизни ғариф шом қилма.
Давом этаверсин ҳаёт ва дийдор,
Худо, шу дамларни паришон қилма.

2007

ДИЛ

Худо менга берган олам
Ер, осмони билан келган.

Худо менга берган далам
Бүғдой, нони билан келган.

Худо менга берган болам
Нигоҳбони билан келган.

Худо менга берган алам
Гиёҳ, дони билан келган.

Худо менга берган қалам
Сиёҳдони билан келган.

2007

СОМОН ЙЎЛИ СОМОНЛАРИ

Акам Шарафиддинга

Бизлар сомон ташир эдик Сомон йўлидан —
Адирларга тегиб турган осмон йўлидан.

Ой нурида яркиради буғдойпоялар,
Ойдин тунлар, сувлар ойдин, ойдин соялар.

Бизлар билан тувишгандай — беғам, беармон,
Даштлар ярми заъфар эди, ярми — нофармон.

Гўё кенжা укамиздай бардам, безавол,
Бизлар билан сомон ташиб юради шамол.

Гарчи буғдой бошоғидан ёшроқлар эдик,
Буғдойзорлар аро биз ҳам бошоқлар эдик.

Кирлар узра тупроқ кечиб, кезиб дашту сой,
Бизлар билан сомон ташиб юрар эди ой.

Адирларга тегар эди осмонларимиз,
Тўкилдилар, сочиладилар сомонларимиз.

Хирмонжойда чарх ураги бир бутун олам,
Айланардик қўш ҳўкизу биз яна отам.

Айланарди ҳўкизларни юргизиб гаврон,
Вақту замон айланарди, айланди даврон.

Болалигим, бүгдойларинг қайда, ҳо, қайда?
Юлдузлардан садо келар: «Майды, ҳо, майда...»

Бизнинг сомон, донимизни янчид беомон,
Чархи даввор айланди гир, замин ҳам осмон.

Фам ҳўкизи тунлар менинг бағрим майдалар,
Болалигим қайда қолди? Отам қайдалар?

Ҳали ҳёт полизидан уэмай ҳандалак,
Бизнинг гулдай кенжамиизни не қилдинг, фалак?

Бир дон бердинг, аммо қайтиб бунча совурдинг,
Бир жон бериб, не ўтларга сўнгра қовурдинг?

Юлдузлардан садо келар: «Майды, ҳо, майда... »
Чархи фалак, меҳрларинг қайда, ҳо, қайда?

Не учун сен хас-хашакни танлаб ва сайлаб,
Бошларингта кўтаргайсан муҳтарам айлаб?

Бизлар сори бунчалар ҳам бераж бординг,
Нечун бизнинг донимизни ерларга қординг?

2007

ХИЭМАТ ҲУДУДИДАН ТАШҚАРИДА

Үтди майсалик ҳам, үтди лолалик,
Не хатлар умрнинг нақшлари дадир?
Илларга сим қоқсам — олис болалик,
Хизмат ҳудудидан ташқаридадир.

Колмиш адирларда гўзал чоғларим,
Не ранглар далаю даштлари дадир?
Энди қўзиларим, қўзичокларим
Хизмат ҳудудидан ташқаридадир.

Кўклам келаётири — само ҳам, ер ҳам
Селлар, чақинларнинг машқлари дадир.
Тошқин пайтларимга қайтайин десам,
Хизмат ҳудудидан ташқаридадир.

Бир хил айланади замину замон,
Хиндми ё Хитонинг Қашқаридадир.
Менга зурур бўлган энг тиниқ армон
Хизмат ҳудудидан ташқаридадир.

Борланолмай қолдим бойчечакларга,
Севгимми — кўнгилнинг ғашлари дадир.
Бугун интиқ бўлсан қай чечакларга —
Хизмат ҳудудидан ташқаридадир.

Йигитлик тулпори илдамлаб чопса,
Вактим — шиддатлари, шаштларидадир.
У хам эрта-индин қирлардан ошса —
Хизмат худудидан ташқаридадир.

Хаёт янграйверсин, айласин даном,
Гарчи севинчлари, ашкларидадир.
Мехру муҳаббатга бўлмасин жавоб:
Хизмат худудидан ташқаридадир.

2007

МУСОФИРЛАР

Күёшдан маҳтобга бораётирмиз,
Сабоҳдан саҳобга¹ бораётирмиз.
Яшамоқ аслида азоб чекмоқдир,
Азобдан азобга бораётирмиз.
Улур вайронадир одамзод кўнгли,
Биз ўшал ҳаробга бораётирмиз.
Баъзан умримизни кўп ҳисоб айлаб,
Кўп ёлғон ҳисобга бораётирмиз.
Кимлардир савобга чоғланиб чиққан,
Кимлардир саробга — бораётирмиз.

¹ Саҳоб (араб.) — булут

Аслида ҳаммамиз эңг буюк Савол,
Эңг буюк Жавобга бораётиризи.

2007

ХАВОТИР

Куллик ҳам қарамлик палла йўқолди,
Оку сарик, кизил,mallла йўқолди.
Жаллодлар ўқ отган эди бир пайтлар,
Саллалар йўқолган эди бир пайтлар.
Канча селу ёмғир, жала йўқолди,
Саллалар келдию — калла йўқолди.

Яъни масжидларинг босган ҳазонлар
Тўзди кетди бари — қайтди азонлар,
Жума намоэларинг тўла айвонлар.
Лекин қандай қилиб, айттин, инсонлар,
Шунча улур нурдан тола йўқолди —
Эгри йўллар аро бола йўқолди?

Фожиамас агар ғалла йўқолди,
Кўю қўзи, әчки — гала йўқолди.
Узбек, айланайин номингдан сенинг,
Курган баланд-баланд томингдан сенинг,
Қасрингни бошингта қўтариб дод сол,
Ахир Ҳаё деган қалъя йўқолди.

Сенинг учун озод бўлди-ку ўлкам,
Омадинг кўркамдир,
Коматинг кўркам,
Сенга ҳавас қилиб яшайман, укам.
Замон парвозига улгур, интил, ет,
Сенга қанот бўлар учқур интернет.
Фақат қалбинг аро лола йўқолди,
Китоб деган яшил дала йўқолди.

Тарақ-туруқлару
Даранг-дурунглар,
Кайга борсанг факат пулдан гурунглар.
Узоқ яшанглар-ў,
Узоқ туринглар,
Ўзбек болалари, сергак юринглар:
Бугун энг қадимий ялла йўқолди,
Кўнгил бешигидан алла йўқолди.

2007

СОМОНЧИЛАР

Ажабмас, эрта күн бир шоир укам,
Шеърлар ёшиб юрса Сомон йўлида.

Абдулла Орипов

Устозлар Сўзда ҳам хокисор қулдек,
Тупроқдан излашган армонларини.
Бизлар ўзимизча забт этиб бўлдик,
Чангитиб шеърият осмонларини.

Сомон йўлларида юрибмиз, мана,
Фалак буржларидан иржаймоқдамиз.
Кўкда Зухродан ҳам сўраб кўрмана,
Гоҳ хиринглаб, гоҳо тиржаймоқдамиз.

Тўлин ой агарчи бизга чой дамлаб,
Булатни тўшакка айлантиродик.
Бизлар бир ҳолатда кетдик баландлаб:
Биз сўзни хашакка айлантиродик.

Тупроққа қорғанлар дил хирмонини,
Ердан олгандирлар шеърга ҳам ихлос.
Устозлар йиққанлар Сўзнинг донини,
Бизлар сомон ташиб юрибмиз, холос.

БИР ҚАВМ

Биэлар кунни
Бир лаҳзада тун қиласи.
Хар қандайин иш бўлса —
Хуржун қиласи.
Хар қандайин одамни
Маймун қиласи,
Үзимизни фақат биз
Мамнун қиласи.

Хасад билан
Тутинганмиз ака-ука,
Фиску фасод,
Риёни уйғун қиласи.
Кўйларингиз кўпайса гар —
Гўшт бўлади,
Терисин ҳам шилиб
Яна жун қиласи.

Тор сингари
Хар қандайин кўнгилни ҳам,
Сиқиб, эзиб
Сувини Жайхун қиласи.
Буғдойларин туйиб, янчиб
Ун қиласи,

Ўз ҳолига
Ўзини тутқун қиласиз.

Худо бизга берса бўлди
Бир зўр шоир —
Бутун умр
Юрак-бағрин хун қиласиз,
Сўнгра унинг ўзини ҳам
Гум қиласиз.

2007

ТЕГИРМОНЧИ

Тегирмончи, қора чопон тегирмончи,
Элнинг халта, қопларига
ўзинг чўпон, тегирмончи.

Тегирмонинг новларидан
сув оқади, сел оқади,
Эртаю кеч сенга томон эл оқади, эл оқади.

Одамларнинг юмушига ҳозир бобо, тегирмончи,
Ҳалол ризқдан доим топган ҳузур бобо, тегирмончи.
Сенинг қора чопонларинг оппоқ унга беланади,
Тегирмоннинг ичидаги Хизэр бобо, тегирмончи.

Айланади тегирмонинг,
Тегирмон тоши айланар.
Фалак ҳам бир тегирмондир,
Ою қуёши айланар.
Одамзод ҳам дондир дейсан,
Арпамидир, буғдоймидир —
Чархнинг тегирмони аро
Кексаю ёши айланар.

Кўкда қора булут кезса,
Дашту қирга жон бўлади.
Кўкда оппоқ булут кезса,
Буғдой пишиб, нон бўлади.
Мени дастиёр эттанди, тегирмончи,
Отам бурдойга кетганди, тегирмончи.
Кута-кута соғинчларим ойга етди,
Болалигим сойга кетди.
Кейин у сойдан келмади,
Отам буғдойдан келмади, тегирмончи.
Шамолларда бошоклари ер ўтиб эгилади,
Сахарлари буғдойзордан отам ҳиди келади.

Самодаги сомонлар ҳам
обдон янчиб туйилгандай,
Сомон йўли — кўп ун сепиб қўйилгандай.

Үтди-кетди асмы ә фаслмиди — Йигирманчи,
Тегирмончи қайга кетди, тегирмончи?

Калдиратиб, гулдиратиб кенг осмонни,
Бир кечаси қалдироқлар
олиб кетди тегирмонни,
Юрагимдан юлиб кетди тегирмонни.
Иллар үтди. Селлар үтди.
Кимлар унут, тегирмончи.
Осмонларга қарайман гоҳ;
Кезиб юрар оппоқ булат — тегирмончи.

2007

* * *

Даланг сенинг болангдир,
Боланг сенинг далангдир.
Үзбекнинг даласи денг
Үзбекнинг боласини.
Үзбекнинг боласи денг
Үзбекнинг даласини.

Кимлар калла ўстирап,
Кимлар салла ўстирап.

Ўзбек бола ўстирар,
Боғу дала ўстирар.
Мисли қалъа ўстирар
Қалбининг қальасини.

Мен ҳам шу ер — палақдан
Ранг олган ҳандалакман.
Гоҳ тупрок, гоҳ фалакман,
Ухшатолмай ҳалакман
Ўзбекнинг боласига,
Дашти ҳам даласига
Шеъримнинг даласини.

2007

НАВОЙЙНИНГ БОҒЛАРИ

Адабиёт муаллими
Бизлар бола чоғлари,
Дарс берарди — Ҳиротда деб
Навоиййнинг боғлари.
Сиз ҳам асли кўчатлари,
Барглари, япроқлари —
Навоиййнинг боғларисиз,
Навоиййнинг боғлари.

Иллар ўтди. Болалик ҳам
Ортда қолди бир умр.
Навоийнинг боғлари лек
Едда қолди бир умр.
Биз англадик — надир Ватан,
Томирлари, шохлари.
Эътиқод ҳам иймон экан
Навоийнинг боғлари.

Аввал фарзанд бўлар одам,
Кейин инсон бўлгайдир.
Ўз тупроғин қадрин билган
Диллар осмон бўлгайдир.
Қўнгилларнинг ҳақ йўлида
Заҳмату қийноқлари —
Навоийнинг боғларидир,
Навоийнинг боғлари.

Сув келтирган — элда азиз,
Боғ яратган — баҳтиёр.
Инсон умри кўприклардир,
Иллар, йўллардир қатор.
Бу томони — Ҳиротгача,
Қашқардир нарёғлари,
Навоийнинг боғларидир,
Навоийнинг боғлари.

То бор экан ёмонлигу
Разолатнинг зоглари.
То жаҳолат бор экан ҳам
Кийну ҳасад товлари.
Инсонларнинг инсонни деб
Зиркираган доғлари —
Навоийнинг боғларидир,
Навоийнинг боғлари.

Маърифатдир оламшумул,
Мухаббатдир жаҳоний.
«Насойим ул — мухаббат» ҳам
«Хазойин ул — маоний».
Осмонлари руҳдан бино,
Қалб эзур тупроқлари,
Навоийнинг боғларидир,
Навоийнинг боғлари.

Сен кўнгилни тоза туттил,
Юртни ҳам озода тут.
Юрт дегани боғ экандир,
Боғ дегани — она юрт.
Тўлиб тошар экан токи
Эзгулик қирроқлари,
Яшар абад, яшнар абад
Навоийнинг боғлари.

БАХОР ҚҮНФИРОҚЛАРИ

Бахор жилғаларни құзичок қилас,
Дараҳтларни бир кечада құғирчоқ қилас.
Бойчеклар бойчекларга
Адирлардан адирларга қүнфироқ қилас.

Бир пайтлар мен шу қирларда кезар әдим,
Йүқолған құзичоримни излар әдим.
Бахор дараҳтларни құғирчоқ қилас,
Бир кечада юрагимни құзичоқ қилас.
Бойчеклар қүнфироқ қилас,
Бинафшалар, құзигуллар қүнфироқ қилас.

Мен яшадим баҳор кутиб
Сатрлардан сатрларга,
Тақдирлардан тақдирларга.
Менга бир қүнфироқ етади,
Құзичорим йўлга чиқар —
Тақдирлардан тақдирларга,
Адирлардан адирларга
Мени излаб кетади.

ШОХТУТ

Ойбиби момомнинг яшил шоҳтути,
Яхшию ёмонга — бир, дилҳоҳ тути.
Невараларига мевасин берган,
Соясини берган — оромгоҳ тути.

Момом шоҳтутига нигоҳбон эди,
Шоҳтут ҳам момомдай меҳрибон эди.
Унинг шоҳларида катта бўлдик биз,
Шоҳлардан нарёғи кўк осмон эди.

Тому боғчалари қирмиз, болалик,
Қўл-бет, ёқалари қизил, лолалик,
Биз ҳам шу шоҳтутнинг меваларидай
Ранг олиб улгайдик теварагида.

Бари бир кечада бўлди-ку тамом,
Бизни ташлаб кетди Ойбиби момом.
Кўрдик бу дунёнинг бўшаганини,
Шоҳтутнинг бир тунда буқчайганини.

Кейин ариқларга сув келмай қўйди,
Буни бирор билиб ё билмай қўйди.
Кейин шаҳарларга биз тарқаб кетдик,
Шоҳтут эмас, гүё биз қақраб кетдик.

Ою йиллар нима — тушдайгинадир,
Бошларингдан учар күшдайгинадир.
Энди келиб кўрсак — у азим шоҳтут
Бужмайган, кичрайган — муштдайгинадир.

Дараҳт ҳам тирикдир одамзод билан,
Яшар, видолашар сўнг ҳаёт билан.
Мисли бир хотирот унут дунёдан —
Ўтиб бормоқдадир шоҳтут дунёдан.

Ойбibi момомнинг бетоб шоҳтути,
Бўлмиш харобдан ҳам хароб, шоҳтути.
Момомдан бизларга ёдгорлик эмас,
Бу дунёда қолган оху воҳ тути.

2007

НИГИНА ВА АФСОНА

Балки олти ёшдир, балки етти ёш,
Бир-бирини кўрса — кўзларида ёш.

Ўтар олти ойми, ёки етти ой,
Бир-бирин кўйишга тополмагай жой.

Бири учиб юарар мисли капалак,
Бири — шириндан ҳам ширин ҳандалак.

Ширмой кулчадайн икки қизалоқ,
Икки бойчечакдир, икки қиэгальдоқ.

Бири Истанбулдан келар соғиниб,
Буниси Тошкентда кутар орзиқиб.

Оллоҳ кўнгилларга сеҳр бермишdir,
Шу муррак жонларга меҳр бермишdir.

Тириклик борининг мўъжизалари,
Янгроқ қўнғирори, куй, жилалари.

Ҳаёт китобидан гўзал фасона,
Бири Нигинадир, бири — Афсона.

Булар сўйлашсалар — ғунча кулгандай,
Худди фаришталар сухбат қилгандай.

Дунё ишларининг бари — бир тараф,
Буларнинг соғинчу бағри — бир тараф.

Бир-бирини қўмсаб, интилиб яшар,
Шулардан ўргансин дўстликни башар.

2007

МУТАРЖИМ

Н. Комиловга

Хижрон бўлди менинг ошу Ниэом, ака,
Дил биландир доим баҳсу низом, ака,
Мен қалб десам — қирқ чайқалиб, қирқ қалқиндингиз,
Ўз қалбидан ризою норизом, ака.
Ою йиллар доим шундоқ айқаш-уйқаш,
Бу дунёда ўзи йўқ интизом, ака.
Не бўлса ҳам юз ёшгача соғ бўлгайсиз,
Кўнгилларнинг таржимони, Ниэом ака.

2007

* * *

Она, тўплаб чиқса — бардошларингиз,
Шунча йиллар тўккан кўзёшларингиз.
Еру осмон селу ёмғир, дўл бўларди.
Бир воҳани кўмарди сув,
Бир воҳани варқ этгувчи кўл бўларди.

Ажинларингизни ўйласам агар,
Бир-бирига улаб, бойласам агар —
Сурхондан то Тошкентгача,
Тошкентдан то Сурхонга қадар
Соғинч тўла, армон тўла йўл бўларди.

2007

САХАР ТУРИБ...

Сахар туриб, күкка қараб керишдим мен,
Ювиндим, сүнг ўзим билан кўришдим мен.

Ўз олдимга ўтиргизиб мен ўзимни,
Сўроқ қилдим, ўзим билан суришдим мен.

Ўзим билан — бекор кетган сахарларим,
Бекор ўтган умрим учун уришдим мен.

Ўзим билан шундай тонгти урушларда
Ростин айтсам, бир ҳикматта эришдим мен.

Сиз ҳам агар сахар туриб керишасиз,
Шак-шубҳасиз бир нимага эришасиз.

2007

МАКТАБГА БОРАМАН

Мен мактабга бораман,
Қолар энди эртаклар.
Отам етаклар мени,
Қуёш мени етаклар.

Мен мактабга бораман,
Ойналарда ўйнар нур.
Қўзичогим, хайр энди,
Энди ўзинг ўйнаб юр.

Учиб чиқайин дейди
Жилдимдаги дафтарлар.
Мактаб ҳовлиси тұла
Биринчи синф капитарлар.

Кувнаб қадам босгайман,
Бир жойларим жүш уриб.
Шу оппоқ капитарларға
Кеттүм мен ҳам қүшилиб.

Диморимда бор ҳали
Үт-ўлан, гиёх иси.
Қүшилгай бу исларға
Оқ дафтар, сиёх иси.

Ҳаммамиз битта борнинг
Нихоллари, баргидай.
Оқ ёруғ синфхоналар
Онамизнинг бағридай.

Биринчи синф капитарлар,
Жимирлайди жон ва тан.
Чарх ураг биәлар билан
Кабутардай оқ Ватан.

2007

МУЛТФИЛМ

(Болаларга)

Бургани бурга еди,
Куркани курка еди.
Бўрини тажир бўри,
Ўлжани еди зўри.

Чўккилар биқинида,
Бургутларнинг инида —
Жўжа чўкир ўзининг
Уасининг кўзини.

Кувлаб юрар гиначи
Ниначини ниначи.
Кўринг-да бу қилиқни:
Балиқ еди балиқни.

Күённи қувлар қўён,
Тулки қочмоқда қаён?
Қочиб юрар ҳўкиэлар,
Изларидан — тўнғизэлар.

Кенгуруни кенгуру
Сакраб-сакраб, кенг юриб,
Тармашади кетига,
Чанг солар сўнг бетига.

Маймунни миниб маймун
Тимдалар уни мамнун.
Қоплон босиб панжасин
Еб қўйди қоплончасин.

Илонлару чаёнлар
Судралмоқда қаёнлар?
Буларнинг ҳаммасини,
Каклигу саъвасини —
Келиб қолар-да берам,
Еб қуяр битта одам.

Бу ёри қизиқ бўлди,
Бир катта чизиқ бўлди.

Сиз булардан фарқ қилинг,
Даврасини тарқ қилинг.

Китоб ўқинг болалар,
Китоб ўқинг болалар.
Бу шеърни айтди дилим,
Дунёда энг зўр — билим.
Ана сизга мультфильм,
Мана сизга мультфильм.

2007

* * *

Тушмиш қайси дарахтлардан, болалар,
Қүёш каби чараклаган болалар?
Ерқин, порлоқ юлдузларнинг остида
Толелари ярақлаган болалар.
Юраклари бойчечакни ўпмаган,
Чўнтаклари жараклаган болалар.
Навоийни бир вараклаб кўрмаган,
Пулни яхши вараклаган болалар.

2007

* * *

Менинг сultonларим кетди,
Асл хоконларим кетди.

Улуг кўронлари қолди,
Улуг кўронларим кетди.

Асрлар Жайхуну Сайхун
Бўлиб армонларим кетди.

Бу Сомон йўллари эрмас,
Менинг сомонларим кетди.

Темир хонлар — Темурхонлар
Иэидан жонларим кетди.

Шараф ҳам шонларим қолди,
Шараф ҳам шонларим кетди.

Куйиб султон Улурбекдай
Кўзи ҳайронларим кетди.

Неча Бобур каби йиғлаб,
Дили вайронларим кетди.

Замонлар тўэди кум янглир,
Улугъ карвонларим кетди.

Менинг султонларим кетди,
Шараф ҳам шонларим кетди.

Жаҳон бирдан қуриб қолди,
Буюк уммонларим кетди.

2007

МИР ТЕМУРИЙ ҚОВУНЛАР

«Сайхун суйининг шимоли тарафидаги қасабалар:
бир Ахсидур. Китобларда Ахсикат битирлар... Умаршайх
мирзо муни пойтахт қилиб эди. Сайхун дарёси қўрго-
нининг остидин оқар... Қовуни яхши бўлур. Бир навъ
қовундирким «Мир Темурий» дерлар, андок қовун
маълум эмаским оламда бўлғай».

(Задириллин Муҳаммад Бобур. «Бобурнома», саккиз
юз тўқсан тўққизинчи (1494) йил воғеалари).

Мен бахтимдан мудом юрдим илгари,
Үтди яна рамазону ийдлари.
Диморимдан ҳаргиз кетмади нари
Мир Темурий қовунларнинг ҳидлари.

Үз бобомдан ёдгор қолган зироат,
Англарниди буни Ҳирот, ҳиндолари.
Бу не соғинч эзур, не сир-синоат —
Мир Темурий қовунларнинг ҳидлари?

Фурбат отим жиловини қўйвормай,
Байрам қилди дарду ҳасрат итлари.
Эсиб турди қай ергаким мен бормай,
Мир Темурий қовунларнинг ҳидлари.

Аччиқ чогир берди менга давроним,
Коса тутди доим ҳижрон риндолари.
Бу дунёда энди ёлғиз армоним —
Мир Темурий қовунларнинг ҳидлари.

Паст кетса чарх, кўрсатса-да минг ўйин,
Баланд бўлган султонларнинг дидлари.
Тарк этмасин сени, ўрлим Ҳумоюн,
Мир Темурий қовунларнинг ҳидлари.

Салтанат ҳам тутаб битди охимдан,
Дуо айланг беклари, сайидлари.

То қиёмат анқир энди хокимдан
Мир Темурий қовунларнинг хидлари.

2007

ИЛК ОФРИҚ

Болалиқдан ёронлар,
Хар ишга мөхир бўлдим.
Булутларга чўпону
Шамолга шофир бўлдим.

Осмонларни хушладим,
Чакмоқларни ушладим
Ва тоғларга улашдим,
Бир кенжаботир бўлдим.

Гулдираклар гулдираб,
Дилга кирди ўлдираб,
Кўкрагимни тўлдириб,
Гоҳ дарё, гоҳ кир бўлдим.

Қайга қадам қўйдим сўнг?
Бир лолани сайдим сўнг.
Майса янглиғ қўйдим сўнг,
Ё сехо ё сир бўлдим.

Менга болиш — төг, сахро,
Хаёлимда — гул Үэро.
Ү — ердаги бир Зухро.
Мен эса Тохир бўлдим.

Ойлар тўлиб айланди,
Тақдирларим бойланди.
Дўстим унга уйланди,
Мен озроқ оғир бўлдим.

Севгим чала колди-да.
Ўзим ўсган ҳовлида,
Ўз кўнглимнинг олдида
Дўстлар, мусофири бўлдим.

Бургутларни «сен» дердим,
Чўққиларга тенг эдим,
Самолардай кенг эдим,
Тупроқ билан бир бўлдим.

Билмадим бу савдода
Олдми ё охири бўлдим.
Дўстим хотинли бўлди,
Мен — катта шоир бўлдим.

1980, 2007

КЕЛИШМАДИК

Биз ҳам бошқа ошиқлардан
Колишимадик, санам.
Дилдан сүйиб, дилдан күйиб,
Кулишимадик, санам.

Менинг бир күнглиму сенинг
Бир холинг бор эди.
Бир севгини биэлар нега
Бўлишимадик, санам?

Мұхабbat — бир қошу күздир,
Киприклари — нам.
Биэлар нечун бир қошу күз
Келишимадик, санам?

Ою қүёш әнди биздан
Иироқлардадир.
Олис тушган икки ёлриз
Болишимидик, санам?

Сўлди умид айвонида
Райхонларимиэ.
Биэлар нечун райхонлардай
Сўлишимадик, санам?

Осмонимиз ерда эди,
Еримиз — осмон,

Нечун ерни биз осмонга
Алишмадик, санам?

Алишмадик, түрри қилдик,
Гулни — күнгилга.
Алишмадик, ахир бизлар
Калишмилик, санам?

2007

* * *

Яркираган тоғларимни
Оқ туманлар қуршаб кетди.
Қўкка қараб чопган йўллар
Энди бари нишаб кетди.
Дараҳтларим хоригандай,
Бир-бирини ушлаб кетди.
Дил боғига кирди кузак,
Кеча ҳазон тўшаб кетди.
Кўзларимнинг атрофлари
Ариқларга ўхшаб кетди.
Бош гоҳида таътил сўрар,
Соч ҳам ишдан бўшаб кетди.

2007

УКАДҮСТ

А.Э.

Бу дунё нимадир —
Бир амри маъруф.
Укамнинг уйлари —
Келсам эшик қулф.
Нурмуҳаммад қани, эй Абдурауф?
Нурмуҳаммад қани, эй Эшимқулов?

Тақдир дурадгори чекмас таассуф,
Бир толдан ҳам тобут,
Ҳам бешик килиб.
Гулдай укам сўлди, эй Абдурауф.
Ўзинг укам бўлдинг, эй Эшимқулов.

Мухаммаджон қани,
Мухаммад Юсуф?
Қай дилга бош урсам —
Унда эшик қулф.
Энди дўстим ҳам йўқ, эй Абдурауф,
Энди дўст ҳам ўзинг, эй Эшимқулов.

Икки Муҳаммадим —
Икки тоза руз.
Бурчин бажаргайсан ўэ ишинг қолиб.
Сенга қийинмасми, эй Абдурауф?
Сенга оғирмасми, эй Эшимқулов?

Самду ШАТЬНИГА

СамДУ ичра сайр этдим эрка дилбанди мисол,
Эрка фарзандлар ичинда битта фарзанди мисол.

Эй Самарқанд, сен улутвор бир чинорсан тоабад,
Ҳар ўғил-қиз шу чинорнинг тоза пайванди мисол.

Сен уурулар маҳзанисан, сен валилар маскани,
Бунга бобом Мир Алишернинг ғазал, банди мисол.

Тожу тахтинг ҳам баланддири, ному бахтинг ҳам баланд,
Бунга минг бир шоху султан, минг Самарқандий
мисол.

Бу чаман — дорилфунун кўнглимни банд этмиш мени,
Айланиб юргум, кетолмасдан асир-банди мисол.

Бунчалар маҳбуб экан маҳбуналарнинг кулгуси,
Ул Сиёб бозорининг шаҳду шакар, қанди мисол.

Неча бир Мирзо Улуғбекларни осмон айлагай,
Кўзлари — юлдузларининг инжа рахшанди мисол.

Жилмайиб қўйгай эди Темур бобо ҳам бир қараб,
Бунга домулло Темур Ширинни лабханди мисол.

Бунда уч милён китоб бор деб, эшикларни очиб,
Муслиҳиддин домла бошлар аста шайх Саъдий мисол.

КОБУЛДА БАХОР

«Сабваю гуллар била жаннат бўлур Кобул баҳор...»

Захириддин Муҳаммад Бобур

На елда қарору на селда қарор,
На булбулда ором, на гулда қарор,
Эй дил, қачон топдинг ой-йилда қарор?
На дилда қарору на элда қарор —
Кобулда баҳордир, Кобулда баҳор.

Найсон, суйинг билан ювиб сўй мени,
Майса, кипригинга суяб қўй мени.
Ўзинг тирилтиргин, ўзинг сўй мени,
Мен каби дунёда борми интизор?
Кобулда баҳордир, Кобулда баҳор.

Фалак, мадрасангда дарс килолмадим,
Киличларинг кесди, арэ килолмадим.
Мен шу қиличларга бас келолмадим,
Кайда йигитлигу завқу ихтиёр?
Кобулда баҳордир, Кобулда баҳор.

Қолдим кўклам аро хор, сарғариброк,
Ҳар зору ғарибдан мен зор, ғариброк.
У қирғоқ йироқдир, бу қирғоқ — фироқ,
Сиз қайдага колдингиш, эй ёру диёр?
Кобулда баҳордир, Кобулда баҳор.

Кобулда баҳору ғамим ортади,
Ҳасрат умрим аро черик тортади.
Мусоғир савдолар мени ўртади,
Бу гулшан ичра мен бир тирик мозор,
Кобулда баҳордир, Кобулда баҳор.

Лоланинг жомига тегиб синди жом,
Қўксимдан лолага бориб инди жон.
Гўёки жон эмас — томди Андижон,
Шунчалар кўпми шоҳ Бобурга озор?
Кобулда баҳордир, Кобулда баҳор.

2007

**ДИЛИМДАН БОШЛАНИБ СОЗЛАР,
ЭЛ ИЧРА ҚИЛСА ПАРВОЗЛАР**
(Фазал машқы)



1993 г.

КУХНА ФАЗАЛ

Даҳро боғида биз сехроу
синоат излаганлармиз,
Мехро истаб вале андин
риёзат излаганлармиз.

Хатолар даштида дилни
бериб қўлдин, хато айлаб,
Изидин бир умр шарху
шикоят излаганлармиз.

Бу олам аҳлиниң васфу
вафосин истаманг биэдан,
Садоқат кўйида биз хўп
ривоят излаганлармиз.

Даҳронинг қолған ул ранжу
балосин бизга еткурманг,
Ки биз ранжу балоларни
зиёдат излаганлармиз.

Агарчи норасо эрдик
расолар орасида, лек

Жаҳолат мулкида ишқдин
хидоят излаганлармиз.

Кетурмиз тоабад шундок,
сабр жомини тутмангиз,
Каноат эрмас асло, биз
диёнат излаганлармиз.

Дуолар манзилига еттуси
бир кун, дуо айланг,
Ки биз бори дуоларга
ижобат излаганлармиз.

1986

УМР ФАЗАЛИ

Бу не суръатдуурким сен
фигонингта етолмассан?

Бу не мухлатдуур — сирру
аёнингта етолмассан?

Бу не дарё — гахи сокин,
гахи тӯфон ила тошқин,
Гахи ўэдин йироқ оқдинг,
ки ёнингта етолмассан?

Бу не достон — гахи түрён,
гахи сўёсиз бокур ҳайрон,

Ки йилларни этиб сарсон
баёнингга етолмассан?

Бу не ўқдир фифон бирлан
учиб кетмиш камонидан,
Ҳамма яхши ёмоннинг ҳам
нишонингга етолмассан?

Кўнгилдан шуълалар сочгин,
йўлингдан муждалар очгин,
Сени ташлаб кетар, шошгин,
замонингта етолмассан.

1986

* * *

Мен жаҳонда бир жаҳону бу жаҳон мендин ўтур,
Бу фифон недурки ҳар он, ҳар замон мендин ўтур?

Лаҳзалар пойимга тушмишлар сориг барглар каби —
Ҳар гулу ҳар хору ҳар хас, ҳар ҳазон мендин ўтур.

Йилларим қасрини вайрон айлару умрим уйин
Ҳар дамеки, bemurodуду бенишон мендин ўтур.

Ишқ малҳамдир деб айтурсан, vale кўргил они
Дилни чок айлар бу ишқ — тири камон мендин ўтур.

Гоҳи судралгай менинг карвон мисол муддатларим,
Ўйлагаймен, оҳ, бу карвонлар қачон мендин ўтур?

Мен күнгилни мулк деб билдим, талош бўлдим валек,
Бу күнгилнинг саргузашти беомон мендин ўтур.

1987

* * *

Жаҳон ичра яна минг бир жаҳон топдим,
Ёмондин ҳам ёмонроқ минг ёмон топдим.

Кўнгил кўйига тушдим мен, равон бўлдим,
Бу йўлни гоҳ равону норавон топдим.

Бирор сўйлар ғами бирлан камидин ҳам,
Ани мақсад йўлида нотавон топдим.

Бирор меҳробу меҳримдин фифон айлар.
Ўзин меҳробидин лекин чаён топдим.

Булардин ҳеч вафодин бир садо йўқдир,
Булардин бир умр куйдим, зиён топдим.

Аён бўлдим ўшал кунким нигоҳида
Нигорнинг муддаосини нихон топдим.

Анинг мижгонлариға дилни жо этдим,
Нихоят беомон жонга омон топдим.

Бу манзил ичра энди ҳеч ишонмасман:
Бошимга бунча савдони қачон топдим?

1987

* * *

Мен ишқ элининг нолаю афгонида куйдим.
Кўнгил уйининг отashi армонида куйдим.

Мехрин тилабон ўтса агар ошиқи зорлар,
Мехримни бериб мен эса товонида куйдим.

Мушкул эди йўл, ранж ила изхорига етдим,
Сизлар кўйида, мен эса домонида куйдим.

Ташбехига, ҳолим будурур, ўзга қиёс йўқ,
Соч толасидай чоки гирибонида куйдим.

Ишқ аҳли фироринда фирон этса агар, мен
Ёнида юриб, ёнида хижронида куйдим.

Дўст ким, ракиб кимдиру овораси кимди?
Билмай асилин лол ила ҳайронида куйдим.

Дунёйи азалнинг разалий матлаъи булдур:
Бошлаб ҳама ишни они поёнида куйдим.

Ҳам меҳнати, ҳам миннати, ҳам заҳмати — борин
Жон жомига жамлаб, даги уммонида куйдим.

1988

* * *

Хуршид Дағронға

Гул билан гул ўртасида сехро — лабхандлар керак,
Дил билан дил ўртасида меҳорпайвандлар керак.

Бузмагай оламни, обод айлагай дил тошқини,
Дил билан дил ўртасида, айтмагил, бандлар керак.

Дил билан гул қони ҳамрангдир, vale ишқ ўлида
Дил қони бирлан битилган онт — савгандлар керак.

Кўрди ҳар турлук шиорларни бу юрт пештоқлари,
Энди унга Мир Алишердин битик, бандлар керак.

Турли пешволарни бошдин бирма-бир ўткарди эл,
Элга ҳар хил оталармас энди фарзандлар керак.

Фахр учун момиқ эмас, ҳар бир кўнгилнинг қонидаги
Дил била гул қонидаги бўлган Самарқандлар керак.

1989

* * *

Ғанимлар сен билан бизни ҳали йиллаб гапиргайлар.
Кезармиз, оптимиздан соялар йўллаб гапиргайлар.

Мену сен бир-бировдин аёрилиб кетмоғимиз мумкин,
Алар бир-бирларини доимо қўллаб гапиргайлар.

Сену мен рози дил айтарға ғаҳ бир сүэ тополмаймиз,
Аларнинг диллари айрою қүш тиллаб гапиргайлар.

Сенинг яфров янглиғ ҳолатингу ҳам менинг яфров
Киби ҳузну хазонимни алар гуллаб гапиргайлар.

Сену мен нұқта янглиғ гар узоқлашсак, алар ортдан
Миниб бир-бирларининг бўйнига бўйлаб гапиргайлар.

Садосиз, истимосиз биз жимиб кетсак агар шундок,
Алар фархунда бўлгайларки, ҳой-хуйлаб гапиргайлар.

Ҳазин достон бўлур бир кун бизим бул бемурувват
ишк,

Ушал кун ҳам алар бизни қулиб-куйлаб гапиргайлар.

1989

* * *

Қаноат қилгил эй дилким,
ҳали девоналиғлар бор,
Қўринмас ишқ жамолига
ҳали парвоналиғлар бор.

Бу ғамлар ғам эмас ҳаргиз,
бу дамлар дам эмасдиirlар,
Ҳали дунё ғами бирлан
ажиб ҳамхоналиғлар бор.

Фалакнинг турланур авзойидин
лолсен, vale билги:
Бу йўлда аввалу охир
факат ҳайроаликлар бор.

Неча вайроалиғ кўрдинг
қўнгил ободидин, эмди
Сени обод этувчи бир
гўзал вайроаликлар бор.

Чекингай хайли худкомлар,
даф ўлгай заъфи хумморинг,
Ҳали Ернинг хаёлидин
маю мастоналиклар бор.

Жаҳондин тутма ошнолиғ,
ки кун келгайки англармиз:
Бу олам аҳли бирлан
канчалар бегоналиклар бор.

1990

* * *

Дил букун, бошдин оёғим дил букун,
Ҳар қарору ҳар қарорим дил букун.
Дилдин ўэга қолмади манзил манга,
Энг яқин ҳам энг йирогим дил букун.

Кечалар қўйнида жон айвонида
Беомон ёнган чироғим дил букун.

Кўксим ичра йиғлаюр қизғиш хазон,
Үртаниб чеккан фирорим дил букун.

Утмасин дил фасли, эй устоз фалак,
Менга дарс бергил, саборим дил букун!

Қўйнида тошлар ниҳон каслар аро
Яккаю танҳо ярогим дил букун.

1990

* * *

Мен кўнгил дунёсининг доғидаман,
Ҳар қўнгилнинг доғи сўргидаман.

Сен мени қўрқитмагил доринг ила,
Ҳар кеча мен ишқ сиртмоғидаман.

Тўрт томондин елса гурбат еллари,
Мен бир эрмас, бори тўрт ёғидаман.

Сен мени бўstonларингдан излама,
На гулу на булбулу зоридаман.

Майлу мақсадим факат дилдир менинг,
Токи уч-тўрт кун бақо боғидаман.

Икки олам маъниси жисмимдадир,
Гоҳи у, гоҳи бу қыргыздаман.

Сен даводин урмагил дамлар, ки мен
Айни дарду айни рух чоридаман.

1990

* * *

Бу дунё эскилардан қолган эски бир ривоятдир.
Умр недир бу дунёда? Бу беш кунлик саёхатдир.

Фасл гар айни гулшандир, тафаккур хорзорида
Жисм недир? Гахи обод, гахи барбод иморатдир.

Бу тақлилар, бу тақрорлар сени инжитмасин, эй дуст,
Ки бор олам факат тақлиду тақрордин иборатдир.

Еруғ тонглар бизим рамзи ҳазин шомларда бошлангай,
Түгілмоқ интихойингдир, магар ўлмоқ бидоятдир?

Сенинг бор ҳасби ҳолингни фалакда буржларинг
билгай,

Күнгилни қўй, кўнгил дарди туганмаз бир ҳикоятдир.

1990

«БАХОР АЙЁМИДУР...»

(*Задирнаддин Мухаммад Бобур газалига мухаммас*)

Булат эрмас, кўк узра тарқаган кўнгил гумонидур,
Гумон қилмак бу дамда бегумон дилнинг зиёнидур,
Кўкарған хор ила хаслар тирикликтининг нишонидур,
Баҳор айёмидур дари йигитликнинг авонидур,
Кетур соқий, шароби нобким, ишрат замонидур.

Нигорнинг чехраси гоҳ ишқ нақлидин эрур гулгун,
Гахи ҳусну латофат, гоҳи ақлидин эрур гулгун,
Букун борим менинг ёр қадди нахлидин эрур гулгун,
Гаже сахро узори лола шаклидин эрур гулгун,
Гаже сахни чаман гул чехрасидин аргувонийдур.

Яна кўнгил қатидин кетди бир-бир занг гуллардин,
На хушдур етса кўксингга муаттар чанг гуллардин,
Яна ўксук жаҳонингда талошу жанг гуллардин,
Яна саҳни чаман бўлди мунаққаш ранг гуллардин,
Магарким сунънинг наққошига ранг имтиҳонидур.

Кўйингда ончалар даҳр ичра қилмишdir бу дил зори,
Ки яхлит лоларанг ўлмиш харобот бирла кулзори,
Аламлар тарқалиб буткул, туганимиш ранжу озори,
Юэинг, эй сарв, жоним гулшанинг тоза гулзори,
Қадинг, эй гул, хаётим борининг сарви равонидур.

Рұхимга иштиёқ солған зумуррад майсаси қирнинг,
Гүзәл туңцір бу айёмлар, баёнин құлма таъбирнинг,
Букун етмоқдаман зымнига аста-аста бир сирнинг,
Не ерда бўлсанг эй гул, андадур чун жони Бобурнинг,
Фарибингга тараҳхум айлагилким, анда жонидур.

1991

* * *

Гарчи умри одамизод битта муҳлат ичрадир,
Ярми завқу ярми захму ярми захмат ичрадир.

Кетгани кетди қўлимдан, бир сабр қолди фақат,
Сабрнинг ҳам ярми дарду ярми меҳнат ичрадир.

Бир кўнгил топмай жаҳонда уч ярим бўлди кўнгил,
Уч яримнинг ярми бунда, ярми турбат ичрадир.

Ҳасрат ичра ўртанурман аҳли дилга кўз тикиб,
Аҳли дилнинг ярми ғафлат, ярми фийбат ичрадир.

Бағрима доғлар тушибдир, дўсту ёрлар қайдадир?
Ким аларнинг ярми айшу ярми ишрат ичрадир.

Кўйига ғамлар етишган жумла дилдошлар букун
Ярми иллат ичра бўлса, ярми зиллат ичрадир.

Ёр зулфин хилватини гохи рағбат айласам,
Ёр зулфин ярми сұхбат, ярми хилват ичрадир.

Эй ҳазин барги ҳазоним, сен менга бўлгил анис,
Ким хаёлим ярми ҳалқу ярми узлат ичрадир.

1991

* * *

Ҳазонрез келди, буткул заъфароний бўлди тупроқлар,
Гахи сарғиш, гаҳи қизғиш қўрингай боғу чорбоғлар.

Фанодин сўйлагай хаслар эниб тошлар қулоғига,
Фарибнинг изтиробидай сизиб бормоқда ирмоқлар.

Заминга шилдироқ еллар жудолиғлар қилур ваъда,
Яна вахму хавотир ичра ҳомуш қолди қирғоқлар.

Само боғида ёлғиз барги ойнинг зор титрайдир,
Бу титрок вахмасидин жонга ҳам кирмоқда титроқлар.

Тириклик аввалу охир ҳазон бўлмакка мойилдир,
Қўнгилнинг ҳам дараҳтидин тўкилди онча япроқлар.

1991

«АЙЛАДИ ҲОФИЗ НАСИХАТ...»

(*Хофиз Шерозий ғазалыга мухаммас*)¹

Ҳар эшик, ҳар уйда бир оху фифон күрмөкдаман,
 Манзилу бўстонли әлни ломакон күрмөкдаман,
 Комил инсон тийнатини нотавон күрмөкдаман,
 Не фасод, ой гирдида юят аён күрмөкдаман?
 Фитнаю шардин жаҳон саҳнини кон күрмөкдаман.

Ул киши кимдир фақат хун истар айёмдин?
 Ошик аҳли жоми гулгун истаюр айёмдин,
 Ойли, юлдузли гўзал тун истаюр айёмдин,
 Ҳар киши гар яхти бир кун истаюр айёмдин,
 Мушкул улдир, ҳар кунин кундин ёмон күрмөкдаман.

Бул нечук журму жаҳолат, эй фалак, бергил жавоб?!
 Қанча диллар шармисору қанча тиллар бехижоб,
 Мехру шафқат даври булким, изла инсофу савоб,
 Кимки абллаҳ барига шарбат ўлур қанду гулоб,
 Ҳар киши оқил, анинг бағрини қон күрмөкдаман.

Сози носоз янграюр ҳар дам қулоқлар остида,
 Дил келур томир ёзиб қошу қабоқлар остида,
 Ул мени ўлдургуси охир фироклар остида,

¹ Бу мухаммас Тожикистан воқеалари кунлари битилган.

Сүз шүш

Учкур от мажрух эрур, күргил оёклар остида,
Барча эшишак бүйнида заррин нишон күрмөкдаман.

Дүстүр ёрлар бериоят, рүээр ор зарбулмасал,
Күхна гапдир қадру қиммат, сийқаси чиккан матал,
Кайда қолди пурмуруват ул жаҳони бебадал?
Барча қыздар оналар бирла күлур жангы жадал,
Оталарга барча ўғлон ёв чунон, күрмөкдаман.

Хар ким ўтганлар сабогин күнглига захм айламас,
Оқибат уммонидин ул қатрае фахм айламас.
То жаҳонда эзгуликни дилга маҳрам айламас,
Хеч оға ҳеч бир инига зарра ҳам раҳм айламас,
Отадин ўғлонга шафқат йўқ бирон, күрмөкдаман.

Бу жаҳон ўткинчидир, қолгай фактат, бил, яхшилик,
Сарвариб оламда боринг берса хосил яхшилик,
Умр агар тўфон эрурса, икки соҳил яхшилик,
Айлади Ҳофиз насиҳат, тинглаю қил яхшилик,
Бу насиҳатни ўзим ганжи жаҳон күрмөкдаман.

1993

* * *

Мен сени осмон десам, осмон санингдек бўлмагай,
Мен сени армон десам, армон санингдек бўлмагай.

Не эрур гулшан аро сарву санобар ҳам суман?
Ҳеч бири хуш қоматинг, гулгун танингдек бўлмагай.

Бу чаманда ғунча гуллар хандасидан ҳеч бири
Ғунча лаблар баргидан сўз айтганингдек бўлмагай.

Настаринда оқ либос, алвон ясанмиш қанча гул,
Биттаси ҳам жонга офат савсанингдек бўлмагай.

Қатл этди ул нигоҳ ораста мижгонлар аро,
Икки дунё ганжи бир кўэ тикканингдек бўлмагай.

Вомиқу Фарҳоду Мажнуналар агар келса қатор,
Ҳеч бири оламда саргардон манингдек бўлмагай.

1994

БЎЛ!

(Эавқиёна оҳангларда)

Аҳли дил бўлма, замоннинг танбури ё сози бўл!
Бир улусга бўл бўлис ё бир туманга қози бўл!

Кўп нуфузли давраларда тустовуқдай товланиб,
Базмларнинг кўрки бўлгил, нози бўл, таннози бўл!

Индамай юрсанг бүлурсан оқибат туфрокқа тенг,
Бир баобрү ташкилотнинг бир кичик ғаммози бўл!

Холима боқмас дема, даврон қулоги кар эмас,
Латта бўл, юмшоқ супургининг майин овози бўл!

Бир сатангнинг лоэимиға поча бўлгил суйкалиб,
Эр эмас, ҳаммоли бўл, баққоли ҳам баззози бўл!

Бул амаллар гар қўлингдан келмаса, ўксинмагил,
Машқлар қилгил, замон каззобининг сарбози бўл!

Ақча кирган уйларингдан янграгай шеъру суруд,
Танга бўлгил ё динор ё ул кўкиш қорози бўл!

Ҳаммаёқ дўкону маркет, растаю бозорининг
Муттаҳам далоли бўлгил ё семиз бир ғози бўл!

Оқило, сен зору маъюссан бу савдолар аро,
Чеккароқ юр, хору хаснинг ҳамдаму дамсози бўл!

1994

ТИЖОРАТ МУЛКИДА

Тижорат мулкида шеъру
разал айтишга ҳолинг йўқ,
Зумуррад соҳилинг, нозик
ниҳолинг, хуш хаёлинг йўқ.

Тамоми ёшу кекса
 машгули савдою сотиқдир,
 Агар сен хам сота билсанг,
 демакким, хеч заволинг йўқ,
 Сотарлар уйни, ховлини,
 улусни, ўэни соттайлар,
 Малодирсан бу савдолар
 аро, лекин малолинг йўқ.
 Гузарлар, кўча-кўйлар
 растастаю дўкон эрур, сен хам
 Ажиб дўкон очибдурсан,
 кўнгилдан ўзга молинг йўқ.

1994

ШАХР АРО ШАРХИ ДИЛИМНИ...

Шерали оғага

Шахро аро шархи дилимни битта дилдош билса бас,
 Ер билан осмон аро ул менга сирдош билса бас.

Ранг-барангдир одамининг зоҳирию ботини,
 Аслини қайдин билурсан, сабру бардош билса бас.

Лола бағрида ниҳон доғларга завқинг келмасин,
 Ишқини Лайлого Мажнун айлади фош, билса бас.

Жоми бахтим ичра кўрсам изтиробим жилвасин,
Ўзлигимни ўзгалар кўзиндаги ёш билса бас.

Равзаи жисмим аро минг андалибнинг охи бор,
Андалибни андалиб дўсту қариндош билса бас.

Етти қат ер, етти қат кўк, водийи хижрон дилим,
Водийи хижрон дилимни битта дилдош билса бас.

1998

СОҚИЁНА

Менга Фарҳод бирла Мажнун изтиробидан қўйинг,
Лайлию Ширин узар гулнинг гулобидан қўйинг.

Сўйласангиз сўйлангиз ҳоли харобидин менга,
Барча ошиқ аҳдининг тортган азобидан қўйинг.

Қатра шабнам ғунчадин бу жоми дилга ҳам яна
Андалиб тонг чоғида чалган рубобидан қўйинг.

Менга ҳам бўлмиш висоли ҳам хаёлу ҳам сароб,
Ҳам хаёлидан қўйингу ҳам саробидан қўйинг.

Сиз фарангি май ҳавосин қилмангиз, эй дўстлар,
Қўйсангиз менга бу дам Сурхон шаробидан қўйинг.

1998

ҮЙҚУЛИҚ БАХТ

M.H.C.H.

На хуш бўлгайки бир кун

үйқулиқ баҳтимни уйғотсам,

Кечалар тори мўйицдек белига

чирмашиб ётсам.

Бобур

Жоми баҳтим эрди доим гоҳ қурум, гоҳ қуйқалиқ,
Нозанин кўрдим у кун, бир нозанинким үйқулиқ.

Қошу мижгонлар қабоқлардан хабар олмас эди,
Үйқусида айлагим келди анга бир хуш қилиқ.

Оқ бўйинда ухлаган зулфлар аро олдим нафас,
Оқ бўйинда холининг атрофлари бир хуш, илиқ.

Кафтларим оташ эдию ул санам оташ эди,
Қўл юборсам ҳам куярдим, гар юбормам — қўйгулик.

Мен унинг ноз үйқусидан жон била олдим ҳаво,
Үйқуси дарё эди, ул нозанин — бир оқ балиқ.

Сочларидан тола-тола танладим дил торига,
Шунгача бўлган ҳаётим риштаси қолди юлиқ.

Олгил умрим боридан бор гулларинг, тақдири ҳак,
Суйгулик қилсанг мани қилгил шу гулга суйгулик.

Кўрганим бул бари, дўстлар, туш эди, рўё эди,
Ул менинг баҳтим эдию, баҳтим эрди үйқулиқ.

ИККИ ДИЛ ГАЗАЛИ

Бул кеча шаҳду шакар бирлашдилар,
Икки дил, икки шаҳар бирлашдилар.

Бир-бирига етди охир икки хат,
Бул кеча зеру забар бирлашдилар.

Икки дарё, икки юлдуз, икки нур,
Мисли икки хушхабар бирлашдилар.

Бул кеча шому сахарсиз кечадир,
Икки оқшому сахар бирлашдилар.

Бўлмагандай барча хижрону алам,
Икки дил охир агар бирлашдилар.

Икки жон, икки жаҳон бир тан бўлиб,
Икки оғуш бир камар бирлашдилар.

Осмон ҳам бехабар қолмиш, ажаб,
Бул кеча шамсу қамар бирлашдилар.

1998

ХАЙИТ ФАЗАЛИ

Хаётни Сен хаёт эттан
умидларда муборак эт,
Үрил-қиз, оналар хам
мўйсафидларда муборак эт.

Сано эт тилларини хам
Саловат эт, Таборак эт,
Азизу авлиё аэмин
муридларда муборак эт.

Мунаввар эт Жалолиддин
жалоли-ла кўнгилларни,
Фаридуддин каби фазли
фаридларда муборак эт.

Дуолар айлагай бир эл,
дуо толе калитидир,
Бу эл мушкулларин шундай
калитларда муборак эт.

Саодатлик бу кунларда
сабоҳатлик, саодатлик
Сатрларни Сирохиддин
Сайидларда муборак эт.

Синовлар, ранжу захматлар
аро берган шу умрингни
Илохи, барчамизга ийд —
хайтларда муборак эт.

1999

БҮСА

(Чүлпөндөн иккى сатр)

Кипригинг, кокилларинг тундан узун бир кечада,
Сочларинг киприкларингта сўйлаган сир кечада,
Тушдайин оний, гўзал ҳам мисли тақдир кечада,
«Кел малак, кел, кел пари, кел, кел ўпай бир эркалаб,
Кел қуёш чиккунча ўптири, кел ўпай бир эрталаб».

Кел ўпай сайёralар ҳам ою юлдузлар қадар,
Хеч тутанмас эсдаликлар кеча кундӯзлар қадар,
Дарду хижрону фироғу дилда илдиэлар қадар,
Кел малак, кел, кел пари, кел, кел ўпай бир эркалаб,
Кел қуёш чиккунча ўптири, кел ўпай бир эрталаб.

Қош билан киприкларинг, кокилларингдан teng ўпай,
Кўзларингни зулфларинг, бўйинларингдан сўнг ўпай,
Юзларингдан юз ўпай, лаб, тилларингдан минг ўпай,
Кел малак, кел, кел пари, кел, кел ўпай бир эркалаб,
Кел қуёш чиккунча ўптири, кел ўпай бир эрталаб.

Гул ёноғинг қолмасин, балдоқларинг ҳам қолмасин,
Кафтларингда тафтларинг, бармоқларинг ҳам қолмасин,
Бир ўпайки тонггача титроқларинг ҳеч қолмасин,
Кел малак, кел, кел пари, кел, кел ўпай бир эркалаб,
Кел күёш чиккунча ўптири, кел ўпай бир эрталаб.

Беркиниб турган қаро холингни ҳам охир топай,
Сўнг авайлаб мен уни киприкларим бирлан ёпай,
Кўзларим бирлан ўпай, киприкларим бирлан ўпай,
Кел малак, кел, кел пари, кел, кел ўпай бир эркалаб,
Кел күёш чиккунча ўптири, кел ўпай бир эрталаб.

Кел малак, сўйлаб адо қилгил мени бул қиссадин,
Улмагум оламда мен дарду балою ғуссадин,
Бўсадин кулдир мени, куйдир ва ўлдир бўсадин,
Кел малак, кел, кел пари, кел, кел ўпай бир эркалаб,
Кел күёш чиккунча ўптири, кел ўпай бир эрталаб.

Сўнгра шириндан шакар сўэ, гапларингга қўм мени,
Кўзларинг, киприкларинг ҳам лабларингга қўм мени,
Кафтларингга қўм мени, сўнг қалбларингга қўм мени,
Кел малак, кел, кел пари, кел, кел ўпай бир эркалаб,
Кел күёш чиккунча ўптири, кел ўпай бир эрталаб.

ХОФИЗ ФАЗАЛИ

Дилимнинг дардини, дўстлар,
ажиб меҳмона айтарман,
Келар жонлар, кетар жонлар —
жамул инсона айтарман.

Баланд этмак учун номин
яралмиш ер билан осмон,
Анинг пастликларин гоҳ ер,
гахи осмона айтарман.

Тўкарда бағрини боғлар
самарсиз кетмагай бир барг,
Самар топ, деб неча боғу
неча бўстона айтарман.

Хатойим излабон ўтди
неча ёру ҳабибим ҳам,
Шунингдирким, тилим шоду
дилим гирёна айтарман.

Яралгай жисм аро чексиз
Ватандай кўхна оҳанглар,
Falat куй изламанг мендан,
ки мен шарқона айтарман.

Кўшиқ кенгликларин кеэсам,
азал ошифта элдир бу,

Самарқанд Андижону
Хоразм, Сурхона айтарман.

Кийикнинг кўёлари янглиғ
кўзингдан кетмагайман, ёр,
Яширсанг ҳам неча йиллар,
бўлиб пинҳона айтарман.

Кўнгилни сим-сиёҳ тунлар
сиёҳидан гиёҳ айлаб,
Сиёҳ зулфлар аро ул сим —
сиёҳ райҳона айтарман.

Менинг созим тааллуки
макон ё бир замон эрмас,
Келиб кетгувчи карвонлар,
ҳама давронга айтарман.

2000

* * *

Бадор бу йил ажиб пинҳона келмиш,
Кўнгиллар розига ин, хона келмиш.

Келиб ёр зулфини райҳон этиблар,
Кейин — гул, сунбулу райҳона келмиш.

Чечаклар бирла етмиш давру даврон,
Сарою бору дашт жавлонга келмиш.

Назокат ичрадир олам, мисоли
Малика оқ кийиб султона келмиш.

Хилол чикмиш бу кеч күк сийнасидан,
Кўрингким, ул нечук шарқона келмиш.

Кетар дил бул кеча минг дилрабодан,
Келинлар рўра еб тутёна келмиш.

Сенинг, эй лоларух, пинҳон хаёлинг,
Кўз ичра айланиб, мижгона келмиш.

Адирлар лола жомидан тутар май,
Табиат хуш бўлиб, риндана келмиш.

Ёронлар, бу — баҳор эрмас, билингким,
Тириклик номидан шукrona келмиш.

2001

ТО НАВОИЙ БОР...

Биз Навоий борининг борбонимиз,
Борбондирмиз, vale меҳмонимиз.

Бул — «Насойим ул муҳаббат» боридир,
Беш асрким биз бу бор ҳайронимиз.

Қанча меҳмон ўтди, лек мезбон ўшал,
Барча меҳмон ичра биз нодонимиз.

Мир Низомиддин Алишер, яъниким
Сўз аро осмонимиз, уммонимиз.

Тил — «Хазойин ул маоний»дан келур,
Бошланур шундан адаб карвонимиз.

Паст эрурмиз билмасак ул зотни гар,
Канча юксалган билан қўргонимиз.

Не хавотир ичра эл шоирлари,
Гар савол эттай букун султонимиз.

То Навоий бор — мухаббат дилдадир,
Сўлмагай ҳаргиз кўнгил бўстонимиз.

Шул исмдан юрт аро юз минг умид,
Шул исмдан нурланур давронимиз.

Кадр этайлик нону туздай ҳар сўзин,
То ризо бўлгай улуғ мезбонимиз.

2002

ЭСКИ ТАШБЕХ

Нола қилди най бўлиб қирқ йил қамиш,
Оҳларимдан, ёр, келиб қирққил қамиш.

Қирқ қамишдай қийма-қийма қирқ йилим,
Бир қамишпимдир, ажаб, қирқ қилқамиш.

Бир кўнгилдан ер уза қирқ настарин,
Қирқ гиёҳ унгай яна қирқ хил қамиш.

Том қиласил бу қамишлардинки, кўр:
Ястанибдир йўлинга қирқ дил қамиш.

Сочларингни биз учун қирқ қилмадинг,
Сенда қоматлар қамишу бел — қамиш.

2002

* * *

Инжа, нозик хол тушибдир инжа бу лаб остида,
Тушмиш ул андиша айлаб ўнг эмас, чап остида.

Ушбу холнинг ҳолатидин сен менинг ҳолимни кўр:
Қалб аро минг битта дофу мингтаси қалб остида.

Кошу мижгонлардин ул холнинг қатор жаллоди бор,
Охир ўлгумдир, ёронлар, бу қатор саф остида.

Эл аро овоза бўлдим холга мен кўнгил бериб,
Ўтгай умрим, колгум энди бир умр гап остида.

2002

* * *

Сочларинг тун ичра бир-бир сирлашиб,
Олдилар жону жаҳоним бирлашиб.

Гоҳ қаро ёнгин бўлиб ёйилдилар,
Гоҳи селу гоҳида ёмрилашиб.

Икки қумри — икки дил тўр ичраким —
Титрашиб ҳам инграшиб, потирлашиб.

Қўлларингта қўлларинг бойландилар,
Зулфларингта зулфларинг хотирлашиб.

Сен билан шундоқ ўтойин дермано,
Сочларингдай бирлашиб ҳам чирмашиб.

2002

ИФТИХОР

Тонг қуёши кўрпа ёйган
нурли айвоним менинг,
Бир диёрга бўй тараттан
даста райхоним менинг.

Мен қуёш фарзандиман деб
не учун завқланмайин,
Бешигимни шуъладин
тебратди осмоним менинг.

Калдироқларга гул ортиб
кетдилар күкламларим,
Бир умр гул бирла бўлди
васлу хижроним менинг.

Мўйсафид тоялар яна бобо
адирлар ўлкаси,
Камтарин эл кўнглидай кенг
дашту сайҳоним менинг.

Мен шу эл заҳматларидан
дилни шудгор айладим,
Манглайнинг терлари ҳам
гавҳари жоним менинг.

Бир факирин қалби юэ минг
шоҳу султондин баланд,
Үйдаги ҳар боласи бир
шоҳу султоним менинг.

То шу тупрок бор экандир
менда ҳам битмас сухан,
Токи шеъру сўз ародир
сайру жавлоним менинг.

Бунда ҳар бир кишинаган той
Бойчиборлар бўлгуси,

Хар ўғыл — Алномишим,
полвони — дехқоним менинг.

Киприги ойларга теккан
эрка Ойбарчинларим,
Кошлари чангу ғубору
чехра хандоним менинг.

Мен қўлингизнинг қадоғига
Ватан деб юз босай,
Арзигайму байтларим ё
шеъру достоним менинг?

Мангуд сўлмас Термиэйлар
ўтқазиб кетган чинор,
Рұхлари осмонларимда
мангу посбоним менинг.

Кўхна Жайхун мавжлари
кетган Ипак йўлларча бор,
Кўксидаги оламни бўйлар
янги карвоним менинг.

Ору номусдан келур
бунда азалдан ҳар юрак,
Гул бўлур, бўстон бўлур бу
кўхна қўрғоним менинг.

Ўзбекистон, она юртим,
юзлари порлоқ Ватан,
Юзлари ёруғ диёrim,
тантн Сурхоним менинг.

2003

АЁЛ МАНЗУМАСИ

Бу диёрда ору номус,
шашыну шавкатдир аёл,
Мехру шафқатдан яралган,
мехру шафқатдир аёл.

Оlam уэра бир күёш бор,
битта ой бордир, валек,
Ердаги нур — моҳитобон,
шамси талъатдир аёл.

Она сўзи юрт сўзи бирлан
нечун пайвастадир?
Бир улур элдир, Ватандир —
шунга сархатдир аёл.

Кўкдаги кунларни ҳам
чарчатгуси меҳнатлари,
Уч юз олтмиш томири
иш бирла заҳматдир аёл.

Жон десам жононадир,
жоним десам жонимдадир,
Ул мухаббат оламига
мангу даъватдир аёл.

Мен қошингизнинг қаросидан
дилимга хат олай,
Вах, нечук нозик нафосат,
инжа санъатдир аёл!

Бу гўзал нозу адолар
хеч адолар килмагай,
Кайта-кайта жон ато
этгувчи ҳайратдир аёл.

Умрингизнинг боғларига
файз берган ҳам ўшал,
Билсангиз Ҳакдин мукофот
ҳамда рағбатдир аёл.

Онажоним, Она юртим,
давлатинг кам бўлмагай,
Токи сен борсан жаҳонда
катта давлатдир аёл.

«ЛОЛАДЕК ЮЭ БИРЛА...»

(*Фурқат ғазалига мухаммас*)

Фунчадек лаб бирла гулгун чоғингизга дөфман,
Фунча бирлан лаб аро бармогингизга дөфман.
Гулга теккач сийналар, титрөфингизга дөфман,
Лоладек юэ бирла сайри борингизга дөфман,
Фунчалар бағрига қўйган дөфингизга дөфман.

Титрагай япроқдаги шудринг каби тан ичра жон,
Биз киму сиз ким? Гулу пойидаги барги ҳазон.
Сиз — ўшал Лайлло, ўшал Ширин, ўшал сарвиравон,
Булбули дилхасталар овораи бехонумон,
Маскан эттан гулшан ичра зоғингизга дөфман.

Дил йўли роят узундир, мен унинг корвониман,
Бу узун йўлда ўзим васлу ўзим хижрониман,
Менга етмас кўнглиму кўнглимни мен сарсониман,
Раддим айлар кўйингизнинг итларин ҳайрониман,
Шум рақибга йўл берар бўсоғангизга дөфман.

Ногахон рухсорингизга зулфингиз солганда чанг,
Бўйнингизда холингиз ҳам беркиниб тургай аранг,
Камзулингиз ҳам таранг, ингичка белингиз таранг,
Бахмали мушкин ичинда илкингиздур лоларанг,
Хуни ошиқ ё хино тирногингизга дөфман.

Сиз нафис гуллар аро юрганда гулдан ийлүүлүб,
Күйлагингиз бүйингиизда ёнибон, гул-гул бүлиб,
Кун десам кундай кулиб, тун чори ой янглир түлиб,
Үлтүурарсиз бехираллар базмида ўйнаб-кулиб,
Биэзга қолганда дили ночорингизга дөрманды.

Бир нигохингиз тириклик ҳам ҳаёт эрди менга,
Сиз томондин бир ибо юз минг најжот эрди менга,
Тори зулфингииз тутанмас бир баёт эрди менга,
Аввал-аввал лутфингииз ҳаддин зиёд эрди менга,
Эмди-эмди марҳамат камроғингизга дөрман.

Сувда оккан гулдайинким лаҳзалар йилга етиб,
Күэда қолган майсалардек ларзалар дилга етиб,
Сиз кетурсиз, сиз билан бори назокатлар кетиб,
Күйдириб Фуркат ўтида, васлдин маҳрум этиб,
Элга андоғу менга мундорингизга дөрман.

2004

ОЙБЕК

Үзича тушмаган осмондан Ойбек,
Яралмиш меҳо ила армондан Ойбек.

Агарчи давр уни тилдан аюрди,
Вале айрилмади иймондан Ойбек.

Уни ўз лафэига зор айлаганлар,
Кувонмишларки: қолди сондан Ойбек.

Хасад ғавросиу миннат жафоси,
Не кўрди ул бузур даврондан Ойбек?

Эзилган кифтларида ўзбаки тўн,
Ўтиб келди очик зиндондан Ойбек.

Ахир инсон эди ул камтарин эот,
Садоқат истади инсондан Ойбек.

Уни ўйлантириб миллат камоли,
Кечирмиш дардларини жондан Ойбек.

Зарифа опамизким — қувват олмиш,
Ўзи тор бўлса ҳам раёндан Ойбек.

Ватандин кетмаган, сингмиш Ватанга,
Етишган шу улур карвондан Ойбек.

Ўзи иўк жисми иўк, лек кўзлари бор,
Навоийдек бокар айвондан Ойбек.

2005

* * *

Мухаббатли бу оқшомлар
муборак бўлсин, эй кўнгил,
Яна сенга хуш айёмлар
муборак бўлсин, эй кўнгил.

Яна гулдан назар келди,
гўзал бир хушхабар келди,
Бинафша бўйли пайромлар
муборак бўлсин, эй кўнгил.

Иигитлик бир келар отdir,
бахор ҳам бир мукофотdir,
Тириклидан бу инъомлар
муборак бўлсин, эй кўнгил.

Иэингни юзларидан кўр,
ўэингни кўзларидан кўр,
Бу раънолар, дилоромлар
муборак бўлсин, эй кўнгил.

Очиб дилбарлигин дилбар,
кўшиб дилдорлигин дилдор,
Сенга бундок гуландомлар
муборак бўлсин, эй кўнгил.

Сенинг холингни танг солмиш,
тушиб бўйнига чанг солмиш,

Яна ёр эулфидин домлар
муборак бўлсин, эй кўнгил.

Бу — кўнгил бирла гул васли,
бу — дил фасли, кўнгил фасли,
Бу дилбар лоладин жомлар
муборак бўлсин, эй кўнгил.

Тўлиб кўксимга сифмайсан,
келиб бўрзимга сифмайсан,
Яна кўнгил деган номлар
муборак бўлсин, эй кўнгил.

2005

* * *

Икки холинг нуктасидан
дилда икки ғам эди,
Ул бири шубҳам эдию
бул бири мубҳам эди.

Кўзларингдан икки кўэ
пайдо бўлиб кўнглимдаким,
Ул бири пурғам эдию
бул бири пурнам эди.

Мен куйиб афсоналар
ахтармишам тун кечалар,

Ул бири чашмам эдию
бул бири шабнам эди.

Икки зулфингдин менинг-чун
икки бўлди бир ҳаёт,
Ул бири байрам эдию
бул бири мотам эди.

Лабларингдан кўксим ичра
икки гул унмиш кизил,
Ул бири лолам эдию
бул бири нолам эди.

Мен сенинг, ой, юзларингни
ҳам қуёш, ҳам ой дедим,
Ул бири олам эдию
бул бири олам эди.

Жону кўнглим икки мажнун
телбадирким, бир замон
Ул бири одам эдию
бул бири одам эди.

* * *

Нозанинлар ул замон тандинки атлас ечдилар,
Ишқ әликим ақлу иймондин үшал он кечдилар.

Кетсалар бўлгай ёруғ дунёсидан жон топшириб,
Ул йигитларким бу янглиғ ёрни бир бор қучдилар.

Сен гўзал ёнрин бўлибсан, куйдир, эй Лайлло мени,
Учдилар, жон қушлари ҳам сен томонга учдилар.

Қўзларинг ёндиргусию, лабларинг оби ҳаёт,
Гарчи доим жону кўнглим дарду ҳижрон ичдилар.

Бунчалар раъно назокат ҳеч гули раънода йўқ,
Қанча гуллар кўчдилар, умрим боғидин кўчдилар.

Очдилар мушкулларимдин мушкулимни бирма-бир,
Ҳалкаларким, зулфларинг дил кечасида очдилар.

Сени каби бир нозанинни сўймаган жонларки бор —
Бу ҳаётда сўлдилар, ё сўндила, ё ўчдилар.

2005

* * *

Кипригингта қор қўнибдири,
қошларинг устида қор,
Юзларингдан қорга ҳам
не бахтиёрлик, эй нигор.

Зулфларинг уэра илашган
оқ хаёлимдир менинг,
Ярми олам оқ хаёлдир,
ярми олам оқ губор.

Қора холинг уэра ҳам
тушмиш ажиб гулгинаси,
Нуқта бирлан нуқта гўё
учрашибдири интизор.

Сўйласам киприкларингдан
орамиз йилларчадир,
Ушбу қорнинг шарҳи мен
тортган у хижронларча бор.

Сен қизил гул бирла қорнинг
оқ ҳарир рақсини кўр,
Лабларин очгайми ёр,
ё лабларин ёпгайми ёр.

Икки қумри бир-бирига
мунграяр шохлар аро,

Иккиси хам икки хижрон,
икки дилдир, икки зор.

Ер ёрлик қымаса гар,
кетса қордай чарх уриб,
Эй кўнгил, ўксинмагил,
киш ортидан келгай баҳор.

2005

* * *

Менда кўнгил торларию
сенда зулфинг торлари,
Зулфларингнинг торларидан
менга кўнгил дорлари.

Коматингдан зар ёғар,
сийминбадан, атласнигор,
Кўйлагингнинг зарларидан
менда кўнгил зорлари.

Канча дилни зулфларингдан
белларингга ташлагай,
Сочларингнинг белларинг
бирлан бузуғ гуфтторлари.

Кошлиаринг ёй тортибон,
киприкларинг тургай қатор,

Иўлдан ургай кўзларинг ё —
фитнабоз ғаддорлари.

Кадду бастингдан ҳаётга
қанчалар рангу ривож,
Гул бўлиш дарсин олур
сендан гулу гулэорлари.

Кетмагай дилдан баҳору
ҳам тирикликтан ифор,
Бунча ҳам дилдор экандир
бу шаҳо дилдорлари.

Сен қадам каклик юришлар
бирла қўйгил жонима,
Гул қадамлардирми нозик
ё кийик рафтормари?

Сержаранг янграб умр ҳам
икки тор бирлашса гар,
Менда қўнгил торларию
сенда зулфинг торлари.

2005

«ҮЛДИРГУСИ»

(«Бозор ижодиёти»дан)

Охир мени бу шахринг
дўндиқлари ўлдиргуси,
Дўндиқларининг кўл, оёқ
кўлтиқлари ўлдиргуси.

Юз нағма пардоз айлаган,
ўзини танноз айлаган,
Келмай туриб ноз айлаган
интиқлари ўлдиргуси.

Давру замон лозимлари,
овро, фаранг қирқимлари,
Сурнайга сингил шимлари
йиртиқлари ўлдиргуси.

Сиймин баданми, сиймбанд,
куйлакми бу ё сийнабанд?
Кўп ҳам хаёлинг этма банд,
кемтиқлари ўлдиргуси.

Қандоқ десам қантдек экан,
қандил яна қиндек экан,
Тилло тўла сандиқ экан,
сандиқлари ўлдиргуси.

Эсиз гўзал уй бекаси,
бу — кўча ҳам кўй бекаси,
Дўндиқлар ичра эркаси,
таниқлари ўлдиргуси.

Фоят ғаройиб холлари,
олам бўлур ҳайронлари,
Илонлари, чаёнлари —
чандиқлари* ўлдиргуси.

Зулфларми каждумларми ё,
тирноқлари хунларми ё,
Бу чархи гардунларми ё
қилтиқлари ўлдиргуси.

Недир мухаббат таънию
хусну гўзаллик шаънию,
Дилни бу ҳолнинг маънию
мантиқлари ўлдиргуси.

Охир мени бу шаҳрнинг
дўндиқлари ўлдиргуси,
Киприкларидан очма гап,
киндиқлари ўлдиргуси.

2005

* Татиуровка демокчи

БОЗОР

(«Бозор ижодиёти»дан)

Нос бозори қанию
боз бозори қани?
Соз бозор гар шудир,
носоз бозори қани?

Турфа бу гумбаз аро
йүкдир оёк күймокка жой,
Макиёндир ҳаммаёк,
хүрөз бозори қани?

Бир гурұх тұzsак дегандик,
номи хам «Бозорнаво»,
Тору дойра, сурнаю най,
соз бозори қани?

Битта ҳам дәкқон топилмас, күр,
бу дәкқонлар аро,
Кайда чин тошу тарозу,
хос бозори қани?

Бу ҳаётда барчамиз
үйинчилармиз бир қадар,
Сүрмангиз: үйинчи ё
ракқос бозори қани?

Тұнлари тинмай «Қатортол»дан
қатор тойлар үтар,
Той тойға тиржаяр:
танныз бозори қани?

Икки барәнгি давангир
муштлашар қўйтери деб,
Шулми одам, ҳўкизу
новвос бозори қани?

Тўрилик ахтармагил
бу даҳри дун бозорида,
Сўрмагил ўртаб ўзингни:
рост бозори қани?

2005

* * *

Эй лоларухлар, сизгадир кўнгил тилакларим,
Кўклам лола тутар, нечун қондир юракларим?

Ўтар баҳору севгию йигитлик палласи,
Кетмоқ учун очилмишларму гул чечакларим?

Кеттан — ишқу муҳаббату ҳам шу баҳор қадар —
Бинафша лолалар эмас, кўнгил бўлакларим.

Уммидларимни ун қилиб, бошимга сепди сүңг,
«Чамбарларидан айлади гардун элакларим»¹.

Япроқларинг ёмғирмидир, эй настарин гулим,
Е ёшлигимга йиглади кеча фалакларим?

Күнгил изидан даҳр аро кетдимки шунчалар —
Мажнун ҳам топгаймикин излаб даракларим.

Тонг чори бир насим ўйнаб келтириди хуш ифор,
Шоядки ул ёр зулфига бордир керакларим.

Бу бое аро орастаю озода қолгайсиз,
Эй лоларухлар, сиэгадир күнгил тилякларим.

2005

* * *

Үлтирап бўлса ёнимда нозаниним соч тараб,
Енида мен ўлтиромасман унга бефарқ қараб.

Қўлларим ҳам ул томон боргайверар тинч турмайин,
Гоҳи сочин ўйнагайлар, гоҳида зулфин бураб.

Зулфларини қошларига келтириблар ўйнасанам,
Кўзлари ўйнаб кетар ёлғондакам қатлим тилаб.

¹ Ҳазрат Навоийдан

Күлларимга урса гар, мен белларидан ушлагум,
Саклагим келгай күчогимда кийикдай эркалаб.

Чимчилаң олсам лабидин икки бармогим билан,
Вах, нечук титроқлари бор, вах, нечук лабдир бу лаб!

Сен гули раъно десам мен, сен ўзинг танхо десам,
Бўйнида холи кўрингай ногаҳон божин сўраб.

Кечалар ойсан дебон ухлатмасам, кун бермагум
Сен қўёшимсан дея уйқуларида эрталаб.

Хушқилиқлардан гўзалдир икки кўнгил, бир ҳаёт,
«Дилбарим нозикмижозу мен бағоят беадаб».¹

2005

ТОНГ

Тонг отар, дафтарларин
очиб еру осмонга, тонг,
Бўйларин, анбарларин
сошиб гулу райхонга тонг.

Хуш насимлардин умидлар
хам сафолар келтиур,
Жумлайи юрган тирик жон,
жумлайи инсонга тонг.

¹ Ҳазрат Навоий сатрлари

Оқ келинчакдай либосин
чүккілардан күргизиб,
Тоғу тошда аввало берди
салом чўпонга тонг.

Кир-адирлар бағрида
яйраб таратди жилвалар,
Нагма берди жилғаларга,
соҳилю сайҳонга тонг.

Бу гўзал гулшан диёрдир,
бунда шўху шан баҳор,
Канчалар рангу ифорни
солди шўх жавлонга тонг.

Оқсаройлар қўксига
қўндириди оқ капитарларин,
Неча бир давру замондин
келди бу қўрғонга тонг.

Мен у тонг отмас замонларни
тасаввур айласам,
Тожмаҳал шаклида қолди
мангу Ҳиндистонга тонг.

Ранг олиб бўстонлари
булбулларининг қонидан,
Лолагун бўлдию ботди
нолаю афғонга тонг.

Мўлтираб осмонларида
қолди зор чўлпонлари,
Отмади зинданда
Чўлпон билан Усмонга тонг.

Сўлди бир эл миннату
туҳмат аро юзи қаро,
Чунки ҳеч мумкин эмасди
у темир зинданга тонг.

Сен фидолар ному ёдидан
дилингта ибрат ол,
Шул сабабким, бесабаб
отмас бирор давронга тонг.

Сўнмагай Соҳибқирон
шавкатлари, ҳеч сўнмагай,
Келтирап султонлари
от миндириб султонга тонг.

Нақшбанд этди Нақшбандий
бобо гумбазларин,
Отди инсофу диёнат,
қалб билан иймонга тонг.

У Самарқанд боғларин
шингарфу зангор айлади,

Отди тонг Фарғонада,
нур сочди ҳам Сурхонга тонг.

Кўэгу олдида нигоринг,
кўэгуми ё тонгмидир?
Тонгга ўшар дилбаринг
ё дилбари жононга тонг.

Умримиз кўзгуларида
хар сахарнинг ўрни бор,
Кексаларга неъмату
бахтдир кизу ўғлонга тонг.

Не шарафдир, бу ҳаёт
бўстонига зийнат бериб,
Одам оламга зиё,
келтиrsa хар инсонга тонг.

Эзгулик карвонларин
йўллаб, мұяссар айлагай
Ўзбекистонни баҳористон,
куёшистонга тонг.

2005

* * *

Улур бобонг Навоийнинг
ётар жойи Хирот бўлгай,
Валекин билмасанг ул
зотни сен, оғир ўёт бўлгай.

Сенга мухтож эмас ҳазрат,
улуг максад, улур меҳнат
Билан дил кўзларин очким,
ҳаётинг ҳам ҳаёт бўлгай.

Завол эрмас, камол келтири
она юртингта ҳар соат,
У сенга ҳам она, ҳам юрт,
сенга икки қанот бўлгай.

Нечун ёлкинланиб кеэгай
бу тўфонэода тойчоқлар?
Улар фарзандларингга
Бойчибору ҳам Фирот бўлгай.

Бу тупроқ узра инсон бор,
ва иймон — икки миллат бор,
Агар жуздири ва ё қарлук,
ўғиз ё қўнғирот бўлгай.

Сүз ағыл

Кетар жисминг мувакқатдир,
Ватан — мангу мұхаббатдир,
Агар кимда мұхаббат йүк,
жаһонда номурод бўлгай.

Келибсан гар сурур келтири,
хавас бирлан гурур келтири,
Ки сен кетсанг ҳам ортингдан
эл ичра ному ёд бўлгай.

Навоий наэми — иймондир,
агар чин Сўзни сотгайсан,
Унинг бир сатри охир
таъби назмингта сирот бўлгай.

Менинг бу норавон шеърим
ёзилди бир ният бирлан,
Ёзилсин шеър ҳам токи
у шеърдан бир мурод бўлгай.

2005

* * *

Коши қаролар, күзи қаролар,
Солди бошимга жабру жафолар.

Кошлар қиличдир, қоматлари ҳам,
Жону дилимда шундан яролар.

Күз бунчалар ҳам қаро бўлурми,
Кўзданми шунча мотамсаролар?

Лабларда ранги, зулфларда жанги,
Рангларми ёки рангин балолар?

Кўйлаклари гул — куйдиргусидур,
Ўлдиргусидур бундан саболар.

Элдан ниҳон бир каштарлари бор,
Оlamни буэган қўш можаролар.

Фасли баҳордай — қайдин келодир,
Қайга кетодир бу дилраболар?

Кўкларга бир кун учгайсан, эй жон,
Зангор ҳаволар, мовий самолар.

Сендин сўрсалар, олдилар, деб айт,
Коши қаролар, күзи қаролар.

2005

«ЗУЛФИНГ ОЧИЛИБ...»

(Мир Алишер Навоний ғазалига мухаммас)

Күнглим очилиб, ўйлаки орзу била ўйнар,
Күрганда юзинг, орзуси қайғу била ўйнар,
Қайғуси яна завқ ила туйғу била ўйнар,
Зулфинг очилиб орази дилжүй била ўйнар,
Хинду бачае шүхтүурү су била ўйнар.

Кечдим шу замон қолган умр, бори ҳавасдин,
Жон күйдию, фарқ қолмади дил бирла нафасдин,
Күнглим отилиб, ишвасидан, чикса қафасдин,
Ул шүх күнгил лавхин этиб тийра нафасдин,
Бир тифлдур, алкиссаки күэгү била ўйнар.

Юзи ўэйдин магруру ҳам ўзи юзундин,
Киприклари дарс олган эрүр икки күзундин,
Бир жильаси — минг шеваю афсона ҳусндин,
Үйнай-ўйнай боғлади уйқумни фусундин,
То ғамзаси ул нарғиси жоду била ўйнар.

Гул ҳам сени күрганда чаман ичра уёлиб,
Колгайму лабинг олдида қонига бүёлиб,
Қаддинг била қатлинг манга ғояткы муносиб,
Тонг йүккү күнгил бўлса кўзунг бирла мулоиб,
Мажнунга ажаб йўқ агар оху била ўйнар.

Сочлар туну, юз — ойми, қүёш — анвар ичинда,
Зулфлар ичидә бүйүнларинг анбар ичинда,
Бүйнүнгга бокиб ўлсам агар ғамлар ичинда,
Бир лўлийи бозигар эрур чанбар ичинда,
Холингким ўшал ҳалқаи гесу била ўйнар.

Дунё ишида бордир азал икки тарафким,
Ул меҳроу мухаббат, яна бир — қаҳоу ғазабким,
Ағёр била дуст кулса агар, қилма сабабким,
Зоҳид била нафс этса тамасхур, не ажабким,
Ит сайд қилур вактида тулку била ўйнар.

Бу меҳроу вафо олам аро кўхна гурунгким,
Кўнгил тилаган ҳамдаму ёр бирла юрунгким,
Бу умр йўлин сидку сахо сори бурунгким,
Муғ дайрида маст ўлса Навоийни кўрунгким,
Бир олма киби гунбади мину била ўйнар.

2005

* * *

Зулфлариким икки ёндин тарқамиш,
Ҳар бири бир жон олурга ҳалқамиш.

Ёқа остидан кўрингай холлари,
Ё менинг ошиқлигимни пайқамиш.

Сочлари тунга қаролик ўргатиб,
Ой нурини юзларига чайқамиш.

Мен уни кўкракларимда асрасам,
Ул мени киприкларида сакдамиш.

Беллари бордир қамишнинг белидай,
Нола қилгум мен мисоли найқамиш.

2005

* * *

Гулсанамнинг гул бўлиб турмоқлари,
Гулни лаб бирлан суйиб, кулмоқлари.

Лаблар уэра гулмидир ё гулми лаб,
Лабми ё гул ичра гул япроқлари?

Чехраси сутга чайилмиш ёки сут?
Кўқдаги ой ҳам унинг қаймоклари.

Зулфлари гул ёқасига чанг солиб,
Изларидан ўт ёқар балдоқлари.

Порлаган осмонда юлдузлар эмас,
Кўзларининг бор уруғ-аймоқлари.

Гулни қониданми олмишларми ранг,
Дил қониданми хино тирноқлари?

Беллари гул дастасининг белидай,
Юрса гар — гулдастанинг юрмоқлари.

Енгларин ҳам инжа гулзор айламиш,
Енгмидир бу ё дилим қиртоқлари?

Кўйнима титратма солди бир кеча,
Кетмагай жондан сира титроқлари.

2005

СЕВИШГАНЛАР ФАЗАЛИ

Тўлин бўлмиш тўлин ойинг
келинчаклик либосида,
Сенинг бахтинг, сенинг тахтинг
унинг нозу ибосида.

Фалак оина тутмишдир,
бу кеч моҳин унутмишдир,
Ул ой ёнингта тушмишдир
ҳама нурӯ зиёсида.

Сенинг Ер бирла Осмонинг,
йигитлик — давру давронинг,
Сенинг бор орзу армонинг
унинг зулфи сабосида.

Ҳаёт бор то садоқат бор,
нафосат бор, латофат бор,

Кара, қанча наэокат бор
кўзу қоши қаросида.

Бу оқ тушдай хуш айёмлар,
бу оккушдай хуш оқшомлар,
Кўнгиллар ишқ тўла жомлар
кўнгил базми сафосида.

Азал дил ранги гулрангдир,
разал, куй ранги дилрангдир,
Шунинг-чун рангли оҳангдир
мухаббатнинг навосида.

Етишган дилбаринг tengsiz,
дуринг ҳам гавҳаринг tengsiz,
Эйёлар сўнмасин ҳаргиз
ҳаётингиз ҳавосида.

Юраклар янги қолгайдир,
умрда ранги қолгайдир,
Мухаббат мангу қолгайдир
ики дилнинг вафосида.

2005

БИР ДИЛОРОМ БИРЛА...

Бир дилором бирла шом
ё шом дилором бирладир,
Хуш кечар шоминг агар
ором дилором бирладир.

Фунчалар гулгун қадаҳ туттай,
шафақ — гулгун қадаҳ,
Жом гулфомроқ бўлар,
гулфом — дилором бирладир.

Зулфларининг остида холин
яширмиш ҳалқалар,
Хийлагарлар донасию
дом дилором бирладир.

Икки оқ капитарларини
кафтларинг ром айлабон,
Хеч ишонмассан: бу фол
ё ром дилором бирладир.

Хандаю бодом қабокдин
писта ҳам бодом хижил,
Бори неъмат, пистаю
бодом дилором бирладир.

Кайда күнглинг деб мени
 айб этмангиз, эй дүстлар,
 Мен ўзим хайрону ул
 гүмнөм дилором бирладир.

Шоми баҳтинг ҳам күринмас,
 гар узун умринг аро
 Шундайин бир шом ва ё
 оқшом дилором бирладир.

2005

ҚОР ФАЗАЛ

Мамлакат қор остида,
 оку қаро қор остида,
 Тору даңғту чүллару
 арзу само қор остида.

Ерда қору күкда — қор,
 йүлларда қор, йилларда қор,
 Деса бүлгайким бутун
 обу ҳаво қор остида.

Дока бирлан устма-уст
 чирмаб қўйилгандек Замин —
 Бир улур бемор ётур
 истаб даво қор остида.

Тин олур, пушмон қилур
гүё бутун рўйи жаҳон,
Оврупо қор остида ҳам
Осиё қор остида.

Одамизоту тириклик
мунгайиб кеттай қаён?
Бор ҳароратдин у гүё
мосиво, қор остида.

Сүнги йўқ бир ээгулик
кўмгандайин олам юзин,
Барча ифвою разолат,
бор риё қор остида.

Оқ қабрлар ҳам қатор
эҳром ёпинганлар мисол,
Бори ўтганлар, бари
мулки фано қор остида.

Умр ўтар, эй одамиэод,
боғларингта қор ёғар,
Колмайин, қылғыл жадал,
боши қаро қор остида.

Киш аро келгандайин
fasли мухаббатдин нишон,

Кулса гар хандон отиб
бир дилрабо қор остида.

Кошию киприкларининг
корхатидин англадим:
Ер зулфидек майин
мушкин сабо қор остида.

Кел баҳорим, мен сени
кўп қўмсадим хижрон аро,
Корда қолган майсадек
килгум наво қор остида.

2006

* * *

Ёниб ўттил жаҳонда то
дил ичра оташинг бўлгай,
Ўзинг озода бўл аввал —
ичинг ёки ташинг бўлгай.

Умр — ярми риёзатдир,
яна ярми ривоятдир,
Бу не маҳзун хикоятдир,
дилингдек саркашинг бўлгай.

Ариқ ичра оқар сувдай
ўтар вақтинг, ҳаётинг ҳам —

Бу қирюкдан у қирюкка
сенинг бир сакрашинг бўлгай.

Улур бўлгай кичик йўл ҳам,
кўнгилдан узма кўнгил ҳам,
Севолсанг бехусн гул ҳам
муносиб маҳвашинг бўлгай.

Фалакда юлдузингдир бу,
кечангдир, кундузингдир бу,
Каро, ёруғ юзингдир бу —
чининг ё чалкашинг бўлгай.

Тириклик май тўла жомдир,
гахи соф, гоҳи гулфомдир,
Келиб кетмоғлигинг бори —
шуни бир чайқашинг бўлгай.

Ҳаётинг боридан бир-бир,
учар барглар қаби зир-зир,
Қувончинг ёки қайрунг бор,
малолинг ё ғашинг бўлгай.

Дилингдек дил тополмассан,
элингдек эл тополмассан,
Ёмондир, яхшидир, охир
шу эл тобуткашинг бўлгай.

ХУШХАБАР

Киши охири, келди хабар:
Сурхонда бодом гуллади,
Ушбу хабардан ғам тўла
кўксимдаги жом гуллади.

Оlam иморатдир азал,
одам иморатдир азал,
Бу кўхна икки ўй аро
девор билан том гуллади.

Хору хаси зар масканим,
эй сен, муаттар масканим,
Ҳар бир мозоринг ўйласам,
бу тонг неча ном гуллади.

Гулга тириклик гул учун,
инсон ҳаёти эл учун,
Шукронга айттил, сен учун
такрор бу инъом гуллади.

Мен — ҳам баҳорнинг шоири,
мен — ҳам баҳорнинг мухбири,
Бир лаҳзада бир юрт аро
тарқаб бу пайғом гуллади.

Бодомгинам, жону дилим,
юртим менинг, кони гуллим,
Термиэда гар тонг гуллади,
Тошкентда оқшом гуллади.

Келди менинг ойчечагим,
балдоқлари бойчечагим,
Бўйнидаги холин силаб
ёр зулфида дом гуллади.

Бу хушхабарни шеър қилиб
айтиб югурсам шаҳро аро,
Ҳар бир гуландом гуллади,
хар бир дилором гуллади.

2006

* * *

Эй дил, сенинг ёр олдида
озурда бу ҳолинг надир?³
Эй жон, жисм қўрғонида
бир кун қилю қолинг надир?³
Ё қисматимга ҳалқадир,
ё ҳасратимга нуктадир,
Эй ёр, сенинг зулфинг билан
ўйноқи бу ҳолинг надир?³

Дилдошлигингдан бир сабо,
сирдошлигингдан бир ибо,
Е ёшлигимдан бир видо —
бўйнингда рўмолинг надир?

Бағримда қонлиғ лолалар,
кўргил, бу аччиқ нолалар
Қайдин келур — лаблардаги
қанду асал, болинг надир?

Эй одамизод, зорларинг,
савдолару бозорларинг,
Минган бари тулпорларинг,
кўксингдаги ёлинг надир?

Бу даҳо аро инсонмисан,
сомонми ёки донмисан,
Мангуми ёки онмисан,
ўнг, туш ва ё фолинг надир?

Фарзандларингта уй бўлур,
сўнг уйларингда тўй бўлур,
Бир кун кетар чоғинг қолур
терак билан толинг надир?

Солдинг баланд кошоналар,
айвонидан бош айланар,

Бошинг уза тош айланар,
мақсад ва аъмолинг надир?

Умринг бўйи мол истадинг,
кўргил, на иқбол истадинг,
Қаддингни ҳам дол истадинг,
йикқан зару молинг надир?

Келтир букун кўз олдига,
боргунг ахир Ўз олдига,
Энг катта сўнгти ҳовлида
турганда ахволинг надир?

2006

* * *

Гулни дилга бойлаган
ёқанг аро жон бермишам,
Дилни гулга бойлаган
ёқанг аро жон бермишам.

Икки зулфинг ҳалқасини
сирғаларга чорлабон,
Бир-бирига шайлаган
ёқанг аро жон бермишам.

Кокилингдан қизғаниб
бир кокилингни, сўнг уни

Сийналарга тайлаган
ёқаң аро жон бермишам.

Ушбу ҳолдан завқланиб,
сүнг елкаларни айланиб,
Бир-бирини пойлаган
ёқаң аро жон бермишам.

Беркиниб оламга ўт
солгай ахир бир тола соч,
Оlam ўтин жойлаган
ёқаң аро жон бермишам.

Шунча давлат даврасида
шунча давлатдин кечиб,
Оқ бүйинни сайлаган
ёқаң аро жон бермишам.

Холу зулфинг фитнасига
фитна бирлан қүшилиб,
Фитнабозэлик айлаган
ёқаң аро жон бермишам.

2006

МАЖЛИС ФАЗАЛИ

Аё, эй дүстүр ёронлар,
мени мажлисдан излангиз,
Менинг ҳолимга хайронлар,
мени мажлисдан излангиз.

Үтиб кетди баҳору ёз,
кетибдир лайлаку ҳам роз,
Сиз, эй оқкушы осмонлар,
мени мажлисдан излангиз.

Мени йўқлаб кетар дардлар,
камон ўқлаб кетар вақтлар,
Сиз, эй дард бирла дармонлар,
мени мажлисдан излангиз.

Касал бўлмоққа вакт йўқдир,
кутинг, улмоққа вакт йўқдир,
Сиз, эй жонимга меҳмонлар,
мени мажлисдан излангиз.

Бу Мажнун қайдадеб йиғланг,
чиқолмас жойда деб йиғланг,
Сиз, эй чулу биёбонлар,
мени мажлисдан излангиз.

Бу ҳолимга кулиб Лайлым,
кетар кокил юлиб Лайлым,
Сиз, эй маъюс хиёбонлар,
мени мажлисдан излангиз.

Вазир бобом Навоийдан,
«Мажолис ун-нафоис»дан
Сиз, эй ёдгор девонлар,
мени мажлисдан излангиз.

На қилдим шеър битиб рангсиз,
жаҳонни бошқарап мажлис,
Сиз, эй ҳурматли дәжконлар,
мени мажлисдан излангиз.

Туни тонг, тонги шом ўлмас,
бу мажлислар тамом бўлмас,
Сиз, эй шабнамли райхонлар,
мени мажлисдан излангиз.

Ҳаёт мажлис билан гулдир,
камин мажлис қилиб тўлдир,
Сиз, эй доною нодонлар,
мени мажлисдан излангиз.

Мени бир зум қўролмассиз,
менингсиз ҳам туролмассиз,

Сиз, эй раҳмону шайтонлар,
мени мажлисдан излангиз.

Нечук ҳайрон иморатман,
йигинлардан иборатман,

Сиз, эй имдоду имконлар,
мени мажлисдан излангиз.

Гумондир бир самар бўлса,
ёмондир — бесамар бўлса,
Сиз, эй афсус, пушаймонлар,
мени мажлисдан излангиз.

Саҳарги, тунги мажлис бор,
кейин — бир сўнгти мажлис бор,
Ёзар қабрингга инсонлар:
«Мени мажлисдан излангиз».

2006

* * *

Чамандирсан чамандан ташқарида,
Чаманлар бари сандан ташқарида.

Менинг жонимсан, эй сарви дилоро,
Менинг жоним бадандан ташқарида.

Лабу холу хатинг берким, на топгум
Юриб бу анжумандан ташқарида?

Мұхаббат жон билан күнгил фанидир,
Надир холинг бу фандан ташқарида?

Ниҳол әк әзгулик борига, инсон,
Юрибсан то кафандан ташқарида.

Үзингдан ичкари кир, дилга киргил,
На бордир жон ва тандан ташқарида?

Ватан ичра сафарлар айла, эй дил,
Ватан бўлмас Ватандан ташқарида.

2007

КЎҲНА ГАПЛАР

Кўҳна дўстим Нарзуллого

Кўҳна дунё, кўҳна бозор, кўҳна уй,
Кўҳна рӯё, кўҳна оҳанг, кўҳна куй.

Сен наму шодликларин шарҳ айлама,
Кўҳна мотамдир бу асли, кўҳна тўй.

Янги ғиштинг гар кўярсан ғиштига,
Сен унинг тархи асосин кўҳна кўй.

Махдиёсан гар жамолига, валек
Кўҳна юэдир, кўҳна рангу, кўҳна рўй.

Энди сен топгаймидинг күнгил йўлин,
Кўҳнадин ҳам кўҳнадир бу кўча-кўй.

Ушбу гулшан ичра йүк бир тоза гул,
Күхна гулдир, күхна атру күхна бүй.

Куймагил мөхру жафосидин анинг,
Күхна баҳсу күхнадир бу гуфтутгүй.

Соңиё, сен күхна майдин куй манга,
Күхна дардман, күхна ташвиш, күхна ўй.

1987, 2007

* * *

Икки қошинг ўлдирсалар —
қаборингда жон бергум.

Киприкларинг ўлдирсалар —
қарогингда жон бергум.

Зулф остида битта холу
лаб остида битта хол.

Шу холларинг ўлдирсалар —
дудорингда жон бергум.

Икки ёндан хатлар чизиб,
икки ёндан чох қазиб,
Кулгичларинг ўлдирсалар —
ёноғингда жон бергум.

Гул қониму ё жон олар,
дил қониму хинолар?
Тирногларинг ўлдирсалар —
бармогингда жон бергум.

Кошу күзу холу хино...
булар бари майда гап.
Мен барибир, эй дилоро,
кучорингда жон бергум.

2007

МЕНИНГ ҲОЛИМНИ...

Менинг ҳолимни дил жомларга айтар,
Улар ҳам турфа хайёмларга айтар.
Гуландомимга айтсам дил сиримни,
Гуландомим гуландомларга айтар.

2006

* * *

Очганингда ногаҳон
гул сийнабандинг бандини,
Банд-бандимдан узурсан
банд-бандим бандини.

Банд-бандим бойлабон
гул сийнабандинг бандига,
Банди айларсан яна
бандига мендай бандани.

2007

ХАЗРАТ НАВОИЙ

Навоий сенга ҳар бир тун керак бўлгай,
Агар шодсан ва ё маҳзун — керак бўлгай.

Агар ошиқ эрурсан — лолазорингдир,
Агар Лайлосану Мажнун — керак бўлгай.

Агар уммон билан сухбат қурай дерсан,
Агар ўэни десанг Жайхун — керак бўлгай.

Билай дерсан надир кўнгил биноси ҳам
Надир одам, надир очун — керак бўлгай.

Навоий осмондир, осмонийдир,
У гардун ичрадир гардун — керак бўлгай.

Сенинг бу оламинг фиску фасод бирлан,
У бир оламдуур гулгун — керак бўлгай.

Навоийнинг Ватан янглиғ киёси йўқ,
Ватан янглиғ сенга ҳар кун керак бўлгай.

2007

ЛОЛАЛАР ЧИҚДИ

Яна дашту адирларга
кикірлаб лолалар чиқди,
Яна ёр лабларидан байт
ўкир лаб, лолалар чиқди.

Яна осмон замин узра
пақырлаб жолалар қуїди,
Яна ошиқ дилидан ранг
ўғирлаб лолалар чиқди.

Күёш сандықларин очди,
сехоли толалар сочди,
Яна бори тириклиkn
сехолаб лолалар чиқди.

Кизил күйлак кийиб чиқди,
шахарни қуйдириб чиқди,
Сайлга нозанинлармас,
пикірлаб лолалар чиқди.

Бутун олам бўлиб гулфом,
муҳаббат ўзи туттай жом,
Назар айла сахар ё шом
чоғир лаб лолалар чиқди.

Кикирлаб лолалар чикди
яна дашту адирларга,
Менинг жону дилимдан хам
бикирлаб лолалар чикди.

2007

ЭЛЛИК ЁШ ФАЗАЛИ

Хол Мұхаммад Ҳасанға

Ёш бугун элликка етди,
ёш бугун элликдадир,
Күзни күэйинак бекитди,
қош бугун элликдадир.

Тошларингиз бошима
элликми, элликмингидир,
Оллохимнинг тоши — ёлғиз
бош бугун элликдадир.

Мен билан элликка кирди
сувларим, дарёларим,
Менга бу тилдош ила
қардош бугун элликдадир.

Тортиниб қолгандаин
мендан фалакда ой-қуёш,

Менга бу икки яқин
сирдош бугун эллиқдадир.

Турналар ўтди самодан
тахминан элликталар,
Келди күздан таъми шўр
кузёш — бугун эллиқдадир.

Тоғу тошда кўй бокиб,
Гаврош¹ ўқиб юргай эдим,
Сиз билан ўстган ўшал
Гаврош бугун эллиқдадир.

Ўн сакиз ёшинда эрди
келганимда бу шахар,
У хиёбонлар, бу шаҳори
Шош бугун эллиқдадир.

Эй гуландом, бағрим ичра
довларинг элликтадир,
Кузга энмоқда баҳорим,
шош, бугун эллиқдадир.

Кўп экан элдошу лек
дилдошлари камроқ экан,

¹ Гаврош — Фаранг адаби Виктор Гюго «Хўрланганилар» асарининг ёш ҳаҳрамони. Ўттан асрнинг 60-йилларида довюрак, кўркмас образ сифатида мактаб дарслекларига киритилган адни.

Барчасига берди бу
дил дош, бугун элликдадир.

Бир умр эккан менинг
доним букун элакдадир,
Не қолур — курмак ва ёким
тош — бугун элликдадир.

Үтди ёшлик — гул билан
шабнамдин эрди овкатим,
Ешмидир ёким бу ёвғон
ош — бугун элликдадир.

Күнглим ичра тонг сахар
бир лола күрдим — сап-сариг,
Суратин чизган анинг
наккош бугун элликдадир.

Шеър аро бир акли хүшёр
Хол Мухаммаддир Ҳасан,
Мен каби бир шоири
бебош бугун элликдадир.

2007

* * *

Нигорим холларидан шеърима кўпнуқталар қўйгум,
Нигорим, холларингни сен яширма, тўхта, лаб қўйгум.

Сенинг хол бирла зулфингни Яратган пухта
килмишдир,
Хатингдан хат олиб мен ҳам хатимни пухталаб қўйгум.

Азалдан кўксим ичра менга бир доғ — нуқта
бермишлар,
Уни бир кун сенинг нозик дилингга ухдалаб қўйгум.

Менинг доғим билан қалбинг гўзал бир лола
бўлгайлар,
Мухаббат деб уни мен сенга, эй гулруҳ, талаб қўйгум.

Дилим тизгинсиз эрди то сени кўргунча, эй дилбар,
Уни ҳам мен қаро зулфингта охири нўхталаб қўйгум.

Менинг савдоларим битмас сенинг шу холларингсиз,
ёр,
Ҳама савдоларимга холларингни нуқталаб қўйгум.

2007

АЛЛОМА БИЛАН СУХБАТ

Фикр этсанг аста-аста
мук тушиб бўйрога ҳам,

Аста-аста боргунг охир
кўқдаги Зухроға ҳам.

Эй хилолнинг сен қулогига
азон айтган Замин,
Сенга туро берди кўк,
кўрк берди у туррога ҳам.

Бу тафаккур оламидир,
бу — тасаввур олами,
Ҳам тасаввуф, ҳам таассуф,
ўҳшагай рўёга ҳам.

Бир томонда ястанибдир
Яссавий ҳикматлари,
Менгзар у карвон ўтар
сўнгсиз қуюқ сахроға ҳам.

Бир томони Мир Алишердек
улув уммон эрур,
Бир томони ўхшаюр
Жайхун мисол дарёга ҳам.

Сұхбат этсанг аста-аста
Нажмидин Комил билан,
Аста-аста етгүнг охир
Нажмидин Куброда хам.

2007

АФРОСИЁБ

Осмонми бу ё Осиё —
Афросиёб, Афросиёб,
Оби сиёхми ё Сиёб —
Афросиёб, Афросиёб.

Жонимда оғриқ бир гиёх
катлимга етгай бир сипох,
Тарихмидир ё зим-зиё —
Афросиёб, Афросиёб.

Оlamга тенг еттан насим,
оламни тенг эттан исм,
Султонларим сарпоси ё —
Афросиёб, Афросиёб.

Бунда беҳиштнинг ранги бор,
ҳар битта ғиштнинг тонги бор,
Нуру зиё саҳроси ё —
Афросиёб, Афросиёб.

Мозийдан оққан унларинг —
Жайхунларинг, Сайхунларинг,
Кокилларингму сим-сиё,
Афросиёб, Афросиёб.

Кошинг хилолнинг ёси-ё,
Шарқнинг гўзал сен нози-ё,
Очгил юзингни маҳлико —
Афросиёб, Афросиёб.

Сенсан жаҳоннинг сози-ё,
хам Оврупо, хам Осиё,
Овросиё, Овросиё —
Афросиёб, Афросиёб.

2007

ШЕЪРУ ФАЗАЛ

Жумъаниёз Жаббор бобо,
шеъру вазал бирлан келинг,
Ҳар бир сухан гул бўлса гар,
гулда асал бирлан келинг.

Шеъру фазални ҳар гўзал
фаҳм айламас, бўлмас касал,
Дуч келса йўлда ул агар,
зебо «касал» бирлан келинг.

Шеър ахдининг қалби қувур,
баъзилари ўйдим-чукур,
Вазну туроқ даркор эмас,
күм ё шағал бирлан келинг.

Сув сойга окқайдир азал,
бой бойга бокқайдир азал,
Сиз бунга бир Машрабсифат
ё камбағал бирлан келинг.

Ухлаб туролмас шеърият,
тўхтаб туролмас шеърият,
Жаҳдин ани тезлаттали
жаҳду жадал бирлан келинг.

Киши ўтди, шоирлар ниҳон,
куртак чиқармайдир ҳамон,
Ёмириларию селлари,
завки ҳамал бирлан келинг.

Гулхан ёқибдир Гулханий,
бир тоза дил ё гул қани?
Зарбулмасал бўлмиш ҳаёт,
«Зарбулмасал» бирлан келинг.

2007

УЛ ИККИННИГ ДАВРОНИ

Ул мусалсал¹ икки зулфи гул юзининг устида
Гул уза ағнар, магар ул иккининг давронидур.

Захирiddин Мұхаммад Бобур

Икки қошинг — ё, магар
ул иккининг давронидур?
Қатлима ёй тортсалар —
ул иккининг давронидур.

Кел яқинким, мен сенинг
кошу қабогингдин ўпай,
Бир-бирига ҳамсафар,
ул иккининг давронидур.

Оралаб киприкларинг
еттүм ики кўзингта ҳам,
Кўзларинг бергай хабар —
ул иккининг давронидур.

Икки ғамзанг бир умр
кўнглимни обод қилди, ҳам
Айлади зеру забар,
ул иккининг давронидур.

¹ Мусалсал (араб.) — занжирга ўхшаш ҳалқа-ҳалқа зулф.

Икки лаб хижронида
 ўлгунча ютмишман захар,
Ул ики шаҳду шакар,
 ул иккининг давронидур.

Менга туттил, ёр, қулоғинг,
 икки пинҳон сўз дейин,
Икки дил бирлашса гар,
 ул иккининг давронидур.

Кўйлагинг ичра ниҳон
 титроқ кабутарларки бор,
Бир-бирига суйкалар —
 ул иккининг давронидур.

Ул ики кокилларингдан
 биттасин бўйнимга сол,
Ул бири бўлгай камар,
 ул иккининг давронидур.

Икки бармоғим билан
 ул икки холингни топай,
Тунларим бўлгай сахар,
 ул иккининг давронидур.

Икки қўлинг икки гулнинг
 бандидан тутгай агар,

Сиражиддин Сайынг

Икки гул қучгай зафар,
ул иккининг давронидур.

Икки оқ тулпор билан,
икки хаёл, икки шамол —
Иккимиз кетсақ агар —
ул иккининг давронидур.

Икки зулфинг ичра бир
даврон топарман безавол,
Ўзга даврон бесамар,
ул иккининг давронидур.

2008

КҮНГИЛ СОХИЛИ
(Шамнома)



1979 г.



«Эңг узоқ сафардир күнгил сафари»
1985 йил.



Домла Озод Шарафиддинов ҳам дуо берганилар...
1985 йил.



Нусратилло жебачининг ўғли, мерган бобо, Саъдулла мерган,
Худо раҳмат қиласин, ажойиб инсон эди...
1996 йил.



«Сизнинг шетрингиздан, Абдулло ака,

Қанча абдуллалар ориф бўлдилар».

2005 йил.



Ўзбекистон халқ шоири Александр Файнберг.
2007 йил.



«Тафаккур» да шеър чиқариш осон эмас!
Ёзувчи Эркин Аъзам сұхбатида.
2007 йил.



«Менинг энг гүзәл шеърларим».
Айлочи қизимиз Нигина.
2007 йил.



«Үй суршни минг йиллик бобо дарахтлардан ўрганмоқ керак».
Зомин тоғларида.
2007 йил.

ШАМНОМА

Ёнди канча сарвикомат шамларим.

/Эски дафтардан./

Бу тўртликларни мен осмондан олиб ёэмадим. Болаликда, раҳматли момондан кўп эшилттаним, янгаларимга айтадиган «Килиқнинг иссири — баҳтинг исирири» ёки «Аёл — эркакнинг вазири» деган гаплардан тортиб тоҳозирга қадар, Тошканнинг Эски жўва бозорида «Дўмбокқина ҳандалаклардан олиб кетинг» деган опахоннинг сўзларигача — ҳаммаси ўзимга таниш, қадрли, кўнглимга, ҳайтимга дахлдор кечинмалардир.

Уларда номлар, исмлар бор: улуғ зотларнинг, устозларимиzinнг номлари, яна бошқа номлар. Тилга олиш баҳонасида мен бу зотлар олдидағи узиб бўлмас қарзимни назарда тутганман. «Учоқдаги ўт бошқаю юракдаги ўт бошқа» деганларидек, бу ёзганларим — балки менинг яна бир уринишими, кўнгилга томон яна бир чоғланишимдир. Ёзилмаган катта шеърларнинг парчаларидир, балки кунларим, тунларимнинг бўлакларидир. Билмайман. Нима бўлганда ҳам бошимдан, кўнглимдан кечирдим шуларни. Ҳукмфармолик қилмоқ эса азиҳ ўкувчига ҳавола.

* * *

Худойим, шукрим, қошу күз бердинг,
Яна тилларимта равон сўз бердинг.
Пушту паноҳ бердинг менга ўзингдан,
Яна ўз дилимдай содик дўст бердинг.

* * *

Менинг Ватан ичра ватанларим бор,
Мангу завол билмас чаманларим бор.
Термизийлар янглиғ хазиналарим,
Бухорийлар каби маъданларим бор.

* * *

Кўринган тоғларнинг қояларири,
Ул ота-бобомнинг сояларири.
Осмонга интилган баланд чўккилар
Эрк дея юксалган ғояларири.

* * *

Мен бунда ҳар дилдан наволар олдим,
Ҳар гиёҳ, ҳар гулдан саболар олдим.
Оқ фотиха олдим оппоқ тоғлардан,
Азим чинорлардан дуолар олдим.

* * *

Кўриб душманларинг куйиб сил бўлгай,
Эх-хе, ёзаверсам қанча йил тўлгай.
Ватан, бир дилимни гиёҳларингта
Бўлиб чиқсан, эх-хе, қанча дил бўлгай!

* * *

Райхонлар баргидан сиёҳ олдим мен,
Хар хасдан руҳга бир гиёҳ олдим мен.
Юртнинг турна кўэли булоқларидан
Кўнгилга кўз олдим, нигоҳ олдим мен.

* * *

Утиб бормоқдадир тунларинг кам-кам,
Кам-кам ёниб биттай, ўчгайдир шам ҳам.
Умрни бир кеча хаёл қилсанг гар,
Тонг-ла кўзларингда пайдо бўлар нам.

* * *

Бу шам нур сочгайдир қасрларга ҳам,
Қанча наэмлару насрларга ҳам.
Унинг шуъласига фикр жойласанг,
Етгайдир энг тийра асрларга ҳам.

* * *

Кимдир қаср қурмиш, йиғмиш мол-дунё,
Кимдир жабр қилмиш ва топмиш жафо,
Туркистан тупроғи пок бўлсин дея
Ҳикмат экиб кетмиш Яссавий бобо.

* * *

Дунёни хайр ила ҳўшларда кўрдик,
Юксак парвозларни қушларда кўрдик.
Кечган умримиэни қайтариб бўлмас,
Гўёки биз уни тушларда кўрдик.

* * *

Бобомдан мерос юрт — ўру тепаси,
Кулогимга келар нафас, шарпаси.
Олис адирларда гўё бобомдай
Ҳамон кезиб юрар унинг капаси.

* * *

Ота, бу дунёда **ҳар** сўз сотилди,
Бегона сотилди **ҳам** дўст сотилди.
Яхшилик истабон ўтган умрингиз
Чопондай эскирди, тўэди, ситилди.

* * *

Болалик, мен сени қўриб турибман,
Ҳар бир қадамингни қўриб турибман,
Сен менинг йўқолган қўзичоғимсан,
Мен ҳамон қирларда излаб юрибман.

* * *

Йилларни бирма-бир қаватласайдим,
Қайтсайдим бағрингта, бир кун қайтсайдим.
Болалик, сенинг дўл, ёмғирларингта
Узни тўйиб-тўйиб савалатсайдим.

* * *

Тоғларда кишнаган от, саманимдир,
Босиб келаёттан, ох, туманимдир.
Хазонларни йиғиб ёқмоқда бир чол,
Ул менинг ёшлигим, гул чаманимдир.

* * *

Ёмғирлар йиғлашиб сел бўлди, она,
Согинчлар бирлашиб йил бўлди, она.
Тўпланиб-тўпланиб барча оғриқлар,
Менинг кўкрагимда дил бўлди, она.

* * *

Уфқлар, кирлару осмонгача қор,
Тошкентдан Термизу Сурхонгача қор.
Она, бу соғинчни қандоқ ёзайин?
Үртамиизда чексиз оппоқ варақ бор.

* * *

Менинг учрайхоним — менинг уч синглим,
Уч ёнга бўлинган менинг уч кўнглим.
Сизсиз паришонман, қачон мен келсам
Райхондай бир жойга бўлар гуж кўнглим.

* * *

Бу кеч кўнглим билан кўнглим гаплашди,
Мисоли туш билан ўнгим гаплашди.
Шунчалар соғинган экан — йигладим,
Гўёки мен билан синглим гаплашди.

* * *

Айтмангиз, биз узоқ манзилга кетдик,
На дарё ва на ё соҳилга кетдик.
Ўзга манзиллардан изламанг бизни,
Еронлар, биз дилга, биз дилга кетдик.

* * *

Күрингким, биз қандоқ рафторга келдик,
Дил билан охири гуфторга келдик.
Үтиб дунёнинг бор атторларидан,
Охир Фаридиддин Атторга келдик.

* * *

Дил дедим, дил йўлин холис йўл кўрдим,
Дил томон юрдиму олис йўл кўрдим,
Дўстлаф, бу манзилга етпунча, гўё
Минг йил талпиндиму минг йил йўл юрдим.

* * *

Эй дил, Жалолиддин Румийга боккил,
Кўнгил дарёсига ғарқ бўлгил, оққил.
Мангубу — мангутириклик,
Ёндиригил ўзингни, шу ўтда ёккил.

* * *

Ўзингча тижорат қилгани келдинг,
Уй қуриб, иморат қилгани келдинг.
Бу дунё беш кунлик зиёратгоҳдир,
Аслида зиёрат қилгани келдинг.

* * *

Күй тинглаб күнгилнинг найидан, кетдик,
Гул дедик, күнгилнинг раъйидан кетдик.
Күнгиллар меҳридан пайдо бўлдигу
Бир умр күнгилнинг пайдан кетдик.

* * *

Мен бир хас, сен эса дарё, тириклик,
Тилим лол, сен эса гүё, тириклик.
Неки севдим, сүйдим — туш янглиғ ўттай,
Эй бошдин-оёғи рёё тириклик!

* * *

Аё Аинвар кори, «Куръон»дан айтинг,
Эътиқоддан айтинг, иймондан айтинг.
Бу ёрур дунёда минглаб йўл топиб,
Узин тополмаган инсондан айтинг.

* * *

Дунёга келдингу кетгайсан қачон?
Эзгулик нақшини битгайсан қачон?
Неки бор, етишдинг елиб-югуриб,
Эй инсон, ўзингта етгайсан қачон?

* * *

Буқун дастурларинг, дарсликларинг кўп,
Мехробинг, хонақоҳ, масжидларинг кўп.
Сенга жоиз асли юксак амаллар,
О, инсон, бунча ҳам пастликларинг кўп!

* * *

Келдингми дунёга йўқот, излагил,
Бир ҳалол инсонни фақат излагил.
Мунофик, риёкор жонзотлар аро,
Овқат изламагил, тоқат излагил.

* * *

Гарчи пиёдамиз, гарчи отлиқмиз,
Ким яхши, ким эса ёмонотлиқмиз.
Қанчалар фурсатни ўтказдик зое,
Худонинг олдида кўп уётлиқмиз.

* * *

Гарчи мусулмонмиз, гар кофиirlармиз,
На аввал келғанмиз, на охирлармиз.
Үтиб кетгувчимиз олдинма-кетин,
Алқисса, уч кунлик мусофиirlармиз.

* * *

Киёматта қадар кузатгай **Худо**,
Иймон тарк этмасин, кетмасин **хаё**.
Хадис сўйлаб ўтар бор инсонларга
Киёматта қадар **Термизий** бобо.

* * *

Румийдан бир коса, **Хайёмдан** бир жом
Олгунча ўтгайдир кетгайдир айём.
Бугунинг кечангдир, кечанг эса — тонг,
Тонгинг жилосини эгаллагай шом.

* * *

Айём тилаклари жомимиздадир,
Хаёт гоҳ фолу гоҳ ромимиздадир.
Мудроқ хаёллардан кечинг, ёронлар,
Бахор эрта-индин томимиздадир.

* * *

Бу — бахор оқшоми, фол, роми йўқдир,
Хеч юртнинг бу юртдай оқшоми йўқдир.
Канча гуландомдан гул иси келгай,
Канча дилоромнинг ороми йўқдир.

* * *

Биродар, бир гўзал дам бўлса, басдир,
Шабнамдай бир тоза ғам бўлса, басдир.
Ёнингда шам янглиғ ёнгувчи ёринг,
Ёрингдай ёнгувчи шам бўлса, басдир.

* * *

Ё, фалак! Тун ичра кўр, не кўринди,
Дунёда энг гўзал сир не, кўринди.
Ойми деб гоҳ ер, гоҳ осмона бокдим,
Тундай соchlар аро бир не кўринди.

* * *

Денов бозорида бир гул кўринди,
Гулми ё қирмизи кўнгил кўринди.
Шунча йил илик бора Сурхонга йўлим,
Ёронлар, бунча ҳам мушкул кўринди.

* * *

Оҳларим ичинда унган оқ гулим,
Неча йил яшадим мен муштоқ, гулим.
Гоҳи карашмага тўлур дарёсан,
Гоҳ оппоқ баҳордай бир кучоқ, гулим.

* * *

Ҳаёт бир най бўлди, дил чалар бўлди,
Менинг ҳар бир дамим йилларча бўлди.
Қилдай белларингта етгунча, эй ой,
Жон ҳам нозик тортиб қилчалар бўлди.

* * *

Англадим фалакнинг муддаосини,
Қитмир Зухросию Сурайёсини.
Мен-чун эврилмишлар йигирма йиллар,
Муҳайё этмоқ-чун Муҳайёсини.

* * *

Юргил сиримиэни Сирга айтайлик,
Андин сўнг лолазор қирга айтайлик.
Менинг сарвиқомат сехро жунуним,
Ҳар неки айлайлик бирга айлайлик.

* * *

Мажнун кечаларнинг титроқларида,
Жон топдим кўзингнинг қироқларида.
Мен учун минг ҳаёт, минг ўлим бордир
Қаро зулфларингнинг сиртмоқларида.

* * *

Сенинг икки қўлинг — икки илиринг,
Икки миҷгонингда икки чизиринг.
Икки дудорингда икки иссиқ сўз,
Бахтим исирири иссиқ қилинг.

* * *

Яшил рўмолингда — яшил кунларим,
Кизил рўмолингда — кизил тунларим.
Шому тонгларимдай оқ рўмларинг,
Қолган барча дунё — ёлғон унларим.

* * *

Менинг отинбибим, менинг ой юзим,
Ой тегса юзинга айтар: «Вой, юзим!»
Дуолар қилгайсан шому сахарлар,
Шоядки ҳаётим топгайдир тўзим.

* * *

Фалак ўз ишини пухта қилмишdir,
Нақшини жисм ила руҳда қилмишdir.
Менинг бор хорлигу сарсонлигимга
Сенинг бир холингни нуқта қилмишdir.

* * *

Кўқда ойлар тўлди — соч турмаклайсан,
Соринчга дил тўлди — соч турмаклайсан.
Асрлар ўтгайдир кўзгу олдидан,
Гўё минг йил бўлди — соч турмаклайсан.

* * *

Сурхондан келдиму Сурхонга кетай,
Ул интиқ, интизор кўронга кетай.
Ёронлар, Тошкентда жисмим юрибдир,
Ул жон Сурхондадир, ул жонга кетай!

* * *

Кийгин энг чиройли қўйлакларингни,
Ифор эт умримнинг йўлакларини.
Бу тонг қалдирғочлар айвонимизга
Келтиргай қалбимнинг бўлакларини.

* * *

Менинг кечаларим, бугунларим бор,
Кокилларинг ичра гурунгларим бор.
Очгил, сочларингнинг турмакларин оч,
Гулим, очилмаган тутунларим бор.

* * *

Менинг гулнаزارим, назирим менинг,
Енимда ҳозири нозирим менинг.
Чой ичган пайтда хам маслахатгүйим,
Эй жуфти халолим — вазирим менинг.

* * *

Дилларга энг тиник түйгулар келсин,
Ииллардан севинчү кулгулар келсин.
Үйкүсиз, беором мард ўғлонларга
Ернинг кучогида уйкулар келсин.

* * *

Хар кимга дунёда қолар из берсин,
Неки толе берсин — изэма-из берсин.
Сенга бир ой юзли ёри вафодор,
Яна ўн түртталар ўғил-қиз берсин.

* * *

Бахор. Калдириоchlар хас, лой чўкийди,
Ургимчак янги бир гилам тўкийди.
Гулзор тепасида бир мулло тўрғай
Булбул билан гулга никоҳ ўқийди.

* * *

Кишда қолиб кетди қандолатларим,
Сизни кўп соғиндим ҳам даракладим.
Тансиқ исингиздан ўзим айланай,
Менинг дўмбоққина ҳандалакларим.

* * *

Соғинчинг ташвишу баҳонамдадир,
Товушинг даҳлизим ё хонамдадир.
Сенинг тўлкинларинг, Тўполондарё,
Ҳар тонг чайқалибон осто намдадир.

* * *

Ўтгаймиз дунёдан — яхшими, ёмон,
Ҳеч бир амалимиз қолмас ноаён.
Бошимиз устидан қараб тургайдир
Оллоҳнинг кўзидаи бепоён осмон.

* * *

Армоним, мен сенга хўп имкон бердим,
Сен бир қуш, мен сенга кўк осмон бердим.
Сенга юрагимни ушатдим нондай,
Кўзим гавҳаридан сенга дон бердим.

* * *

Ярим минорларим ер остидадир,
Мен деб ёнорларим ер остидадир.
Сенинг чинорларинг ер узра , эй дуст,
Менинг чинорларим ер остидадир.

* * *

Кабристонга эрта келади баҳор,
Бунда ётганларнинг соринчи бисёр.
Тириклардан кўра улар мухтоҷроқ,
Тириклардан кўра кўпроқ умидвор.

* * *

Кабрлар элнинг жим нақлларири,dir,
Асли тирикликнинг мақолларири,dir.
Унган майсаларни юлиб ташлама,
Бу – ота-бобонгнинг соколларири,dir.

* * *

Ўлимга барибир: гулдай дудоқлар,
Ҳалол юрганлару ҳаром томоқлар.
Уст-боши бутлардан чопонин ечгай,
Ковуш кийиб кетмас ялангоёқлар.

* * *

Тирикмиз, биродар, бўлма бесабр,
Марҳумларга қийин, уларга жабр.
Бориб қабристонга назар сол бир зум,
Гўё сабр тилар қабрга қабр.

* * *

На керак, ўзи қон ютгандан кейин,
Бағрини тупроққа тутгандан кейин?
Дўстлари кўпайди Шавкат Раҳмоннинг,
Ўзи бу дунёдан ўтгандан кейин.

* * *

Панжакент торлари ўқраб кетдилар,
Варзоб кирвоқлари тутаб кетдилар.
Лойиқ Шерали ҳам ўтди дунёдан,
Сурхон борлари ҳам титраб кетдилар.

* * *

Дунёда ғам кўпдир — биттаси сенсан,
Ранжу ситам кўпдир — биттаси сенсан.
Ёниб-ёниб тугар барча шамлар ҳам,
Дунёда шам кўпдир — биттаси сенсан.

* * *

Баъзан ёш бола ҳам тенгингдай бўлгай,
Япроқ ҳам шивирлаб кўнглингдай бўлгай.
Баъзан узок йиллар жим чеккан ғаминг,
Бир куни туришган синглингдай бўлгай.

* * *

Олис юлдузларда қандай хабар бор?
Ойнинг гардишида қандай хатар бор?
Мангу хавотирдай айланар фалак,
Бир кун ҳаммамизга катта сафар бор.

* * *

Улуғ ОйбекларуFaфур Гуломлар
Нечун улуғ эрди, улуғ қаломлар?
Чунки улуғ эрди бу зотларда қалб,
Қалбда улуғ эрди дарду аламлар

* * *

Куэги шом чўкмоқда сўнган илҳомдай,
Сарғайган япроқлар — ҳазин қаломдай.
Анҳор ёқасида бир улуғ чинор
Мунраймиш кексайган Faфур Гуломдай.

* * *

Ғазал бўстонига кирмоқ керакдир,
Ҳар сўэни жон бирлан кўрмоқ керакдир.
Ҳаэррат Навоийга етмоқ-чун, эй дил,
Яна беш юз йиллар юрмоқ керакдир.

* * *

Охир мухолифлар хориб бўлдилар,
Эл-юрг сўэ фаҳмига бориб бўлдилар.
Сизнинг шеърингиздан, Абдулло ака,
Қанча абдуллалар ориф бўлдилар.

* * *

Кимгадир қисмату ёзиқ шеърият,
Ким учун болга ё қозиқ шеърият.
Устоз Эркин Воҳид сатрларидан
Билдик, бунчалар ҳам нозик шеърият.

* * *

Чопон кийгиздингиз, Шерали ора,
Совуқ энди сал-пал қисинса керак.
Шунча йил танамда жунжиккан ғамим
Бул кеча ҳойнаҳой исинса керак.

* * *

Худо берган зотлар тоқ, ёлғыз чикқай,
Таъриф этмоккә тил, сўз ожиз чикқай.
Юз йилда туғиса бир улуғ ҳофиз,
Унинг бир додидан юз ҳофиз чикқай.

* * *

Райхонга айланди қанча гулбўйлар,
Армонга айланди сиз борган тўйлар.
Сиз кирган ҳовлилар мунғайиб қолмиш,
Айвонга айланди сиз кўрган уйлар.

* * *

Эл тинчин қуёшу ойларга бергин,
Риэқини шу тошқин сойларга бергин.
Камбағалга берма мол-дунё, Худо,
Энг аввал сен сахий бойларга бергин.

* * *

Доим бошингизга ҳумолар келгай,
Элга ҳам тўй бирлан наволар келгай.
Қанча салом келгай сизга, сахий зот,
Қанча муҳтоҷлардан дуолар келгай.

* * *

Севинч сенмисанму ё мунг сенмисан?
Софинч сенмисанму овунч сенмисан?
Мен сени бепарво тиликлайдурман,
Бобурни йиғлаттан қовун сенмисан?!

* * *

Элда Комилжоннинг ашуласи бор,
Огажий, Ферузнинг сўз шуъласи бор.
Бугун Хоразмнинг неси бор дема,
Омон Матжон каби ёшуллиси бор.

* * *

Тириклик қўйида овора, эй дўст,
Топган чораси ҳам ночора, эй дўст.
Қовун тилимидаи бир табассуминг
Бўлса етар менга, бечора, эй дўст.

* * *

Ўзинг девор бўлиб, ўзинг нурайсан,
Бошингга кор ёғса, ўзинг курайсан.
Кўрдинг дўсту ёрнинг ахволин, эй дўст,
Энди ўз ҳолингни ўзинг сўрайсан.

* * *

Баланд, азим деворни ҳам бир кун нам ейди,
Рост умрни гоҳо нобоп бир қадам ейди.
Қаро тунни адo қилар битта шам, эй дўст,
Сени шароб ейди охир, мени ғам ейди.

* * *

Бу олам ҳамиша шундок чатишган:
Кимдир етишмаган, кимдир етишган.
Булбуллар ҳамиша қон ютган, эй дўст,
Қарғалар ҳамиша тезак титишган.

* * *

Яшайлик, энг гўзал палла бўлгунча,
Мунглур тароналар алла бўлгунча.
Эй дўст, бизнинг бошлар чириб кеттайлар
Бу қовоқкаллалар калла бўлгунча.

* * *

Умр десанг, обу гил куяр, эй дўст,
Бир онда не ою йил куяр, эй дўст.
Кўкдан юлдуз учса елканг куйгайдир,
Ерга бағир берсанг, дил куяр, эй дўст.

* * *

Биз ўтган йўллардан қиссалар унгай,
Охир ғам юкига жуссалар қўнгай.
Ой хилват боғларда кечалар, эй дўст,
Балки мену сенга ҳассалар йўнгай.

* * *

Кўнгилдан қанчалар зорлар кетибдир,
Қанча дилдорлару ёрлар кетибдир.
Шунча ой-йиллар биз дўсту ёр дебмиз,
Дўсту ёрлардан ҳам орлар кетибдир.

* * *

Бориб айтай яна Эркин Аъзамга,
Чора топармикан эски руссамга?
Оқарган соchlари бир нени билар,
Шоядки нур сочгай мунгли қиссамга.

* * *

Кўздан йироқ тушса қош ҳам йиғларкан,
Дунёда кекса ҳам ёш ҳам йиғларкан.
Кимсасиз соҳилда кўрдим бир оқшом,
Ёлриз бошим, дея тош ҳам йиғларкан.

* * *

Оламда бир ғалат жонлар юрибди,
Ким тикка, ким эса ёнлаб юрибди.
Калта иштон киймиш бир даканг хўроҳ,
Шим кийган товуқлар донлаб юрибди.

* * *

Хар ким ҳам ҳаётнинг накши бўлмагай,
Агар феъл ёмондир, яхши бўлмагай,
Сайраган ҳар қарға андалиб бўлмас,
Ҳанграган ҳар эшак бахши бўлмагай.

* * *

Кимгадир дунёда мақсад суюнчиқ,
Кимгадир мол-дунё, сарват суюнчиқ.
Бир йигит бир юртни обод этса гар,
Баъзан мамлакатни буллар бир қанжиқ.

* * *

Маърифатсиз юртнинг заволи бўлгай,
Унинг на иқбол, на камоли бўлгай.
Хотинлари қаллоб, эрлари каззоб,
Эли халқ бўлмагай, аҳоли бўлгай.

* * *

Түнгиз билан хўқиз ўпишган каби,
Фалатдир кўпларнинг мақсад, матлаби.
Улар ҳаётда ҳам шундоқ юарлар:
Түнгиз билан хўқиз қалишган каби.

* * *

Худойим, қуёшу ерлар яратдинг,
Минг бир синоату сирлар яратдинг.
Читтакларга муте сору бургутлар,
Тулкиларга тобе шерлар яратдинг.

* * *

Адолат гоҳ bemор — тўшаклардадир,
Саховат хас билан хашаклардадир.
Хачирлар ичинда тулпорлар ҳайрон,
Олтин эгар гоҳо эшаклардадир.

* * *

Тушуниб яшайди арслонни арслон,
Итни ит тушунгай, сиртлонни сиртлон.
Тушунгай бир-бирин неки жонэот бор,
Фақат тушуммагай инсонни инсон.

* * *

Сакрайди қарамай ўнгу сүлга ҳам,
Фунчага ҳам боқмас, хуш йүқ гулга ҳам.
Бориб айтсаммикан Нурхон Нафасга,
«Кора белбоғ» берсин шу булбулга ҳам.

* * *

Бу ёруг дунёда ҳар ким йиғлайди,
Ким овоғ чиқарып, ким жим йиғлайди.
Бек бекка йиғлайди, шоир хокимга,
Хоким хотинига бориб йиғлайди.

* * *

Семириб кетибсиз, дүстим, булбулвой,
Гул йүқдир, дил йүқдир, пул бор хойнахой.
Фақат ёнингизда бир дүмбоқ товуқ
Сизга ош дамлайди, куйиб берар чой.

* * *

Бозор түндан кириб, яктакдан чиқар,
Ҳар хил сүз соғ билан тентакдан чиқар.
Күнгилда пул нима қиласы, нодон?
Пул күнгилдан әмас, чүнтакдан чиқар.

* * *

Үтгайдир дунёдан окил, калтафаҳм,
Битгайдир менинг ҳам бир күн сафсатам.
Корнинг оч бўлса ҳам кекириб юргил,
Шудир бобомерос менинг фалсафам.

* * *

Ҳаммаси бу кўхна оламга боғлиқ,
Боланг сенга, сен-чи, боланіта боғлиқ.
Худодан не кутсанг, неки сўрасанг,
Кечалари килган нолангга боғлиқ.

* * *

Дуч келган ҳар чукур асло жар эмас,
Сен бир жонэотдирсан, гарчи ҳар эмас.
Сен ўйлаганчалик кўр эмас даврон,
Сен ўйлаганчалик замон кар эмас.

* * *

Биз келдик дунёга бир имкон учун,
Ҳар лахзә бир синов, имтиҳон учун.
Минг инсон битта жон беролмас биэга,
Биз битта жонмиэу минг инсон учун.

* * *

Ватан, бўстонларинг озода бўлгай,
Уғил ҳам қизларинг жонзода бўлгай.
Султондай қад ростлар ҳар бир дарахтинг,
Очилган ҳар гулинг хонзода бўлгай.

* * *

Бул менинг билдигим — битикларимдир,
Балки куттганларим, интиқларимдир.
Менинг сочинчларим ҳам оғриқларим,
Менинг камликларим, кемтикларимдир.

* * *

Соф бўлинг, эй дўсту ҳамхонам менинг,
Тугайдир бир куни ҳангомам менинг.
Балки бу шамномам — севинчларимдир,
Балки бу шамномам — ғамномам менинг.

* * *

Ҳар кун — умримизнинг бир сафарири, —
Ҳар он — кунимизнинг бир гавҳарири.
Тинчлик, омонликда отган ҳар бир тонг
Оллоҳнинг биэларга хушхабаридир.

2000

КҮНГИЛ СОХИЛИ

Күнгил тубларига чўқди не тошлар,
На қувонч юпатди, на-да кўэёшлар.
Сўнган ҳар шуълага ўкинч-ла бокдим,
Дилимдан ранг олиб ботди куёшлар.

* * *

Иллар буғдойимни ўриб кетдилар,
Еллар қиримдан юз буриб кетдилар.
Болажон, авайла жилғаларингни,
Менинг дарёларим куриб кетдилар.

* * *

На базм ва на-да сайиллададирман,
На аввал ва на-да охирдадирман.
Менинг қайдалигим сўрма, биродар,
Мен кўнгил аталмиш соҳиллададирман.

* * *

Мехо топмасман ўз меҳоримдан ўзга,
Умр ҳам кўрмасман умримдан ўзга.
Ҳеч ким тушунмагай дунёда мени
Кўксимда йиғлаган қумримдан ўзга.

* * *

Канча молу давлат тупроқдир, гилдир,
Нечук маъводир бу? Нечук манзилдир?
Менинг йўқотганим кўнгилдир, эй дўст,
Менинг излаганим балки бир дилдир?

* * *

Агарчи баланду пастдамиз, эй дўст,
Барибир бир йўлдан қайтамиз, эй дўст.
Менга чайла бермас, сенга кошона,
Оқибат тупроқмиз, майсамиз, эй дўст.

* * *

Уйқашдир бу йўлнинг шому сахари,
Хабарлари бисёр, кўпдир хатари.
Эй дўст, Фаридиддин Аттордин ўрган,
Энг узоқ сафардир кўнгил сафари.

* * *

Кўксимни ёндирган ўтлур оҳ — ўзинг,
Мен жоҳ изламасман, ёлиз жоҳ — ўзинг.
Эй дил, сенга атаб чоҳлар қаздим мен,
Ўзимга бўлгайсан бир кун чоҳ ўзинг.

* * *

Бир хас шивирида қанча хабар бор,
Бир тош замирида қанча сафар бор.
Бир гүр сукутида қанчалар садо,
Бир юлдуз нурида қанча хатар бор.

* * *

Кулманг, мушкүл қолиб енгилни топдим,
Ки мен ўтлар ичра сингилни топдим.
Сиз олтин топдингиз излай-излай, мен
Ахтара-ахтара күнгилни топдим.

* * *

Сиздан төр қолгайдир, дөвлар тұла төр,
Сиздан бое қолгайдир, дөвлар тұла бое,
Мендан төр қолмагай, қолмагай бор ҳам,
Менда дөр қолгайдир, бөвлар тұла дөр.

* * *

Нечун мунглуудирсан, эй яшил борим?
Үтмиш — менинг фаслим, менинг гул чорим.
Энди чирқираган күшчаларингга
Биттадан ин бўлгай ҳар битта дорим.

* * *

Бу дунё ғаразгўй тошлар дунёси,
Риёкор кўзлару қошлиар дунёси.
Бошингга тош ёғар ҳар бир буржидан,
Нечук дунёдир бу — тошлар дунёси?

* * *

Гоҳи туфроғ янглиғ сўқмоғингдаман,
Тошқин сел, кўқдаги чақмоғингдаман.
Гоҳи деворингга хасман, эй кўнгил,
Гоҳи шабнам янглиғ япрогингдаман.

* * *

Ингладим минг йиллик чинор тагида,
Кўнгил ҳам юмшади тошлар тафтида.
Бир япроқ ногаҳон кифтимга қўнди,
Сўфи Оллоёрнинг илиқ кафтидай.

* * *

Юрган дарё, юриб, дарё бўлдим мен,
На манзил, на дашту саҳро билдим мен.
Кай бир кирюқларда қолиб кетдинг, Гул?
Энди ўз ғамимга бўйро бўлдим мен.

* * *

Умринг әнг гүэл манзилларидан
Кетдим — күзларингнинг сохилларидан.
На қиртоқ аёндир энди, на макон,
Не суд чүэилган бу ой, йилларидан?

* * *

Билмам, ўртамизыва не сўров тушди,
Орага фалакми ё бирор тушди.
Айрилдик, торларга қор тушди, эй Гул,
Ўшал тун кўнгилга илк қиров тушди.

* * *

Гарчи ўшал дилдор, ул нодирасан,
Ўшал латофату ул сохирасан.
Кўзларинг тубида бир мунг кўрдим, Гул,
Сен олис ёшлиқдан бир хотирасан.

* * *

Наҳотки орзулас бўй бермас энди?
Осмон кўнгилларга тўй бермас энди.
Наҳот жилғалардай жимиб кетдик, Гул?
Наҳотки ҳеч нарса рўй бермас энди?

* * *

Сенсиз ишқ жадвали тузилемагай, ёр,
Сен бўлсанг дил мулки бузилмагай, ёр.

Нозик белларингта бу жон риштаси
Камар бўлмагунча узилмагай, ёр.

* * *

Эй сен, Андижонда йиғлаган булбул,
Эй сен, Самарқандда куйиб ўтган гул,
Нечун нолишингдан мен бўлдим адо?
Енган — сен, мен нечун бунда бўлдим кул?

* * *

Дарахтлар бандида не янглиғ титроқ?
Хавотир ичрадир ҳар хас, ҳар япроқ.
Қоялар жунжикиди ҳатто, тийрамоҳ,
Ишқсиз кўнгил каби мунғаймиш кироқ.

* * *

Саболар, ёш кетган акамдан айтинг,
У кўрган, кўрмаган рақамдан айтинг.
Агарда ул сори гузор этсангиҳ,
Менинг йиртиқ, вайрон ёқамдан айтинг.

* * *

Ҳасрат ўчорида ўтинман, ёмғир,
Қисмат қирроғида тутунман, ёмғир.
Бунчалар мулойим, илиқ ёғурсан,
Онам йиғладими бу тун ҳам, ёмғир?

* * *

Япроқдан уй қурдим, майсадан — хона,
Шудринг ва юлдуздан үрнатдим ойна.
Осмондан зангори дарчалар олдим,
Гулдан эшик қылдим, дилдан — остона.

* * *

Яраб қоларми деб бирор кунимга,
Хасрат сотиб олдим сүнгти пулимга.
Энди иккимиз хеч исинолмаймиз
Канча ўрансак ҳам иссиқ түнимга.

* * *

Танимда ям-яшил япроқ бўлган Дард,
Кўнгил жаҳонида тупроқ бўлган Дард.
Канчалар қўп, узоқ чекканим сайн,
Харгиз камаймайин, қўпроқ бўлган Дард.

* * *

Кўнгил куйгайдир-у, vale кул йўқдир,
Кўнгил бир гул истар, vale ул йўқдир.
Пулдор кимсаларда йўқдир саховат,
Саховат ахлида vale пул йўқдир¹.

¹ Саъди Шерозийдан.

* * *

Аё, Фарход Аъзам, бозорни кўргил,
Бозорда гуфттору, гузорни кўргил.
Биз истаган гуллар пул сотар бунда,
Бул ажиб, ғаройиб гулзорни кўргил.

* * *

Яхшиям хўтиклар қўшиқ ёзмаслар,
Езиб ҳар жойларга олиб бормаслар.
Яхшиям шоирни тўрқовоқларга
Солиб, чойхонада осиб қўймаслар.

* * *

Худбин осмонига чикмас камалак,
Бахил қозонида пишмас сумалак.
Мунофикс томида қизгалдок унмас,
Тўнгиз тумшуғига қўнмас капалак.

* * *

Ўтди гул фаслимиз, ҳазон фаслимиз,
Кўп узоқ чўэилди талош, баҳсимиз.
Шаклу шамойилда инсонмиз гарчанд,
Чўчқадир, тўнриздири ҳамон нафсимиз.

* * *

Иўлчимиз, тўшарга тўшагимиз йўқ,
Охур бор, ва лекин хашагимиз йўқ.
Оғирдир, енгилдир балки юкимиз,
Тўқим топғанмизу эшагимиз йўқ.

* * *

Худо даргоҳида очиксан, инсон,
Дунё коргоҳида нечуксан, инсон?
Жаҳонга сирмайин елмоқлар нечун,
Ўзинг-ку заррадан кичиксан, инсон?

* * *

Менинг зоҳирим ҳам доҳилим, эй дил,
Келиб тўхтаганим соҳилим, эй дил.
Бу тўкин, серхосил даҳо боғида
Менинг арзимаган ҳосилим, эй дил.

* * *

Айб этманг, агарчи дилимдан айтдим,
Аслида мен обу гилимдан¹ айтдим.
Чечаклар ичра бир барги ҳазоним,
Ҳазонлар ичра бир гулимдан айтдим.

1995

¹ Обу гил (форс.) — сув ва тупроқ, Мумтоз адабийётда одамнинг яратилишига ишора. Рангику замтмат маъносига ҳам келади.

ЯХШИЛИК ЭСКИРМАГАЙ
(Қирқ ҳадис)



1986 ы.

Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм

* * *

Сенинг даргоҳингда кўэларимда нам,
 Энди аён менга ул борар жойим.
 Кечирғил отамнинг гуноҳларини,
 Онамга умр бер ўзинг, Ҳудойим.

Мен улур ҳикматни англадим чори,
 Иллаб қонлар этиб кўнгилларимни.
 Ўзинг омон сакла, асрагил ўзинг,
 Куэги райхонлардек сингилларимни.

Не зотлар юз буриб келиб кеттайлар,
 Не мурод ҳосилдир менинг дардимдан?
 Ўзинг паноҳингта оғиг мулкимни,
 Ўзинг юз ўтирма элим, юртимдан.

Дунёда энг олий Сўз ўзингдирсан,
 Ўзинг бир гап солдинг балки дилимга.
 Ҳудойим, қирқ эшик очилмоқдадир,
 Ҳудойим, ёруғ қил сўэни тилимга.

* * *

Замондан койинманглар, зеро замоннинг әгаси
 Оллоҳдир.

ЗАМОННИНГ ЭГАСИ

Оллоҳ сизга берган ой ва йил учун
 Арзир ҳар лахзанинг нақши бўлсангиа.
 Азалдан ёмонга ёмондир замон,
 Замон яхши эрур — яхши бўлсангиа.
 Ҳар кимга дилдаги нияти йўлдош,
 Эзгу мақсадлари бир умр ёрдир.
 Замондан ҳеч қачон койинмангиликим,
 Замоннинг эгаси Парвардигордир.

* * *

Фойдали илмларни ўргатувчи одамнинг гуноҳи кечирилишини сўраб, ҳар бир нарса, ҳатто денгиздаги балиқлар ҳам истирфор айтадилар.

МЎЎТАБАР ЗОТЛАР

Илму маърифатли элнинг иқболи
 Ҳаргиз залолатта гирифттор ўлмас.
 Эзгу илмларни ўргатган зотлар
 Икки дунёда ҳам асло хор ўлмас.
 Яратган оламнинг гардишларини
 Гоҳ қуёш, гоҳ юлдуз, ойда келтиргай.
 Шундай инсонларнинг камтарин илми
 Ватанга қанчалар фойда келтиргай.

Фарзандлар шул сабаб топгайлар камол,
Юрт шундай зотларга ифтихор айтар.
Гунохдарин сұраб денгизлардаги
Балиқлар ҳам ҳатто истигфор айтар.

* * *

Сизларнинг ҳар бирингиз бамисоли чўпондирсиэлар ва ўз қўл остиларингиздагиларга масъулдирсиэлар. Подшоҳ ўз фуқароларига, эр ўз аҳли аёлига, хотин эрининг уйига, ходим ўз хожаси молига, фарзанд ўз отаси мулкига масъулдир. Демак, ҳар бирларингиз масъулдирсиэлар.

МАСЪУЛИЯТ

Сизнинг ҳар бирингиз гарчи ҳар хил ранг,
Ҳар хил насабдаги инсонлардирсиз.
Лекин бу дунёнинг манзилларида
Асли бамисоли чўпонлардирсиз.

Яъни масъул эрур ҳар ким ҳар ишда,
Халқу Ватан учун масъулдир подшоҳ,
Эр — ўз аёли-чун масъулдир доим,
Хотин — эр уйига масъул ва огоҳ.

Ҳеч амал Ҳудодан қолмагай пинхон,
Қўнгиллар эзгулик бирладир пайванд.

Хожасин молига ходим масъулдир,
Отасин мулкига масъулдир фарзанд.

Яшангиз ҳар соат Хақдин хабардор,
Токи масъулдирсиз — маңкулдирсизлар.
Бурчни англамоқ хам юксак амалдир,
Хулласки, барчангиз масъулдирсизлар.

* * *

Киши биродари учун хикматли сүйздан афзалрок нарса хадя килолмайды. Чунки шу хикмат сабабли Худо уни түрүри йүлга солиб күяди ёки ёмон йүлдан қайтаради.

ХИКМАТ

Хикмат хадя қилғыл биродарингта
Күчада ва ёки уйга чакириб.
Хикматда қалб бордир, ёд бор, хикматда
Не шариф зотларнинг умри яширин.
Шу хикмат сабабли Худойи карим
Халос айлар уни нопок ўйлардан.
Түрүри йўл кўрсатар биродарингта
Ёки қайтаради ёмон йўллардан.

* * *

Бирони яхши йўлга бошлаб қўйган одамга ҳам ўша
йўлга тушиб кетган одам олаёттанчалик савоб ёзилиб
борур.

яхши йўл

Ёмон, нопок йўллар кўпdir дунёда,
Яхши йўлга бошла бирони доим,
Эзгу амалларни, пок хислатларни,
Билсанг, хуш кўргайдир қодир Худойим.
Билсанг, шу аснода Арши аълода
Хар ишинг рўйхатта тизилмоқдадир.
Яхши йўлга тушган зот олганчалик
Сенга ҳам савоби ёзилмоқдадир.

* * *

Она — жаннат ўртасидаги эшиклардан биридир,
агар хоҳласанг, ўша эшикни қўлдан бер ёки уни сақла.

ЖАННАТ ЎРТАСИДАГИ ЭШИК

Сен — меҳмон, у — меҳмон, ҳаммамиз — меҳмон,
Дунё ҳам бир меҳмонхонадир, билгил.
Жаннат ўртасида кўп эшиклар бор,
Уларнинг биттаси — онадир, билгил.

Хаёт — инсонларнинг келиб кетгувчи,
 Беш кун тебрангувчи гул бешигидир.
 Энг аввал онангнинг қадрига етти,
 Оналар — беҳиштнинг нур эшигидир.

Хоки пойларига сочгил умрингни,
 Ўтмагил дунёдан юрагинг доғлик.
 Бу эшик сен учун очиқ бўлгайдир
 Ва ё ёпиқ бўлгай — ўзингта боғлик.

* * *

Кичикларимиэга раҳм-шафқат қилмаган ва катталарнинг шарафини билмаган кишилар биздан эмасдир.

КИЧИКЛАР ВА КАТТАЛАР

Ота-онадандир асли тарбия,
 Садоқат бир ўғил-қиздан эмасдир.
 Лекин кичикларга шафқат қилмаган
 Кимсалар, билингким, биздан эмасдир.
 Билингким, норасо фарзанддир, улким
 Элнинг улувларин дилдан севмасдир.
 Яъни, катталарнинг шарафин билмай,
 Иzzат қилмаганлар — биздан эмасдир.

* * *

Үлиб кетгандарни ёмонлаб ҳакорат қилмандар, чунки улар қилмишларига яраша мукофот ёки жазо оладиган жойга кетгандар.

ҮЛИБ КЕТГАНЛАР

Үлиб кетгандарни ёмонламаслар,
Уларни маломат қилиб бўлмайди.
Улар ранжурдирлар, улар озурда,
Кек сақлаб, ҳакорат қилиб бўлмайди.

Ўзлари биландир қилмишлари ҳам,
Тинч қўйинглар ахир, улар ўлганлар.
Улар мукофот ё жазо олгувчи
Жойга аллақачон етиб бўлганлар.

* * *

Инсон фарзанди яратилганда ёнида ўлимнинг 99 сабаби ҳам бирга яратилади. Агар у шу сабаблардан халос топиб яшасагина унга қарилек насиб этади.

ЭГИЗАКЛАР

Одамзод фарзанди яратилганда,
 Ҳаёт оққан пайти жисму жонида,
 Ўлимнинг ҳам тўқсон тўққиз сабаби
 Эгиз яратилимиш унинг ёнида.
 Ўзи паноҳ берсин, асрасин Ўзи,
 Умринг чечаклари сўлмасдан унсин.
 Ҳалос топиб яша бу ўлимлардан,
 Ишқилиб кексалик насибинг бўлсин.

* * *

Кимнинг сочи Ҳақ йўлида оқарган бўлса, қиёмат куни шу оқарган сочи нур бўлиб йўлини ёритиб туради.

ОҚАРГАН СОЧЛАР

Шоминг мунглуг-мунглуг парда ёймоқда,
 Ботиб бормоқдадир ҳаёт қуёшинг.
 Эзгу амаллар деб, Ҳақ таоло, деб
 Умр йўлларида оқармиш сочинг.
 Ҳар ким бу дунёда қилганларига
 Яраша ажр ила мукофот кўргай.
 Оқарган соchlаринг маҳшар кунида
 Нур бўлиб йўлларинг ёритиб тургай.

* * *

Агар бошлиқларингиз сизларнинг яхшиларинг бўлса, бойларингиз саховатли бўлса ва ишларинг ўрталарингда келишув билан бўлса, сизлар учун ер остидан кўра усти афзалдир. Агар бошлиқларинг ёмонларингдан бўлса, бойларингиз бесаховат бўлса ва барча маслаҳатингиз аёллар қўлида бўлса, ер ости сизлар учун ер устидан афзалдир.

АГАР

Агар яхши бўлса юртда подшоҳлар,
Бойларингиз бўлса сахий, ботадбир,
Ишлар бамаслаҳат битса, сизларга
Ер остидан кўра усти афзалдир.

Агар пешволардан кетса адолат,
Бойларни тарк этса инсоф, юз-хотир,
Маслаҳат аёллар билан битса, сизларга
Ер устидан кўра ости афзалдир.

* * *

Огоҳ бўлингки, ҳар бир хиёнатчи қиёмат куни хиёнати миқдорида танилиш учун байроқ кўтариб юради. Огоҳ бўлингки, хиёнатнинг каттаси амирларнинг халқ оммасига қилган хиёнатидир. Огоҳ бўлингки, ҳак гапни

билган кишининг у гапни гапиришига одамларнинг ҳай-
бати тўсқинлик қилмасин! Огоҳ бўлингки, жиҳодлар-
нинг афзали золим йўлбошчи олдида айтилган ҳақ
сўэдир. Огоҳ бўлингки, умрингизнинг қолган қисми
бамисоли яшаб турган кунингизнинг қолган қисми ка-
бидир.

ОГОҲ БЎЛИНГЛАР

Ҳар қайси хоиннинг қиёмат куни
Қилган хиёнати миқдори қадар,
Ҳамма кўрсин учун икки қўлида
Кўтариб юргувчи байроги бўлар.

Яхши пешволар ҳам Ҳақ таолонинг
Ердаги халқларга иноятидир.
Энг катта хиёнат бу — амирларнинг
Ўз халқига қилган хиёнатидир.

Огоҳ бўлингизким, ҳақ гапни билган
Кишилар қалбининг чўғи сўнмасин.
Ва улар ҳақ гапни айтмори учун
Одамлар ҳайбати тўсқин бўлмасин.

Яна билингизким, Оллоҳ йўлида
Килинган жамийки жиҳодлар соэдир.

Лекин афзал жиҳод — золим подшоҳлар
Олдида айтилган битта ҳақ сўэдир.

Хеч кимнинг хасмимас ҳеч кимнинг умри,
Умр, гоҳ осмон, гоҳ жарнинг лабидир.
Унинг қолган қисми шу кунингизнинг
Қолган ул иккинчи қисми кабидир.

* * *

Ўлимни орезу қилманглар!

НАСИХАТ

Иғвою бўхтондан сақланинг мудом,
Мехроу саховатдан йироқ бўлманглар.
Умрни ғанимат билинглар ҳар дам,
Ўлимни ҳеч қачон орезу қилманглар.

* * *

Хизматчиларга яхши муомалада бўлиш — баракадир, ахлоқсизлик — шумликдир, аёл кишига итоат қилмоқлик — надоматдир. Садақа эса балони қайтарувчидир.

ҚАЛБИНГ ТОЗА БҮЛСА

Яхши муомала хизматчиларга —
Файзу барака ҳам саховат эрур.
Емон хулқ — шумликдир, аёл кишига
Итоат қымокълик надомат эрур.
Хеч нарса панада қолмагай, Оллох
Ҳар нени назардан ўткарувчиdir.
Қалбинг тоза бўлса, имонинг бутун,
Садақа — балони қайтарувчиdir.

* * *

Одам қалбида гўё Ой ёнидагидек бир булат бордир.
Ой ёритиб турганда тўсатдан булат келиб уни беркитиб
қўйса — қоронгулик, булат қўтарилса — ёруғлик бўлиб
тургани каби, қалб ҳам баъзида равшанлашиб, баъзида
хиралашиб туради.

ОЙ ЁНИДАГИ БУЛАТ

Бандалар дунёси гоҳида зулмат,
Тиник осмон янглиғ гоҳ бергубордир.
Одамзод қалбида гўёки ойнинг
Ёнидаги каби бир булат бордир.
Булат беркитган чор қоронгулигу
Кўтарилган пайти бўлгандек равшан.

Калб ҳам мунавардир баъзан ой янглир,
Занглаб, хиралашиб тургайдир баъзан.

* * *

Үн киши ва ундан ортиқ одамларга бошлиқ бўлган
киши қиёмат куни икки қўли бўйнига боғлиқ ҳолда
қўпгай. Агар у одил бўлган бўлса,adolati келиб
қўлларини ечади. Бордию золим бўлса, зулми қўлларини
маҳкамроқ боғлади. Амалдорликнинг боши маломат,
ўртаси надомат, охири қиёмат шармандалигидир.

АМАЛДОРЛАР ҚИЁМАТДА

Барча бандалардай амалдорлар ҳам
Не қилган бўлсалар шуни топгайлар.
Алар ўз қўллари бўйинларига
Боғлиқ бўлган ҳолда ердан қўпгайлар.

Одил ўтганларниadolatlari
Келиб қўлларини ечгайдир у дам.
Зулм қилганларни ўз зулми келиб
Қўлларин қайтадан боғлагай маҳкам.

Уч даври бор эрур амалдорликнинг,
Уч қийинок деса ҳам бўлар, яъники,
Аввали маломат, кейин — надомат,
Охири — қиёмат шармандалиги.

* * *

Уч тоифа кишилар борки, Худо қиёмат куни улар билан сўзлашмайди ва раҳмат назари билан ҳам бокмайди ва гуноҳларини ҳам кечмайди, балки уларни каттиқ азоблайди:

1. Кекса бўла туриб, зино ишлардан қайтмаган одам.
2. Ёлончи амир.
3. Мақтанчоқ камбағал.

УЧ ТОИФА

Мақтанчоқ камбағал, ёлончи амир
Ва зино ишлардан қайтмаган кекса —
Ушбу уч тоифа кимсалар билан
Худо сўзлашмагай қиёмат келса.
Раҳмат назари-ла боқмас уларга,
Гуноҳларин кечмас — ҳисоби бўлгай.
Шу уч тоифага маҳшар кунида
Худонинг энг каттиқ азоби бўлгай.

* * *

Ахли жаннат жаннатта киргайдир, ахли дўзах дўзахга киргайдир. Кейин Оллоҳ таоло малоикларига: «Калбида заррача иймони бор одамни дўзахдан чиқарингиз!» деб айтадир. Улар шундан сўнг куйиб қорайиб кетган ҳолда

дўзахдан чиққайдирлар, ҳаёт дарёсида чўмилгайдирлар,
ёмирдан кейин гиёҳлар унгандек баданлари кўркам
бўлғусидир.

ЗАРРАЧА ИЙМОН

Жаннатий инсонлар киргай жаннатта,
Дўзахийлар эса дўзахга киргай.
Сўнгра Парвардигор малоикларин
Хузурига чорлаб шундоқ буюргай:
«Дўзахдан чиқариб олинг қалбида
Заррача иймони бор кимсаларни».
Шўрликлар, чиққайлар куйиб, қорайиб,
Зўрга судраб абгор жисмларини.
Ҳаёт дарёсида чўмилгайдирлар,
Аста қайта бошлар юзда ранглари.
Мисли ёмирдан сўнг гиёҳ унгандай
Кўркам бўлғусидир жону танлари.

* * *

Инсонга бир водий тұла молу дунё берилса, у иккинчи
водийнинг ҳам берилишини хоҳлайди. Иккинчисидан
кейин учинчисини ва хоказо, унинг нафси тўймайди.
Инсоннинг кўзини фақат тупроқ (қабр тупроғи) тўй-
диради. Кимки тавба қиласа, Худо уни кечиради.

НАФС

Инсонга бир водий мол-дунё берди,
Иккинчи водийни истади инсон.

Бунисини ҳам олди, түрт ён аланглаб,
Яна учинчисин қистади инсон.

Унинг күзин фақат тупрок түйдирар,
Ортиб кетолмас-ку сүнг дам барини...
Вактни ўтказмайин тавба қилинглар,
Худо кечиргайдир бандаларини.

* * *

Худо айтадики, Мен икки шерикнинг, агар бири иккинчисига хиёнат қилмаса, учинчисидурман. Агар хиёнат қилса, уларнинг ўрталаридан чиқиб кетаман.

ХУДО АЙТАДИКИ

Марду оқил бўлса, хушдил, хушрафтор,
Мехроу оқибатли, бўлса пок имон,
Хиёнат қилмаса бир-бировига,
Мен икки шерикнинг учинчисиман.
Агар аралашса бунда хиёнат,
Шубҳаларга борса бири биридан,
Ҳамроҳ бўломмасман уларга бу он,
Мен чиқиб кетарман ўрталаридан.

* * *

Фаровонлик вактларингда Худони таниб (унга илтижо қилиб юр), токи қийинчилик вактингда у ҳам сени танисин.

ОЛЛОХ РАХМЛИДИР

Хисоб-китоблидир дунёйи азал,
Мушкули күп унинг, күпдир тугуни.
Фаровон вактларинг сиғин Оллохга,
Түқ юрган дамларда танигил уни.

Оллох раҳмлидир ҳам меҳрибондир,
Хор этмас оқибат ҳеч бандасини:
Ёлғиз қўймас сени қийин дамларда,
Оғир кунларингда танигай сени.

* * *

Бахтсиэлик уч нарсададир: отда, хотинда, ҳовлида.

БАХТСИЭЛИК

Оллохнинг тошидир банданинг боши,
Ҳар банда гоҳ ёлвиз, гоҳ арсададир¹.

¹ Араса — майдон.

Сен ҳам фиғон чекма борликни ўйлаб,
Бахтсизлик аслида уч нарсададир:

Яъни ёмон бўлса минган тулпоринг,
Бахтсизлик эрур бу — аламлар берур.
Яна тан маҳраминг — жуфти ҳалолинг
Ёмон бўлса агар — бахтсизлик эрур.

Кўнгил ситамларга кўнинкай балки,
Балки барчасига дош берса бўлур.
Ва лекин тор бўлса уй-жойинг, яна
Кўшнинг ёмон бўлса — бахтсизлик эрур.

* * *

Беш вақт намоз гўё мусулмоннинг дарвозаси олдидан
оқиб турган дарё, унда ҳар куни беш марта ювиниб
турса, баданда кир қоладими?

БЕШ ВАҚТ НАМОЗ

Беш вақт намоз гўё бешта дарёдир
Дарвозанг олдидан оқиб ўтгувчи.
Жисму жон русли шу, шудир аслида
Кўнгил кўэгусини чараклатгувчи.

Сенинг шукронанг шул эҳсонларига,
Қалбинг ҳам бир гўзал нурларга тўлгай.

Хар куни беш маҳал покланиб турсанг,
Кавсар сувлари ҳам насибинг бўлгай.

* * *

Умматларим бамисоли ёмғир кабидирким, ёмғирнинг
бошланиши ҳам, охири ҳам фойдалидир.

ФОЙДАЛИ ЁМҒИР

Оlamда одам кўп ҳар тил, ҳар турлик,
Оlamда goҳ тошқин, goҳи ёнғиндир.
Менинг умматларим бамисли найсон,
Менинг умматларим мисли ёмғирдир.
Улар тупроқ узра эзгулик сочиб,
Очиқ юз, софдил, нур дийдали бўлур.
Фойдалидир ёмғир бошланиши ҳам,
Унинг охири ҳам фойдали бўлур.

* * *

Замоннинг ўтиши киши учун панду насиҳат, ўлим
эса ҳаммани бир-биридан ажратувчидир.

ЎЛИМ

Умр фароватми ёки азият?
Умр — бу гоҳи сув, гоҳи ўт иши.
Дунёда яшовчи кимсалар учун
Панду насиҳатдир замон ўтиши.
Ҳаёт чехраларга гоҳида севинч,
Гоҳида шабнамлар сачратувчидир.
Фақат ўлим бордир. Ҳаммани факат
Ўлим бир-биридан ажратувчидир.

* * *

Кимки отасининг вафотидан кейин ҳам унга яхшилик
қилишни истаса, унинг ёру биродарлари билан алоқани
узмасин.

САВОЛ

Яхши одам эди отанг раҳматли.
Бу дунё азалдан мунг бирлан алам.
Тирик юрган пайти — майли, отангта
Яхшилик қилдингми ўлгандан сўнг ҳам?

Яъни ундан кейин дўстлари қолмиш,
Ярим кўнгилларин йўқлаб бир сафар,
Бирор-бир яхшилик қилолдингми ё
Аларнинг ҳолидан олдингми хабар?

* * *

Хеч бир ота ўз фарзандига хулку одобдан улугроқ мерос беролмайди.

МЕРОС

Отадан фарзандга не юқар бир кун?
Молу давлатими — у тутар бир кун.
Касру айвонлари топгайми эъзоз?
Кандай мерос яхши, қайси мерос соз?
Билсанг, хеч бир ота ўз фарзандига,
Узидан сўнг қолар жигарбандига
Мерос беролмагай чиройли ва хос
Хулку одобдин ҳам улугроқ мерос.

* * *

Садаканинг афзали чанқоқ одамларга сув улашмокликдир.

САДАКА

Дунёнинг ишлари, ўйласанг агар,
Дилни чулғаб ташлар кўхна мотамга.
Умринг ўтиб кетмиш сувдай, бир коса
Сув тута олдингми чанқоқ одамга?

* * *

Ёмон улфатдан яккалик яхши, яккаликдан яхши улфат яхши, жим ўтиргандан фойдали гап яхши, бефойда гапдан сукут сақлаган яхши.

НИМА ЯХШИ?

Яккалик яхшидир ёмон улфатдан,
Яккаликдан кўра бир яхши ҳамдам.
Фойдали гап яхши жимликдан кўра,
Сукут яхшироқдир бефойда гапдан.

* * *

Одам танасида кориндан ёмонроқ идиш йўқдир. Инсон бир неча ошам овқат билан кифояланади. Агар зарур бўлса, кориннинг учдан бирини овқатга, яна учдан бирини сувга, колган учдан бирини нафас олишга ажратсан.

ОДАМ ТАНАСИДАГИ ИДИШ

Ўрин қолдирмагай асло нолишга,
Айниқса, ажратса қараб хошишга:
Учдан бирин овқат, учдан бирин сув,
Колган учдан бирин нафас олишга.

* * *

Худодан афв ва оғият сўранглар. Чунки ҳеч бирларингиз имондан кейин оғиятдек буюк неъматни топа олмайсизлар.

ОҒИЯТ¹

Кўнгил ҳовлисидан, ақл томидан
Шубҳа-гумонларнинг қорини куранг.
Мехроб нуқтасига жамланг фикрни,
Худодан афв ва оғият сўранг.
Чунки ҳеч бирингиз, қанча уринманг,
Қанчалик сарф әтманг молу давлатни,
Топа олмагайсиз имондан кейин
Оғият сингари буюк неъматни.

* * *

Қайси бир мўминга Худо солиҳа хотин насиб қилган бўлса, демак унинг диёнатининг ярмига ёрдам қилибди. Колган иккинчи ярми учун унинг ўзи ҳаракат қилсин!

¹ Соғлик, тинчлик-хотиржамлик.

ЯРИМ ДАВЛАТ

Ҳаёли, қўнгилчан бир солихани
 Ҳудойим умрингга ҳамдам қилибди.
 Демакким, имону диёнатингнинг
 Ярмига у ўзи ёрдам қилибди.
 Сенга муруввату эҳсони шулдир,
 Шулдир уйингдаги рахшон юлдузинг.
 Колган ярми учун ўзинг жон чеккил,
 Ўзинг азоб тортгил, интилгил ўзинг.

* * *

Неъматга шукр қилиш унинг заволидан омон сақ-
 лайди.

ШУКРОНА

Неъматга шукр қил. Пойингда ер бор,
 Шукр қил, тепангда турибдир осмон.
 Билсанг, ҳар неъматга шукронанг сенинг
 Унинг заволидан сақлагай омон.

* * *

Икки неъмат мавжуд бўлиб, кўпчилик одамлар уни
 қўлдан бой бериб қўядилар. Бу — тансихатлик билан
 бўш вақтдир.

ИККИ НЕЪМАТ

Бу ёруғ дунёда қанча меҳнат бор,
 Лекин инсонларга икки неъмат бор.
 Кўрингким, не каслар улоқиб йўлдан,
 Бу икки неъматни бергайлар қўлдан.
 Бу — на бойлик эрур, на шону шухрат,
 На айвонларию на тахтларидир.
 Кўпчилик йўқотган бу икки неъмат
 Уларнинг соғлиги, бўш вақтларидир.

* * *

Тангридан фойдали илмни сўранглар. Фойдасиз илм-
 дан эса четлашинглар.

ИЛМ

Дилни зиё бирлан чулғаб ўрангу
 Маърифат мулкида чироқ бўлинглар.
 Оллоҳдан фойдали илм сўрангу
 Фойдасиз илмдан йироқ бўлинглар.

* * *

Яхшилик эскирмайди, гуноҳ унутилмайди, жазоловчи
 (Худо) эса ўлмайди. Хоҳлаган ишни қил, диёнатингга
 яраша жазо ёки мукофот олурсан.

ЯХШИЛИК ЭСКИРМАГАЙ

Бу — юз минг азиэларни ўздин ўткарган работ,
 Бу — юз минг күнгилларга вафо қилмаган дунё.
 Хоҳлаган ишингни қил, юргил хоҳлаган йўлда,
 Яхшилик эскирмагай, унутилмагай гуноҳ.

Диёнатинг не бўлса, жазо ҳам шундоқ бўлур,
 Фақат Оллоҳ мангудир, ўлмагай фақат Оллоҳ,
 Хоҳлаган ишингни қил, юргил хоҳлаган йўлда,
 Яхшилик эскирмагай, унутилмагай гуноҳ.

* * *

Худо гўзалдир, гўзаликни яхши кўради.

ГЎЗАЛЛИК

Ялтироқ дунёнинг ахволина бок:
 Унда шому сахар ясан-тусандир.
 Бари алдамчидир, бари омонат,
 Фақат Худо мангу, Худо гўзалдир.

У гўзал ишларни хуш кўргай билсанг,
 Анграйма ҳашамнинг бозорига сен.
 Қалбинг гўзал бўлса, ахлоқинг гўзал,
 Тушгайсан Оллоҳнинг назарига сен.

* * *

Ҳаёning бутун вужуди яхшидир. Ҳаё доимо яхшилик келтиради.

ҲАЁ

Емондир имонинг кемтик бўлса гар,
 Хушдуур нафсингнинг бўлса ~~ҳудуди~~.
 Яхшилик келтиргай ~~ҳамиша~~ ҳаё,
 Ҳаёning яхшидир бутун вужуди.

* * *

Қазони дуо қайтаради, яхшилик қилиш умрни узайтиради.

ДУО ВА ЯХШИЛИК

Иморатлар қуринг, солинг қасрлар,
 Истанг олам кезиб, баҳшилик қилинг.
 Неки қилсангиз ҳам қай касб, амалда,
 Аввал дуо олинг, яхшилик қилинг.
 Ҳеч бир савобингиэ кетмагай беиз,
 Ҳар бир қилмишингиз кузатилгайдир.
 Балою қазодан қайтарар дуо,
 Яхшилик — умрни узайтиргайдир.

* * *

Сўзда сехо, шеърда эса ҳикмат бор.

СЎЗ ВА ШЕЪР

Сўз — инсон дилининг кўрк, либосидир,
Сўэким гўзал эрур, унда меҳр бор.
Бесабаб кўнгилга солмагай Ҳудо
Бир сўэни, демакким, сўзда сехо бор.

Бу олам яшнагай эзгуликлардан,
Токи инсонларда қалб ва ҳиммат бор.
Шеър ҳам яралмагай бекорга асли,
Шеърда Расулулоҳ айтган ҳикмат бор.

* * *

Умидим, асрагил ноумидликдан,
Даврон одимлари чигал ва қалтис.
Ҳудойим, синовлар дунёсидаман,
Тўғри йўл кўрсатур ҳикмат ва ҳадис.

Гўё қирқ соҳијдан ўтдим кўэда ёш,
Мехроу карамингдан этмагил жудо.
Мен ҳам сўз демишман қурбим борича,
Ўзинг ёруғ қилгил юзимни, Ҳудо.

**«ДИЛ САРИ ҚИЛДИМ
САФАРЛАР...»
(Таржималар)**



2007 *H.*

Абу Ҳомид Ғаззолий

МУНОЖОТ ЛАЗЗАТИ

Ҳазрат Абу Ҳомид Ғаззолий XI аср охири XII аср ибтидосида яшаган мусулмон оламининг улуғ мутафаккир олимларидан биридир. Ул эот ҳижрий 450 (милодий 1058) йилда Тус шаҳрида фақир, лекин донишманд тўкувчи хонадонида дунёга келганлар. 1111 йилда вафот этган ҳазрат Ғаззолийдан «Макосид ал-валосифа», «Ал-мустазхрий», «Ал-иқтисод фил-эътиқод», «Таҳофут-ул-фалосифа», «Эҳё улум ад-дин», «Ал-муңқиз миназ-затол», «Ал-мұстасфо», «Илжом-ул-аъвом ан илм-улкалом», «Кимёи саодат» сингари дин, фалсафа, фикъ, қалом ва тасаввуфга оид юздан ортиқ етук ва мұкаммал асарлар мерос қолган. Шулардан «Кимёи саодат» асарини ҳазрат форсий тилда инишо этганлар.

Ғаззолий ҳикматлари — тафаккур гулишанинг пок шабнамлари, руҳоният осмонининг порлок юлдузлариdir.

* * *

Бисмиллахир роҳманир роҳийм

«Оллоҳга осмон юлдузларию ёмғир томчилари янглиғ ададсиз ҳамду санолар бўлғайким, Ягоналик анинг сифотидир ва улуғворлигу кибриё анинг хосияти эрур ҳамда ҳеч бир мавжудот анинг камолу жалолидан огоҳ эмасдир.

Яна пайғамбарлар сайиди ва жумла мўъминларнинг раҳбари раҳнамоси Мухаммад мустафо соллаллоҳу алайҳи вассаламга ҳамда ул зотнинг жамийки дўсту ёрларию ҳар бири уммат пешвоси ва шариат йўлининг яратгувчилари бўлмиш аҳди оиласарига дуруд ила дуолар бўлгай.

Шуни билсинларки, одамзодни азбаройи уйин яратмамишлар, анинг амали улуғдир ва унинг учун буюк жатар бордир. Агарчи у абадий эмасдир, азалийдур, жисми анинг туфроғдандир ва туфрокка қайтгусидир. Одамзод руҳининг ҳакикати эса осмонийдур. Анинг гавҳари гарчи ибтидода вахший-ҳайвоний ва шайтоний сифатлар ила оғушта эрсада, алал-охир саъю мужоҳидатлар оқибатинда алардин пок бўлгай ва олий руҳониятта мұяссар ўлғай...

* * *

— Дунёнинг сехори унинг зохиран гўзал ва орасталигидадир, бироқ унинг ботини дарду бало, меҳнату аламдурким, дунё буни кўзлардан яширгайдир. Жоҳил кишиларгина унинг зохирий чиройига маҳлиё бўлурлар. Дунё хунук юзини ниҳон тутган, гўзал ва нафис либосларга ўраниб олган қари, бадбуруш бир хотиндурким, ҳар ким узокдан уни кўриб ошиқ бўлгай, юзидан пардан олгач эса, унинг шармандаликларини кўриб пушаймонлар қилгай. Шундоқ нақл қилурлар: «Киёмат куни ифлос, бадбашара дунёни кўзлари яшил, тишлари оғзидан чиқиб ётган шаклда намоён эттанида ҳозир бўлган халқ сўрар экан: «Наъзуу биллоҳ, бу ифлослиғ, бу расвонлиғ надир?» Жавоб бундоқ бўлар экан: «Сизни бирбирингизга душман айлаган, фисқу фасод, ҳасад-хусумат, риёю разолат килишга, қонлар тўкиб, беражму бешафқат бўлишингизга сабабчи бўлган, яна сиз кўнгил берган дунё шул эрур». Ушал он дунёни дўзахга ташлар экан, дунё эса «Худоё, дўстларим қани?» деб фифон чекаркан, шунда дўстларини ҳам дўзахга ташлашга амр бўлар экан».

* * *

Бирор-бир кимса азалдан ўзи мавжуд бўлмаган дунёда ҳисоби не бўлган, ўзи мавжуд бўлмайдиган абадда ҳисоби неча бўлишию азал-абад оралигига унга берил-

ган кунларнинг саноги нечалигини айтиб бероларми-
кин? Шуни билсингларки, дунё мисоли мусофири йўли-
дир, манзилнинг боши бешикдир, охири эса лахаддир
ва бу оралиқдаги манзиллар ҳам ҳисоблидир: Ҳар йил
бир манзилдай, ҳар ой бир фарсаҳ янглиғ, ҳар кун бир
чақирим мисол ва ҳар нафас бир одимдек ўтгусидир.
У бўлса тинимсиз югургайдир. Ким учундир бу йўлдан
бир фарсаҳ қолмиш, ким учундир камроқ, ким учундир
кўпроқ. Бул кимсага қарангким, хотиржам ўлтириб, гўё
мангу шунда қоладиргандай, ўн йиллик ишларнинг тад-
бирини тузаётир. Ҳолбуки, унинг умридан ўн кун қол-
миш ё қолмамиш!

* * *

Бир киши бир ҳакимдан сўради: «Тошдан қаттиқ-
роқ, осмондан чексизу заминдан оғирроқ, оловдан ис-
сиқроғу қаҳратондан совуқроқ, дарёдан қудратлироғу
етимдан хорроқ нарсалар надир?» Ҳаким жавоб берди:
«Бегуноҳга бўхтон қилмоқ заминдан оғирроқдир, Ҳак
осмондан чексизроқ эрур, дарёдан қудратлироқ нар-
са — қаноатли дарвешнинг кўнглидир, ҳасад оловдан
иссиқроқдуур, қаҳратондан совуқроқ нарса — беоқибат
қариндош-уругларга муҳтож бўлмоқдир, тошдан ҳам
қаттикоқ нарса — бу кофирнинг дилидир ва сўзини
хеч кимса тингламаган мунофиқ етимдан ҳам хорроқ-
дир».

* * *

Иброҳим ибн Адҳам (раҳматуллоҳи алайҳи) бир кишидан сўрадилар: «Тушингда кўрган дирҳам яхшими ёки ўнгингдаги динорми?» Жавоб берди: «Ўнгимдаги динор яхшироқ». «Елғон айтдинг, — дедилар Иброҳим ибн Адҳам — чунки дунё асли уйқудир, охират эса бедорликдир, сенинг дунёдаги нарсага меҳонинг зиёда экан».

* * *

Али ибн Абу Толиб (розияллоҳу анху) ривоят қила-дилар: «Дунё емоқ ва ичмоқ, ҳидламоқ ва киймоқ, ўтиро-моқ ва никоҳга олмоқ сингари олти нарсадан иборат-дир. Егуликларнинг энг ширини асалдир ва бу асаларининг нишидандир, ичимликларнинг энг авлоси сув-дир, чунки аъён ҳам, авом ҳам ундан бирдек роҳатла-нурлар, либосларнинг энг асили ҳарирдир ва буни қурт тўқийидир, ҳидлар аро энг яхиси мушқдирким, охунинг конидан олинур, энг яхши ўтириш отга ўтироқдир-ким, барча эрларни шунга мұяссар қылгайлар ва энг зўр майл аёллар майдидурким, бунинг ҳосиласи шахват суви эрур ва буни шахват суви ила қондирурлар. Аёл зотида бундан гўзалроқ нарса йўқдир ва сен аёл киши-дан бундан ҳам ёмонроқ нарсани талаб қилолмайсан!»

* * *

Умар ибн Абдулазиз (раҳматуллоҳи алайҳи) айтадилар: «Эй одамлар, сизни бир юмуш учун яратмишлар, агар беимон бўлсангиз коғирдирсиз ва агар имонингиз бўла туриб, ул юмушни осон деб ўйласангиз, ахмокдирсилик, сизни мангулик учун яраттандирлар, факат бир саройдан иккинчи саройга олиб кетмоқлари бор».

* * *

Шабъий (раҳматуллоҳи алайҳи) бундоқ ҳикоят қила-дилар: «Бир сайёд бир чумчукни тутиб олибди. Чумчук ундан сўрабди: «Мени нима қилмоқчисан?» «Сўйиб ейман», — жавоб берибди сайёд. «Мени емоқдан нафйўқ, — дебди чумчук, — агар қўйиб юборсанг, сенга уч сўз ўргатурманки, анча фойдалироқ эрур». «Айттил», — дебди сайёд. Чумчук бундоқ жавоб берибди: «Бир сўзни сенинг қўлингда айтадурман, иккинчисини — қўйвор-ган вактингда, учинчи сўзни эса учиб токка қўнганимдан сўнг эшиласан». Сайёд рози бўлибди ва биринчи сўзни айтишни сўрабди. Чумчук бундоқ дебди: «Қўлингдан кетган нарсага асло ғам ема». Сайёд чумчукни қўйворибди, у бориб дарахтга қўнибди. «Иккинчи сўзни айттил», — дебди сайёд. «Маҳол нарсаларга ҳаргиз ишонмагил», — деб сўйлабди чумчук. Сўнгра тоғнинг

устига кўниб, сайёдга бундоқ дебди: «Эй, бадбаҳт агар мени сўйганингда, корнимда ҳар бири йигирма мисқол келадиган икки марварид бор эди, бойиб кетардинг, ҳаргиз факирлик кўрмасдинг». Сайёд бармоғини тишлабон афсус-надоматлар чекибди ва сўрабди: «Энди учинчи сўзни айттил». Чумчук бундоқ жавоб қилибди: «Аввалиги икки сўзни унугтан сен, нодон, учинчисини нима қиласан? Утганга ғам ема, маҳол нарсаларга ишонма деб айтмабмидим сенга? Менинг патларим билан гўштим ўн мисқол ҳам чиқмайдику, қандай қилиб икки марварид — қирқ мисқол нарса мұъжаз корнимга жо бўлсин ахир?! Шундай бўлган тақдирда ҳам қўлдан кеттан нарсага ачинмоқдин не суд?». Шу сўзларни айтибдию чумчук учиб кетибди.

* * *

Ибн ас-Симок (раҳматуллоҳи алайҳи) бундоқ деган эканлар: «Тамаъ бўйиндаги сиртмоқ ва яна оёқдаги занжир эрур. Бўйнингдаги сиртмоқни чиқариб ташла, токи оёғингнинг бандлари ҳам ечиласин».

* * *

Али (розияллоҳу анху) айтдилар: «Сабр бирлан имон мисоли бош бирлан тан эрур: кимдаки бош йўқдир, тан йўқдир ва кимнингким сабри йўқдир, имони йўқдир».

* * *

Иброҳим ибн Адҳам (раҳматуллоҳи алайҳи) нақл қиласидилар: «Бир куни ёлриз саждада эрдим, ёмғир ёғарди, Ҳудога: «Парвардигор, мени маъсиятдан ўзинг асраргин, гуноҳ ишлардан ўзинг паноҳ бергил» деб илтижо қилдим. Шу маҳал Қаъбадан бундоқ овоз келди: «Сен қарам истарсен ва жамийки бандалар ҳам шуни ходларлар, агар ҳаммани мен гуноҳдан форир этсан, унда фазлу раҳматимни кимга кўрсатурман?»

* * *

Расуллурроҳ соллаллоҳи алайҳи вассалам айтдилар: «Менга беҳиштни кўрсатдиларки, ахли жаннатнинг қўпчилиги дарвешлар эрди, дўзахни намоён этдиларким, унда бойлару зўравонлар бисёр эрди». Яна ажабландиларки: «Жаннатда аёллар камчил экан, сўрадимки, алар қайдалар?» Жавоб бундоқ бўлди: «Аёлларни бу дунёнинг зебу зийнатлари банд этиб қўимиш».

* * *

Аҳмад ибн Ҳанбални бир солиҳага уйлантираётгандарида ул кишига шундоқ дедилар: «Бул заифанинг ўзидан ҳам оқилароқ синглиси бордур, лекин бир кўзи кўрдир». Аҳмад ибн Ҳанбал шунга уйландилар.

* * *

Бир куни Зулайх юсуф алайхиссаломни ҳузурига чорлаб, ул эот ҳозир бўлганда, ўзи сиринадиган бутнинг устини ёпиб қўйди. Буни кўриб Юсуф алайхиссалом айтдилар: «Сен бир тошдан уялмоқдасан, мен ҳамма нарсани кўриб турган еру осмонларнинг Яратгувчисидан нечук уёлмайин?»

* * *

Абдуллоҳ ибн Динор шундок нақл қиласилар: «Умар ибн Хаттоб (розияллоҳу анху) бирлан Макка йўлида кетиб бораардик, бир манзилга етдикки, бир қулчўпон төрдан қўй хайдаб тушарди. Умар ундан сўрадилар: «Кўйларингдан биттасини менга соттил». У бундок жавоб берди: «Мен бор-йўғи бир қулман ва бу қўйлар менинг мулким эмасдир». Умар яна сўрадилар: «Хўжанита қўйни бўри еб кетди деб айтгил, билиб ўтирибдими?» Кул жавоб берди: «Хўжам билмаса, Худо билади-ку?» Умар йирладилар, хўжасини чақириб, қулни сотиб олдилару озод қиласилар ва айтдилар: «Ушбу сўзинг сени бу дунёда озод қиласан эрса, мени у дунёда озод этгай, иншооллоҳу таъоло».

* * *

Абу Сулаймон Дороний айтибурлар: «Тафаккур бу дунёда охират хижобидур ва охиратда тафаккур — анинг самари — хикматдиру күнгиллар тириклигидир».

* * *

Иброхим Адхам рохибларни кўриб «Ош-нонни қайдан топиб ейсизлар?» деб савол бердилар. Алар жавоб беришли: «Буни биэга риэқ бергандан сўрагилким, ушбу илмдан биз бехабармиз». Яна бирордан сўрадилар: «Ҳар доим ибодат бирлан машғулдурсен, нонни қандоқ топурсан?» Ул киши тишлигини кўрсатиб жавоб берди: «Тегирмонини берган буғдойини ҳам юборгусидир».

* * *

Мусо алайхиссалом сўрадилар: «Эй, Парвардигор, bemорликни ким берар ва солимлик кимдан?» Ҳақ таоло жавоб берди: «Икковини ҳам мен буюурман». Яна сўрадилар: «Унда табиблар на ҳожат?» Жавоб бундоқ бўлди: «Табиблар мен берган риэқ-рўздан кун кўргайлар ва менинг бандаларимни даволаб, шод этгайлар». Демакким, бунда ҳам таваккул илм бирлан ҳолдадирким, дорига эмас, балки уни яратганга умид қилмоқ керак, зоро кўп кишилар дори ичиб, ўзни ҳалок этгайлар.

* * *

Расууллох соллаллохи алайхи вассалам айтдилар: «Бу дунёда уч нарсаны менга дұст этдилар: бири — аёллар, иккінчіси — муаттар хидлар, учинчіси — намоз пайти күэзимнинг равшанлиги». Ул зот ҳаммасидан ҳам намозға күпроқ вакт сарфладилар.

* * *

Мусо алайхиссаломга қазо етгач, Ҳақ таъоло ул зотдан сўради: «Үлим пайти ўзингни қай ҳолатда кўрдинг?» «Жавоб бердилар: «Тириклайнин қовурилган қуш янглиғ учаримни ҳам, ўларимни ҳам билмайман, ҳар тикони бир томирга қадалган сертикон шохни кудратли киши тўним ичидан тинимсиз юлқиёттани янглиғ аэзбни кўрдим».

* * *

Яхё ибн Мутьоз Розий бир кун минбарга чиқдилар, тўрут минг киши унда ҳозир эрди, қарадилару минбардан тушиб кетдилар. Сўнгра айтдиларки: «Мен истаган киши бу ерда йўқ экан». Ул киши яна бундоқ лутф қилдилар: «Ҳар кимки тушида йигласа, таъбир булдурким, ҳушида кулгайдир. Сен дунё уйқуси учун йиглаги, токим охират бедорлигига шод ўлғайсану кулгайсан».

* * *

Абулқосим Жунайд дебдиrlар: «Оллоҳга дўст бўлганларнинг кўнглига Оллоҳ ўз сирини жойлайди ва Парвардиgor мол-дунёга тутинганларнинг дилига бу давлатни ҳоргиэ раво кўрмагайдир».

* * *

Ибн ато бундоқ демишлар: «Ҳар ким ўзини суннат одоби ила ораста этса, Ҳақ таъоло унинг кўнглини маърифат нури бирлан мунааввар эттай».

* * *

Абулҳасан Бушинжийдан сўрадилар: «Тасаввуф на-дир?» Ул зот бундоқ жавоб бердилар: «Ул булдурким, букун исми бору ўзи йўқ ва бундан аввал ўзи мавжуд эрдию исмсиз эрди».

* * *

Абу Исҳоқ Гозируний бундоқ ҳикмат айтибурлар: «Мўмин киши то дунё лаззатидан кечмагунча, Ҳақ таоло зикри лаззатини тополмайди». Яна айтмишлар-ким: Ҳақ таъоло ҳар бандага бир ҳадя берди, менга эса муножот лаззатини ато этди».

Мавлоно Жалолиддин Румий

Газаллар

* * *

Эй юэимни даҳо аро мисли камар қилган ўзинг,
Банд-бандим сўйлатиб, аҳли назар қилган кўзинг.
Эй шамолингдан дарахтим рақс айлаб, ўйнаган,
Номинг айтсан, оғзими шаҳду шакар қилган сўзинг.
Сен билурсанки дарахтим не учун рақс айлагай,
Барг бердингми самар ё бесамар қилган ўзинг?
Баргидин ҳам бир нишон йўқ, мевасидин —

бир нишон,

Эй дарахтим сабрини зеру забар қилган ўзинг.

* * *

Гул каби гулшан томон кетмоқдасан,
Сендаман мен, сен қаён кетмоқдасан?
Лолу гунг бўлди сени савсан кўриб,
Гулрухим, савсан томон кетмоқдасан.
Майфуруш икки лабингдин, эй санам,
Бергали мастрларга жон кетмоқдасан.

Дилраболар ортинга юлдуз мисол,
Сен тўлин ойсан, жаҳон кетмоқдасан.
Ўзга бир оташ ёкурсан ҳар кима,
Тошми темирдил — никон кетмоқдасан.
Мен сенинг зарранг бўлиб ракс айлагум,
Эй қуёш, равзан томон кетмоқдасан.
Сурма янглиғ кўэга соглайман сени,
Эй дил, эй дил, беомон кетмоқдасан.

* * *

Бир сонияда мени гулистон қиладир,
Бир сонияда яна зимистон қиладир.
Бир сонияда фозилу устод айлар,
Ёш бола мисоли яна нодон қиладир.
Бирпасда уриб тош, мени синдирадир,
Бирпасда яна мисоли султон қиладир.
Бирпасда офтоб била teng айлар,
Бирпасда қаро туну шабистон қиладир.
Тутдим этагидин икки қўлим бирлан,
Токи кўройин деб, не достон қиладир.
Хуш дардининг майига менман қадаҳ,
Гарчи мени мастрларга хон қиладир.
Шул-чун шакаридан оладирман тун-кун,
Токи лақабимни шакаристон қиладир.

* * *

Дилбарим қилгай вафо андаккина,
Чиқди хүш айлаб садо андаккина.
Менга бир кулди кеча ул навбаҳор,
Бўлди рўэгорим зиё андаккина.
Оқ атиргул чиқди хандон айлабон,
Бўлди борим хушнаво андаккина.
Ул нафис тонгим манга берди нафас,
Шул нафасдин мен адo андаккина.
Оқ булатим қўнди дарё бўйига,
Хок бўлгил, мен — само андаккина.
Мен ёғай ёмғир бўлиб, гуллар очиб,
Бўлки, мен бергум сафо андаккина.
Менга муҳлат бергил, ўздин кетмагил,
Сабр айлай, дилрабо, андаккина.
Коғир ўлгайман, анинг ишқида гар
Сабр қилсам, эй Худо, андаккина.

* * *

Дилимнинг дардини ҳаргиз хувайдо айлаюб бўлмас,
Бу кўксим ичра бир сир бор, ки пайдо айлаюб бўлмас.
Сенинг ҳуснинг бизим кўзларга токи тола нур бермас,
Жамолинг борида асло тамошо айлаюб бўлмас.

Сени то сўйламаскан тил, умрлар ўтса ҳамки бил,
Сенинг лаъли лабингдан бир таманно айлаюб бўлмас.

Бу оламда факат танҳо сенга юэ бурмагунча то,
Сенинг чехранг билан дилни мусаффо айлаюб бўлмас.

Мехро нуринг қилиб ифшо, ки ишқ майхонасиdir бу
Масихо даҳорининг таркини асло айлаюб бўлмас.

Бутун олам тиник кўэгу, ки ишқ майхонасиdir бу
Маю ишқ мастилигин бир жойда барпо айлаюб бўлмас.

Агар ошик дилидан ким хабарсизdir, шуни билким,
У шайдоликни билмайдур ва шайдо айлаюб бўлмас.

Бу олам узра гар Ийсо чиқиб келмас экандир то,
Бу гумбаз узра бир сайру тамошо айлаюб бўлмас.

Лабининг бодасидиниким қўйибdir Шамс қалбига,
Букун бир қатрасини ҳам ҳувайдо айлаюб бўлмас.

* * *

Кел эй, жонимга жононим, уйинг қайдা, уйинг қайдада?
Кел эй, дардимга дармоним, уйинг қайдада, уйинг қайдада?

Ўзинг манзурсану нозир, ўзинг пинҳону ҳам ҳозир,
Сен эй, пайдою пинҳоним, уйинг қайдада, уйинг қайдада?

Мени маҳжур этурсан ёр, ғам ичра йиглаюрсан зор,
Сен эй, сен моҳитобоним, уйинг қайдада, уйинг қайдада?

Үзинг жонсан, үзинг жонон, үзинг ҳусн аҳлига султон,
Сени дерман, сени жоним, уйинг қайда, уйинг қайда?

Мусалсал¹ зулфларинг хайҳот, дилимни айлади барбод,
Үзинг шоҳ бирла султоним, уйинг қайда, уйинг қайда?

Кел эй, сен Шамси Табрезий, тун оқшом ё сахар кези,
Даф айла фитна бурҳоним,² уйинг қайда, уйинг қайда?

Кара, арш томига кетдим, сенинг завқинг ҳадис этдим,
Үзинг жон бирла жононим, уйинг қайда, уйинг қайда?

* * *

Газал айт ёрга, эй мутриб, ки эй ёр, тавбалар қилдим,
Агар ҳар гулки уздим, тилди бир хор, тавбалар қилдим.

Ишимдин гоҳи маст бўлдим, хуморидин гаҳи ўлдим,
Гаҳида зор бўлдим, гоҳи безор, тавбалар қилдим.

Манинг бўйнумгача бошдин оёғим тавбадин тўлди,
Килинган тавбалардин қайта минг бор тавбалар
қилдим.

Кел эй сен, майфуруш келким, қўлимга соғаринг
берким,

Кечибмен, ору номус ҳам на даркор, тавбалар қилдим.

¹ Мусалсал (араб.) — занжир-занжир, ҳалқа-ҳалқа соч.

² Бурҳон (араб.) — далил, ҳужжат, гувоҳ.

Чунон мастдирману бөхүш, на тил бордир, на аклу хүш,
Сиз эй, иссиқ билан совук, суву қор, тавбалар қилдим.

Дилимни поралар қилдим ғамимга чоралар истаб,
Ғамимга чорасизлик чора, ночор тавбалар қилдим.

Түлин ойнинг жамолидин қаро кечамни хүш айла,
Гуноҳларни бу завқдин мўлу бисёр тавбалар қилдим.

Дедимки тавба вактидир, менга бир хор киши айтди:
Ки мен бир кўхна тоибман,¹ умр бор —

тавбалар қилдим.

Салоҳиддин улусидин келиб мункир сўрар ишқдин:
Бу ишдин қил мени соқит, қил инкор, тавбалар қилдим.

* * *

Лабинг шаҳрига бир кунга мени мир айласанг эрди,
Лабингнинг лаълидин жонимга такрир² айласанг эрди.

Паришон зулфларингни тушда кўрган кечадин
бошлаб,

Паришондирману ҳайрон, таъбири айласанг эрди.

Жаҳон оқилларини зулфларинг девоналар қилди,
Ўшал зулфларни бир бор менга занжир айласанг эрди.

¹ Тоиб (араб.) — тавба қилувчи.

² Такрир (араб.) — қарор бериш.

Фамингдин күэларим икки тифлдай¹ онча йиғларким,
Сен, эй сен, тошбагир, баарнингни тақдир айласанг эрди.

Чиройинг Каъбаси йўлида эҳроом бойламишман, кўр,
Неча талбия айтдим, бир такбир айласанг эрди.

Дилим кексайди, эй хушбахт сарв, дарду ғаминг бирла,
Анга эргашмадинг ҳаргиз, ани пир айласанг эрди.

Сенинг ғамзанг ўқидин бежароҳат қолмади бир дил,
Мени ҳам ул арода барчага бир айласанг эрди.

Ки ҳуснинг оятидин бори ақлим ҳам тамом ўлди,
Карам айлаб ул оятдин тафсир айласанг эрди.

Неча жонларни олдингу неча жонларни зор этдинг,
Бу ишда, эй санам, раҳму карам бир айласанг эрди.

Мени ўлдиргали етдингу муҳнат бермадинг бир он,
Туганмас нолаю зоримни охир айласанг эрди.

Сенинг ишқингни ўтида куйиб бўлди дилим буткул,
Бу дардимнинг давосига табошир² айласанг эрди.

Фаму ҳажринг билан охир буқун мен ўлгали етдим,
Менингдек хастага, эй ёр, тадбир айласанг эрди.

¹ Тифл (араб.) — гўдак, ёш бола.

² Табошир (форс.) — Ҳайзарон номли ҳинд қамишидан олинадиган оқ доривор модда.

Юэинг офтоби бирла бирлашибдир ул Эухал эулфинг,
Килибдир неча қиррингларки, таъсир айласанг эрди.

Юэимни останангта суребир нолалар қилдим,
Бу хижрон қиссасидин қисса таҳоир айласанг эрди.

На ҳам дердим, сенинг бир эскидан қолган

кулингдирман,
Мени күнгил уйингда қайта тасвир айласанг эрди.

* * *

Дилга кетдим, дилга кирдим бир замон,

Дилни ҳолидин топай деб бир нишон.

Уз дилим ахволидин олсам хабар,

Тушмиш ундан бу жаҳонга зўр фифон.

Мен ҳакимлардин эшитдим қиссалар,

Шаҳро водийларда ҳам — кўп достон.

Барча фарёд айлади дил дастидан,

Бу ҳадисдан кўнглима тушди гумон.

Дил сари қилдим сафарлар тинмайин,

Кўрмадим лек холи дилдан бир макон.

Оқибу орифлар ичра бирма-бир

Айланаркан дил мисоли таржимон.

Дилни дил султонлари билгай фақат,

Бехирадлар¹ қадрини билмиш қачон?

¹ Бехирад (форс.) — бехирад, нодон

* * *

Жоним менинг, жоним менинг, эй куфру иймоним
менинг,

Сен истасанг тавхар бўлур бошди-оёқ коним менинг.

Куфримни иймон айласанг, жисмим тўла жон айласанг,
Дардимга дармон айласанг, эй дарду дармоним менинг.

То биэга согайсан назар, нур айла бу хоки башар,
Овоз бергил сарбасар,¹ мен — сену, сен шоним менинг.

Сенда ниҳон минг бир сифат, накш ила аксинг
беадад,

Мол бермасанг ҳам майлига, болинг тўла жоним
менинг.

Шохона жомдин сокиё, менга шароб тут бериё,
Гар тутмасанг — шулдир жазо, ер бирла яксоним
менинг.

Бу жон ўшал кондин келур, пешвоз султондин келур,
Қайтиб ватандин ҳам келур, гар етса бурхоним менинг.

Хомуш бўлойин бул замон, ҳеч кимга қилмай бир
фиғон,

Ким Шамси Табрезий келиб, нурланди айвоним
менинг.

¹ Сарбасар (форс.) — бутунлай, бошдан-оёқ.

* * *

Бу хилват уйда биз бирлан бу кеч дилдор тебрангай,
Дилим күксимда рақс айлар, эшик, девор тебрангай.

Бу шодлик ғул-ғули зўрким, бу ошиқ аҳлини кўрким,
Агар минг наъра уйғонгай, бу дил бир бор тебрангай.

Ҳакикатдир, буни кўрким, бу ишрат мажлиси ичра
Шахидлар бор — ёттайлар, шахидлар бор —
тебрангай.

Унинг акси жамоли гар кўринса тўкиз айвондин,
Замин гардун мисоли айланур, даввор тебрангай.

Тошиб ўйнайди дарёлар унинг шавқи жамолидин,
Адиirlар, төвлару тошлар қилиб изҳор, тебрангай.

Бу кўнгил мисли гул япроқ, анга бир ел солур титроқ,
Бу ҳолат бирла гуфтордин бўлиб хуштор, тебрангай.

Бу дунё ҳалқини кўргил, дили кар ҳам дили кўрдир,
Шунинг-чун зоҳиду обид била асрор тебрангай.

Ғалат айтдим бу маънидин, ки зоҳид бирла обидмас,
Бу мажлис ичра ул роҳиб ила зуннор тебрангай.

Тилимни тийдим, эй дўстлар, бу гап бир жойга
етгай гар,
Бу шахру кент, борлик — барча мажнунвор тебрангай.

* * *

Боргил, дили хушларга айт, маstлар салом айтмоқдалар,
Хам күлдаги қушларга айт, маstлар салом
айтмоқдалар.

Ул мир каби сокийга айт, маstлар салом айтмоқдалар,
Умри узун, бокийга айт, маstлар салом айтмоқдалар.
Ул шүр ила ғавғога айт, маstлар салом айтмоқдалар,
Хам суд ила савдога айт, маstлар салом айтмоқдалар.
Э ой, юзингдин ой хижил, маstлар салом айтмоқдалар,
Эй роҳату ороми дил, маstлар салом айтмоқдалар.
Эй жонга жон, эй жонажон, маstлар салом

айтмоқдалар,
Эй сен — буёну, минг — ўён, маstлар салом
айтмоқдалар.

Эй орзу, эй орзу, маstлар салом айтмоқдалар,
Эй парда ичра орази, маstлар салом айтмоқдалар.
Эй сенга юз султон фидо, маstлар салом айтмоқдалар,
Кўйида ой обу адo, маstлар салом айтмоқдалар.
Эй борни йўқ қилган ўзинг, маstлар салом

айтмоқдалар,
Тингла бу маstнинг ҳам сўзин, маstлар салом
айтмоқдалар.

* * *

Эй жаҳон, ээди мени савдоларинг, савдоларинг,
Килди талх умримни бу ҳалволаринг, ҳалволаринг.

Марвариду дуру лаълдин тӯладир чарх этаги,
Сенга бергай берини — савғоларинг, савғоларинг.

Сел бўлиб кетмоқдадир ошиқларининг жонлари,
Чорлагайдир ул сенинг дарёларинг, дарёларинг.

Кеча берган майларингдан мен букундириман хароб,
Эрта нелар кўргизур даъволаринг, даъволаринг?

Мен ўзимнинг содда жонимга туриб боқсам буқун,
Рангини қилмиш сариқ сафроларинг, сафроларинг.

Гавҳарингнинг завқин истаб айладим дилдан назар,
Ойда кўринди сенинг сиймоларинг, сиймоларинг.

Мен сени ой деб хато қилдим, ғалат айтдим сухан,
Сен киму ой ким — бўлур ҳамроларинг, ҳамроларинг?

Шамси Табрезий шунинг-чун айтур ўз номинг билан,
Эй мудом кўнглим аро ғавғоларинг, ғавғоларинг.

* * *

Йўқ бўлишда йўқ бўлиш — диним менинг,
Борлик ичра йўқлик — оиним¹ менинг.

Дўст кўйига яёв кетмоқдаман,
Чарх тулпориндадир зиним² менинг.

Юз жаҳон кўргум агар бир лаҳзада,
Бўлгай у илк сайру сайроним менинг.

Мен нечун кезгум жаҳон дўст ахтариб?
Дўст — жоним ичра, ул — жоним менинг.

Авлиёлар фахридир Шамсулҳаким,
Тишларининг сини Ёсиним³ менинг.

* * *

Тебранур ҳар битта шоҳ, лек ўзга шоҳдин меваси,
Ҳар киши бир ўзга майдин маст бўлиб тебрангуси.

Парда ичра икки юз хотин юзин йиртар, валек
Ҳар бири гар бир аёлдир, ўзга жуфтнинг беваси.

¹ Оин (форс.) — расм, одат, тарз.

² Эзин (форс.) — вгар.

³ Син (араб.) — араб алифбосидаги «син» ҳарфига ишора. Куръони каримдаги «Есин» сураси.

Ҳар балиқнинг танглайи сайёд қармоғиндадир,
Янграюр гоҳ ул балиқ, гоҳ бул балиқнинг ноласи.

Мутриби ишқ аҳдини, эй Шамси Табрезий сени,
Ҳеч қачон йиғлатмасин чархнинг ажиб бу шеваси.

* * *

Эй кўнгил, жонон томон кетмоқдасан,
Ким назарлардан ниҳон кетмоқдасан.

Ой мисол чок айлабон кўйлакларинг,
Офтоб, осмон томон кетмоқдасан.

Эй заминда ўлтирурсан, аслида
Етти ул айвон томон кетмоқдасан.

Суратингдир бунда меҳмонлар билан,
Энг буюк мезбон томон кетмоқдасан.

Энг буюк наққошдадир ул мўйкаlam,
Нақшу сурат ичра жон кетмоқдасан.

Сувдайн кетмоқдасан тупрокка сен,
Эй ҳаёт, бўстон томон кетмоқдасан.

Бу жаҳондан ғам чекиб оламжаҳон,
Чарх уриб, ракс айлабон кетмоқдасан.

Қанча эл ғафлатда ёттай ноаён,
Барча элдан ноаён кетмоқдасан.

Холимиэни кўргилу еткىэ хабар,
Ким буюк султон томон кетмокдасан.

* * *

Кеттуси ақлу ҳушу тан бирла жон, сен кетмагил,
Менга мендин сен аэизроқ, сен ишон, сен кетмагил.
Офтоб бирлан фалак — бори сенинг соянгдадир,
Кетса гар бул офтобу осмон, сен кетмагил.
Эй каломинг пок ҳам табъи латифдин ҳам латиф,
Кетса гар овзиимда тил, табъи равон, сен кетмагил.
Жумла иймон ахлининг әнг сўнгти дамдин хавфи бор,
Кетмагил, эй бори иймон, кол омон, сен кетмагил.
Кетмагил, кетсанг, менинг жонимни ҳам ол биргаким,
Сен агар менсиз кетурсан — ҳеч қачон сен кетмагил.
Бор билан бўстон әрур сен бирла бу рўйи жаҳон,
Бўлса гар бул боғу бўстонлар хазон, сен кетмагил.
Тош дилимни мен куйиб сун айладим, ҳажринг била
Тошга айланди Бадахшон лаъли, кон, сен кетмагил.
Заррадир гар кимса, айтур: кетмагил, эй офтоб,
Банда бўлса, айтур ул, эй султон, сен кетмагил.
Лек сен оби ҳаётсан, бори ҳалқардир балиқ,
Эй камолу раҳмату, эй эҳсон, сен кетмагил.
Бу менинг кўнгил туморим мангаликдин ҳам уэун,
Сен ўзинг ёздинг уни, қилдинг баён, сен кетмагил.

Сен ўэинг юз мингта байт, юз минг разалдин хам
баланд,

Үн саккиз минг оламу юз минг жаҳон, сен кетмагил.

Шамси Табрезий сенинг лаъли лабинг бирла хаёт,
Эй хаёт, мен бирла қол, эй жонга жон, сен кетмагил.

(«ДЕВОНИ КАБИР»)

Хоғиҙ Шерозий

Fazallar

* * *

Гум бўлиб кетган Юсуф Канъонга¹ келгай, ғам ема,
Фам уйи бир кун мунаvvар онга келгай, ғам ема.

Шод бўлғай бу қўнгил бир кун, қўнгилни бузмагил,
Юксалиб бошинг яна осмонга келгай, ғам ема.

Гар бу гардун икки-уч кун биз учун эврулмади,
Бир куни бу дарду ғам яксонга келгай, ғам ема.

Келгай ул умринг баҳори, гул ёпингайсан яна,
Булбуло, боғу чаман тутёнга келгай, ғам ема.

Парда ичра бир ниҳон найранглар асрар ғайбким,
Сенгаму ё менгаму — қай жонга келгай, ғам ема.

¹ Юсуфи Канъон — Канъонлик Юсуф. Юсуф алайҳиссалом. Мәълумки, Юсуфни ўз туғипган акалари мисрлик саводогарларга сотиб юборган здилар. Бу ўринда шунга ишора қилинмоқда.

Қасри бунёдингни, эй дил, гар фано сели¹ йиқар,
Нұх² паноҳинг бўлса гар — тўфонга келгай, ғам ема.

Каъба шавқи бирла гар кечсанг биёбонларни зор,
Қанчалар хору тикон исёнга келгай, ғам ема.

Қисмат ўлмиш биэга ёр жабрию ағёр миннати,
Бу хабарлар барибир Яздонга³ келгай, ғам ема.

Кимки сарсон бўлдию оламда бир дўст топмади,
Ул етишгай дўсттаю жавлонга келгай, ғам ема.

Гарчи мақсад ноаёну йўл — хатар, манзил йирок,
Барча йўллар охири поёнга келгай, ғам ема.

Хофиэ, бу фақроу хилват кечаларнинг қўйнида
То тилинг айтар, дилинг Куръонга келгай, ғам ема.

* * *

Эйки, пистанг ханда урмиш қандларга беомон,
Зору муштоқман, ширин бир кулгу қилғил армурон.

Шаккарин лаблар била лутф айлаганда биэнни ёр,
Писта, бас, хандонлиғингдин қолмади ному нишон.

¹ Фано сели — ҳалок қуловчи сел, тошқин. Тасаввуфда Ўзалиқдан кечиш, йўқ бўлиш.

² Нұх. Нұх тўфони — Нұх алайхиссалом кўрсаттан дақ йўлга кирмаганлари учун унинг қавми Оллоҳ томонидан даҳшатли тўфонга дучор қилинган. Бу тўфонда фақат Нұхга аргаштамларгина смон қолган.

³ Яздан (форс.) — Ҳудо.

Истасанг гар юзларингдин оқмасин қон селлари,
Сен күнгил берма бирвлар сұхбатига ҳеч қачон.

Гоҳида зулфинг очиб, гоҳ айлагайсан хандалар,
Худписандлар бирла биз йўлдош эмасдурмиз, ишон.

Қоматинг олдида ҳатто тўбилар¹ ҳам лолдир,
Кечмишам бул қиссадин мен, то сухан бўлсин равон.

Ким хабардор ўлгуси ошифта ҳолимдин менинг,
Улки күнгли тушмамишdir бул камандга бир замон².

Ёнди шавқ бозори, лекин қайда ул юз отashi?
Токи жонни ул юза испанд² килойин бегумон.

Ҳофизо, сен нозанинлар ғамзасидин кечмадинг,
Қайда йўл, билдингми, сенга? Ҳоразм, Ҳўжанд томон.

* * *

Бода бергил соқиё, гулнинг замони келди-ку,
Гул ичинда тавба синдумрак авони³ келди-ку.

Айла түғён ҳар тиконга қасдма-қасд, бўстондаким
Бизга ҳам гул ичра булбул ошёни келди-ку.

¹ Тўби (араб.) — динда жанинат дарахти деб фараз қилинган гўзал дарахт. Мажозий: келишган қомат.

² Испанд (форс.) — ҳозораспбанд. исирриқ.

³ Авон (араб.) — пайт, вақт.

Бу чаман саҳнида ичгил боданиким, дил аро
Тоза оятларни айтиб гул забони келди-ку.

Гул чаманга етди, лек бўлма фироқдин бехабар,
Ер иста, иста май деб гул фирони келди-ку.

Хофизо, булбул каби гул васлини истар эсанг,
Йўлига бўлгил фидо — гул борбони келди-ку.

* * *

Сочингни гулни баргига, аё дилбар, ниқоб айла,
Юзинг беркиттилу оламни ҳам бирдан хароб айла.

Ўшал мааст наргисингни ишва бирлан уйқудин уйғот,
Чаман ичра гўзал наргисни рашкингдин азоб айла.

Юзингдин терни сачратгил бу бор атрофидин ҳар ён,
Бизим кўэлар мисол ҳар битта гул узра гулоб айла.

Бинафша исларин тинглаб, нигорнинг зулфларидан тут,
Назар қил лоланинг рангигаю азми шароб айла.

Сенга одат әрур ошиқларингни ўлдуруб юрмок,
Дилиминг қонини ғамзанг қиличига ҳижоб айла.

Сенинг феълинг била баҳтимни мен чин дилдан
 ўргандим:

Берурсан май рақибларга, менга эрса итоб айла.

Дуонинг йўлидан **Хофиз** висолга етмоқ истайдур,
Илохи, хастадилларнинг дуосин мустажоб айла.

* * *

Ёрга ошиқман, менга куфр ила иймонингни қўй,
Мен шаробни ташнасиман, васлу **хижронингни** қўй.

Дилбаримнинг лабларидан бир тириклик топмадим,
Шул сабаб, жоним, менга жон бирла жононингни қўй.

Ишқ ароким ўлмишам — даврон амирин найлайин?
Бенаво, бечорадурман, бегу султонингни қўй.

Менга дилдор кошларидан битта меҳроб бўлса бас,
Дилга шул давлат етар, кўп баҳсу достонингни қўй.

Икки олам ичра менга Ёр аскотгай фақат,
Жаннату дўзахни қўйгил, хуру филмонингни қўй.

Мардларнинг суратин қўй, сийратин сен сайлагил,
Марди ошиқ бўлсанг ул суратли айвонингни қўй.

Масту ошиқсан агар такрор айттил, **Хофизо:**
Ёрга ошиқман, менга куфр ила иймонингни қўй.

* * *

Кемамиэни келгили солгил шароб дарёсига,
Кексаю ёшларни хам солгил шу иш тавросига.

Ким демишлилар яхшилик қил, яхшиликни сувга сол,
Келгил, эй соқий, киришгил шу нақл ижросига.

Жом аро гулрангу хушбүй бодадин келтири менга,
Рашқдин куйсин гулоб, ўт сол анинг даъвосига.

Гарчи мен масти харобман, менга бир лутф айлагил,
Бир назар сол бу хароб дилнинг куюк сахросига.

Гар ярим тун ичра сенга офтоб юз кўргузур,
Ол ниқоб гулчехра қиздан, боқ анинг раъносига.

Ўлганимда, олгили, тупроққа топширмай таним,
Хумга солгил сен мени, солгил шароб маъвосига.

Қилча гар юз бурса сендан, олгили Ҳофиз дилин,
Олгили солгил ани ёр зулфининг савдосига.

* * *

Менинг бир мушкулим бор ўз дилимдан,
Вале бир сўз дейлмам мушкулимдан.

Менинг маҳзун бу жоним айтса бўлғай,
На қонлар истадим мен ўз дилимдан.

Колибман ортда карвонингдан, эй ёр,
Кетар, ёр, маҳмилинг¹ — дил маҳмилимдан.

Кезиб Мажнундайин чўлу биёбон,
Нишон бир топмадим ўз манзилимдан.

Менга бир йўл буюрмишлар азалдан,
Йирокман кемадай ўз соҳилимдан.

Бу йўлда неча дамларни ўқотдим,
Шу бахтим дастидан — ўз ғоғилимдан.

Бу манзилларда тупроқ бўлди Ҳофиз,
Бу тупроқлар — менинг обу гилимдан².

* * *

Йилларки риндалар мазҳабин жисмим аро жон
килмишам,
Ақлимин фатвоси била нафсимни зиндан килмишам.
Анқони истаб манзилин мен бир ўзим йўл юрмадим,
Йўлларда йўлдошимни мен мурри Сулаймон³
килмишам.

¹ *Маджил* (араб.) — карвонда тия устига ўрнатиладиган, асосан аёллар ўтирадиган усти ёпиқ кажава.

² *Обу гил* (форс.) — сув ва лой. Инсон вужудига ишора.

³ *Мурри Сулаймон* (форс.) — Сулаймон пайғамбарнинг қуши, ҳуд-ҳуд.

Абгор дилимга соя сол бир лаҳза, эй ганжи мурод,
 Кўркам бу уйни мен сенинг кўйингда вайрон
 килмишам.

Ўпмам дебон соқий лабин кўп тавбалар килган эдим,
 Нодонни доно деб атаб, энди пушаймон килмишам.

Мастлик билан ростлик азал устодининг изминдадир,
 Неки буюрмиш тангри: қил, мен ҳам ўшал он
 килмишам.

Олам яралгандан буён фирмавсни¹ килгайман тамаъ,
 Мен гарчи майни кўп ичиб, ишрат фаровон килмишам.

Картайганимда гул Юсуф сухбатлари бўлмиш насиб,
 Фам кулбаси — қалбимни сабрим бирла шодон
 килмишам.

Мен бир назал девонига йилларки қулман, не ажаб,
 Невчун ўзимни соҳиби девон деб эълон килмишам?..

* * *

Бу замон савдосига бир ҳадду поён кўрмадим,
 Арғувоний бода келтир, ўзга дармон кўрмадим.

Мардларга ишқу ошиқлик нишондир, ўзни топ,
 Бу шаҳарнинг шайхларида лек бу унвон кўрмадим.

¹ Фирдавс (араб.) — жаннат боғи.

Бир қадаҳ бахш этмади ҳеч ким, хумор ўлдим агар,
Оlam ичра дилни ахлидан бир инсон кўрмадим.

Бу қадаҳ офтобининг айшин баланд туттил мудом,
Чунки вакт толенини мен шоду хандон кўрмадим.

Сочи бирлан белининг шарҳини мендан сўрмаким,
Мен ўзимни ушбу анжуманда бир он кўрмадим.

Бул менинг икки кўзимга юэ минг афсусларки, мен
Бул ики кўзгу билан чехранг намоён кўрмадим.

Навниҳол қоматларинг кўзёшларимдан яшнади,
Сарвқадларни vale соҳилда меҳмон кўрмадим.

Ушбу дарё ичра, Ҳофиз, сен сафинанг¹ бирла қол,
Бундан ўзга сўз бисотини дурафшон² кўрмадим.

* * *

Ушбу турбатхонадан кетсам азиэ остонаяга,³
Аҳд қилдим йўл аро киргум яна майхонага.

Бу сафардан соғ-омон қайтсам ватанга мен агар,
Кайга борсам дўст бўлурман оқилу фарзонага.⁴

¹ Сафина (араб.) — икки маънода: кема, шеърлар тўплами.

² Дурафшон (форс.) — дур сочувчи.

³ Бу ўринда ўв уйимга деган маънода.

⁴ Фарзона (форс.) — оқил, доно.

Бу сулукнинг¹ сайридан кашф этганим ҳикмат шудир:
 Бир қулинг борбатда² бўлсин, бир қўлинг —
 паймонага.

Кон ютарлар ишқ әшигининг бари ошнолари,
 Нокас ўлгум гар шикоят айласам бегонага.

Ер зулфин занжирин бундан буён қўйвормирам,
 Ҳеч қулоқ солмасман энди бу дили девонага.

Кошларин меҳробини кўрсам агар бир бор яна,
 Саждада шукр айлагум, кеттум факат шукронага.

Сархуш ул дамки вазирнинг ҳукми бирлан, Ҳофизо,
 йўст билан майхонадин кетсанг чиқиб кошонага.

* * *

Бир дилбари жоним менинг олди дилу жоним менинг,
 Олди дилу жоним менинг бир дилбари жоним менинг.

Лаб берса жононим менинг жонлангуси жоним
 менинг,
 Жонлангуси жоним менинг лаб берса жононим
 менинг.

¹ Сулук (араб.) — ийл тутиш. Сўфийларда Ҳудога яқинлашиш йўли.

² Борбат (форс.) — чолру асбоби.

Фирдавси риэвоним¹ менинг дўст кўйининг
тупроғидир,
Дўст кўйининг тупроғидир фирдавси риэвоним менинг.
Кўнглим бу — хайроним менинг шайдою сайронинг
сенинг,
Шайдою сайронинг сенинг кўнглим бу —
хайроним менинг.
Юсуфи Кањоним² менинг ҳусн элининг подшоси
сен,
Ҳусн элининг подшоси сен Юсуфи Кањоним менинг.
Сарви гулистоним менинг хуш қадду бўйингдир
сенинг,
Хуш қадду бўйингдир сенинг сарви гулистоним
менинг.
Хофиз разалхоним менинг сўз ичра султоним менинг,
Сўз ичра султоним менинг Хофиз разалхоним менинг.

¹ Фирдавси риэвон (араб.) — жаннат боғи.

² Юсуфи Кањон — Кањонлик Юсуф. Диий адабиётларда айтилишича Оллоҳ таоло юз ҳисса ҳисндан тўксон тўккиз қисмини Момо ҳавога бериб, қолган бир қиссани яна ўнга бўлган. Бу ўн қисмдан тўккизини Юсуф алайхиссаломга ва қолган бир қисмини жами бани башарга берган. Шу сабабли Юсуф алайхиссалом ҳиснда тентсия бўлган. Бу ерда шунга ишора қилинмоқда.

* * *

Лола даврида қадаҳ ол, бериё бўлгил кўнгил,
Бир нафас гулнинг ҳидига ҳамзиё бўлгил кўнгил.

Йил бўйи бир тинмайин май ич демасман сенга ҳеч,
Май ичиб уч ой, тўқиз ой порсо¹ бўлгил кўнгил.

Ишқ пилинг гар сени шул ишга даъват айлагай,
Ичгили ҳақ раҳматин куттил, сафо бўлгил кўнгил.

Файб асрорига гар етмоқ тиларсан Жам² мисол,
Ул жаҳон жомига³ доим мубтало бўлгил кўнгил.

Фунча янглиғ гар тугундир кўхна дунё ишлари,
Сен баҳорнинг елидай мушкулкушо бўлгил кўнгил.

Бўлма ёр бегоналарнинг тоатига, тинглагил,
Хофизингдай риндаларга ошно бўлгил кўнгил.

¹ Порсо (араб.) — покдомонлик, ёмон ишлардан сақланувчи.

² Жам (форс.) — Эроннинг қадимий афсонавий подшоҳларидан.

³ Жоми Жам. Жоми жадонномо (форс.) — Жамшид жоми. Жамшидшоҳ ясат-тирган тиласимли жом. Дунёдаги ҳодисаларни кўрсатувчи жом.

* * *

Эй лабингдин битта сўз жоним аро жондин лазиз,
Ҳар на ширин бўлса оламда лабинг ондин лазиз.

Тишларинг сут қатрасию лабларинг кони шакар,
Бормикан оламда бу ширу¹ шакар кондин лазиз².

Дил кони бирлан жигарларнинг кабоби сен учун,
Келса гар май ҳам кабоб гул юзли жонондин — лазиз.

Лутфинг оллида тилимдан келди бир сўзлар латиф,
Лабларинг васфини айтсан барча достондин лазиз.

Дил ғизоси² дилраболар ҳуснидин бўлса агар,
Утгуси таъми лабу тил бирла дандондин³ лазиз.

Ҳофизинг жон ширасидинким пиширмиш ҳолвалар,
Лабларингнинг болин ўйлабдур дилу жондин лазиз.

¹ Шир (форс.) — сут.

² Ғизо (араб.) — овқат.

³ Данлон (форс.) — тиш.

* * *

Хуш рақамни гул юза гул юзли дилдор тортадур,
Худдики гул сахфасига гулни гулзор тортадур.

Етти қат хилват аро¹ пинхон кўзимни ёшини,
Сен олиб бозорга согунг, элни ошкор тортадур.

Ҳар замон мастона кўзлар бирла майгун² лабларинг,
Ишва айлаб, бизни хилват ичра хуммор тортадур.

Сен дедингки: сайдларимнинг³ ёнида бўлгай бошинг,
Ҳўп, дедим мен, ёр учун бошим бу озор тортадур.

Кошу кўзингта на тадбири айлагайман дил била?
Икки ёйким, битта бемор узра такрор тортадур.

Кел менинг ёнимгаким, асрой ёмон кўздин сени,
Тоза гулсан, этагинг ҳажрини бу хор⁴ тортадур.

Сен борурсан, икки ёндан — зулфларингнинг бўйлари,
Тонг елини ишлатурга икки маккор тортадур.

Ҳофизингта бу жаҳон неъматларидан не керак?
Тортадур май, бўйнига зулфини ул ёр тортадур.

¹ Етти парда — қадимий тиббиёт тасаввуринча кўзининг етти ҳавати.

² Майгун (форс.) — май рангли, қизил ранг.

³ Сайд (араб.) — ов қулингган, ўлжа.

⁴ Хор (форс.) — тикан. Хор бўлган.

* * *

Қайда васлинг муждаси, тан ичра жондин қўзғолай,
Жон қушиман, яъниким икки жаҳондин қўзғолай.

Ул ҳидоят ёмриингдан менга ҳам еткиз, Ҳудо,
Гард бўлиб кеттум, бу жисми нотавондин қўзғолай.

Гар мени бандам десанг, ишқинг билан жавлон уриб,
Ҳар гулу, ҳар бир хасу, кавну макондин¹ қўзғолай.

Қабрим уэра мутрибу май бирла ўлтиргилки, мен
Исларингдан маст бўлиб ҳар устухондин² қўзғолай.

Кексаман гар, ол мени тун ичра тор қўйнинграким,
Еш йигитдай тонг сахар сен меҳрибондин қўзғолай.

Кўйинга кўрсатма менга ул қабоҳат кунни, ёр,
То фалак жабру жафосию замондин қўзғолай.

Сарв қаддинг бирла қилғил менга ширин ишвалар,
Ҳофизингдай ўйнабон жону жаҳондин қўзғолай.

¹ Кавну макон (араб.) — борлик, дунё.

² Устухон (форс.) — сўнгак, суюк.

Александри Пушкини

МУҚАДДАС ТҮЙГУЛАР

* * *

Бизни азал-азал айлаган сехр,
Юрак озиклангай шулардан фактат:
Момо ўчокларга нисбатан меҳр,
Бобо мозорларга бўлган муҳаббат.

Инсон — шу муқаддас түйгуларга тан,
Уларсиз замин ҳам бўшаб қоларди.
Уларсиз бекадр бўларди ватан,
Худосиз меҳробга ўхшаб қоларди.

* * *

Кувгин кунларимда, гариб тунларда
Куръонни қироат айлардим такрор.
Юпанч фариштаси учиб келдию
Қўлимга тутқаэди ногоҳ бир тумор.

Үлмас оятларнинг зўр қудратидан
Қалбимда умидлар илдиз ёради.
Ундаги муқаддас калималарни
Илоҳий, нурли қўл ёзиб борарди.

* * *

Бекор, энди барчаси бекор,
Алданган дил истайдир ором.
Ўтди-кетди ёшлик бегубор,
Муҳаббат йўқ. Севги ҳам тамом.

Тутаб битди бетимсол ҳайрат,
Завқларимни ғамлар кўмдилар.
Ёш орзулар сўндилар абад,
Юрагимда ўлди умидлар.

* * *

Дунёда бор орзу-истакдан кечиб,
Қаърида қолсайдим қароғларингни.
Жонимдан дарду ғам либосин ечиб,
Ўпиблар ётсайдим оёқларингни.

Барча хоҳишларга қўл силтаб шодон,
Дилга тўлдирсайдим қучоқларингни.
Сен такаллум қилсанг севгидан хандон,
Мен ўтиб ётсайдим оёқларингни.

* * *

Бизнинг тажрибамиз, ақлу зекомиз,
Қалбу руҳимизу, ному дахомиз —
Асли биз кечирған балолардирлар,
Бизлар тортган жабру жағолардирлар.
Яңиким, барчаси дилбандлариңидир,
Оғир хатоларнинг фарзандлариңидир.

* * *

Бир умр ўзидан шодумон, мамнун,
Сакраб ва иргишлаб яшади маймун.
Охири — қуринг-да сиз буёғини:
Синдириб қўйди у ўз оёғини.
Шоир, сен ўзингни асрай ҳам билгил,
Кексайған чорингда сакрайвермагил.

ҚУДРАТ

Шерга айтди фил уни хавфдан этиб огоҳлар:
«Бош қўтармиш бир неча боши бузуқ гумроҳлар».
Айтди шер: «Тинчир бари гар ёлларим бир

силикисам...»

Қўрқмагай хавфу хатардан қудрати бор шоҳлар.

КУЧ ВА КУЧСИЗЛИК

Бургут лочинни ейди, лочин қўймас какликни,
Тимсоҳдан қўрқиб яшар не-не жонзотлар шўрлик.
Қоплон бўрини ғажир, бўри ямлар тулкини,
Бу дунёни бошқарган азал куч билан зўрлик.

КАСАЛХОНА ДЕВОРИГА БИТИК

Бир бемор ётибдир — ахволи оир,
Ҳеч ким билмас бироқ қаери оғрир.
Бу — қисмат савдоси, тақдир жафоси,
Мухаббат дардининг йўқдир давоси.

* * *

Ўрмонлар, ўру қир бунчалар мунглиғ,
Кун бир қўринган сўнг тун чўккай шу он.
Кейин кечга қолган йўловчи янглиғ
Тинмай дарчамиэн қокқайдир бўрон.

* * *

Гулэор аро тароватта тўлди бу гул,
Гуллар аро гуллар шоҳи бўлди бу гул.
Сен дилбарнинг кўкрагида бир лаҳзада
Сийналаринг оловидан сўлди бу гул.

* * *

Киэман деб ҳар шеърда чинқирмоқ нечун?
Дилга сүз экмоққа ер даркор эмас.
Эй куйчи гулоим, гапимга тушун:
Сенга эр керакдир — шеър даркор эмас.

* * *

Кўпларга лабларинг, оғушинг тутиб,
Эй дилдор, сен ҳали чидайсан кўпга.
Сени суйибманми мен қонлар ютиб?
Сен аёл эмассан, сен ахир — юбка.

* * *

Сиз гўзалсиз, фитнаю нозу адолар сиэда жам,
Бир ибоси — неча кўнгилларни қийратгувчи гул.
Сизни ким севгай агар — ахмоқ эрур ул чинданам,
Сизни ким севмас экан — юз карра ахмокроқдир ул.

* * *

Ярим — аслэода, ярим — савдогар,
Ярим донишманддир, ярим — бадкирдор.
Ярим ахмоқ эрур, шундок кетса гар
Бутун бўлишига тўла асос бор.

Лойик Шефали

ХАЙЁМ ПИЁЛАСИ

* * *

Үйлагил, бу булоқ қаердан келгай?
На ғойиб ва на ё сиридан келгай.
Жумла инсонларнинг қўзёшидир у,
Фаввора уриб ер қаъридан келгай.

* * *

Ким айтди: биз бешикдан
Ёлғиз гўрга кеттгаймиз?
Олис йўлдан келганмиз,
Олис йўлга кеттгаймиз.

* * *

Жуда ғаройибдир, ажибдир инсон,
Мудом неларнидир ўйлаб яшайди.
Бирор чўккилардан изласа ошён,
Бирор чўккилардан ўтин ташийди.

* * *

Умрнинг муҳлати ойдир ё йилдир,
Бари ўтар-кетар — хазондир, гулдир.
Улимнинг хизматин айлагай тобут,
Унинг тирикликка хизмати шулдир.

* * *

Мақбара ўрнида менинг қабримга
Бир жом қўйингизким — жумбори бордир:
Агар у тўлмади май бирлан, не тонг,
Найсон ёмғири-ла тўлмори бордир.

* * *

Инсоннинг қабри нимадир?
Бул — унинг бардош, сабридир.
Инсоннинг қабри эмасдир,
Орзу, умидлар қабридир.

* * *

Ёмғир йиглаганда дод айла, эй ёр,
Боқиб кўкларга фарёд айла, эй ёр,
Бир юлдуз узилса ногоҳ осмондан,
Менинг юлдузимни ёд айла, эй ёр.

* * *

Кандай фасл эрди — исёнлиғ әрди,
Дил — олов, бўронлиғ, түғёнлиғ әрди.
Үн олти ёшингда берган бўсангдан
Бошқа неки ўтди — нодонлиғ әрди.

* * *

Ул лабким, қош бирлан қароринг ўпди,
Ой юзинг ҳам лаъли дудоринг ўпди.
Сендин сўнг жаҳондин у тоқ ўтгайдир,
Сендин сўнг у лабни тупроқ ўпгайдир.

* * *

Хайём, суханинг сенинг бетакрордир,
Жоминигта ажиб хислату ҳикмат ёрдир.
Гар кимса бу жомдин ичмади, ул масти эрур,
Ҳар кимки ичибдир оқилу ҳушёрдир.

* * *

Май қуйким, бу дўстлар ҳушёрлар, мастрлар,
Фамингни лек майдек ўлдиролмаслар.
Сен жом эмасдирсан, ҳайёт базмида
Бўшасанг — қайтадан тўлдиролмаслар.

* * *

Келиб кеттүвчимиз жаҳон базмида,
Қайтадан бундайин давлат етмагай.
Унинг соқийсидан иккинчи бора
Бизга соғар етмас, навбат етмагай.

* * *

Май ичинг ёд айлаб менинг номимни,
Холи қолдирмангиз ҳаргиз жойимни.
Мозорим устига лавҳдай ўрнатинг
Мастликда синдирган ўшал жомимни.

* * *

Фалак гардишидан ох-фифон ютдик,
Ишқ ичра кўп раму кўп армон ютдик.
Оналар кўксидан оқ сут эмдигу
Тарих сийнасидан барча қон ютдик.

* * *

Куюрсан, лек хомсан бир умр, дил,
Мисоли тонгу шомсан бир умр, дил.
Малулсан ҳам пушаймон ҳамма ишдан,
Тамому нотамомсан бир умр, дил.

* * *

Түүри юрганга ҳам хатар етгайдир,
Фойдаси етганга зараар етгайдир.
Баъзан эзгуликка рост келмас ҳаёт,
Эгилган бошни ҳам қилич кесгайдир.

* * *

Қарангким, дил букун қўлдан кетибдир,
Кўздан кетган ёр ҳам дилдан кетибдир.
Умрдан йўл излаб ўтдик, бу умр
Қай манзил, қайси бир йўлдан кетибдир?

* * *

Умрдан боғ ўттай, кошона ўттай,
Дўст ўттай, ҳамдаму бегона ўттай.
Эй содда, шоҳларга ҳасад қилмагил,
Токи ҳар бир кунинг шоҳона ўттай.

* * *

Эй кўзёш, йўлимнинг соғ булоғи бўл,
Эй нола, умримнинг хуш сўроғи бўл.
Кексайган чоримда асо бўл, қалам,
Эй шеър, тобутимнинг қўнғироғи бўл.

* * *

Мен дўстлар кўнглига баҳор келтирдим,
Ошиқлар дилига хумор келтирдим.
Ҳижрон даштларида йўқолганлардан
Салому хушхабар, ёдгор келтирдим.

МАЙПАРАСТЛАРГА ҲАЗИЛ

У дунёдан агар Хайём келса
Бу гулгун, жонфизо майхонимизга.
Қадаҳга бахш этиб минг битта бўса,
Ичиб май, уқтиради ҳаммамизга:
Ичинглар, эй ёронлар, маст бўлинглар,
Қадаҳларда нечун файзу жаранг йўқ?
Кўриб келдим ўзим, огоҳ бўлинглар,
У дунёда буфету ресторон йўқ.

* * *

Умрим ярими ғам била армонига кетди,
Бир қисми яна сайд ила сайронига кетди.
Майлу ниятим мўл эди ул ёр била, э воҳ,
Ул ҳаммаси бир аҳд ила паймонига кетди.
Неки тиладим, истадиму неки етишдим —
Ярми аламу ярми пушаймонига кетди.

Осмонга бокиб орзу ҳаваслар олиб эрдим,
Ул ҳаммаси қайтиб яна осмонига кетди.

Умрим экини хосилини елга совурдим,
Умрим кемаси фарқ — май уммонига кетди.

* * *

Сен пул ғамида сўлдингу
Мен гул ғамида сўлмишам,
Сен пул ғамида ўлдингу
Мен гул ғамида ўлмишам.

Пул дарди бори сендадир,
Гул дарди бори мендадир,
Сен ул ғамида ўлдингу
Мен бул ғамида ўлмишам.

Гарчи сенинг томинг баланд,
Аммо менинг номим баланд.
Сен пул ғамида ўлдингу
Мен дил ғамида ўлмишам.

Андрей Вознесенский

ЛОРКА ЛОЛАЛАРИ

Лоркани яхши кўраман. Унинг учайдиган қайиқ янглиғ енгил, театр залининг тепа томоша айвони сингари гулдурос солиб тургувчи, радиолокаторнинг зар қозози мисол сезгир, оранж пўстлогидай ачимтиро ва ўткир ис таратувчи исмини яхши кўраман.

Лорка!

У дайди эди, актёр, хаёлпарамаст ва рассом эди у. Де Фелла унинг мусиқавий қобилияти шоирлик истеъдо-дидан кам эмаслигини айттан эди.

Мен Лоркани ҳеч қачон кўрмаганман. Кечикиб турилдим мен. Мен у билан ҳар куни кўришаман.

Чиннидай тоза, ярқиратиб артилган бир жуфт ойни — бирори сойда, иккинчиси кўкда — кўрсам Лорка болакайига ҳайқиргандай ҳайқиргим келади: «Ярим тун урилар тарелкаларга!» Менга «Кордова» деб гапиришса буни ҳам дарров биламан: бу демак оқшом пайти сувга қориштирилган икки Кордова — «архитектура ва кўзачалар Кордоваси». Мен унинг нозик ва «чи-

роқ нури құнғироқчаларнинг еңгіл товушидан ҳил-
пирайдиган ипакдай» ҳарир юрагини биламан. Пси-
хологик аникликда унинг «Бевафо хотин»ига тенг ке-
ладиган бирор-бир асар борлигини эса билмайман. Бе-
қиёс софлик, билур түйғулар акс эттан унда! Унинг
балладаларида «Лўлилар ва малоик аккордеон чали-
шини» яхши кўраман.

Уни 1936 йилнинг 18 августида ўлдиришиди.

Жиноятчилар буни тасодиф деб эътироф этишга
харакат қилишади. Эҳ, бу «хатолар!»... Пушкиннинг
ўлими англашилмовчиликми? Лермонтовнинг ўлими та-
садифми?

* * *

Шеърият — ҳамиша инқилоб. Янгича жазо усула-
ри қўлланиладиган қамоқхоналардаги кирдикорлар учун
Лорканинг ички ҳуррият, эркинлик, жўшканиликка йўғрил-
ган кўшиқлари инқилоб эди. Бетон зиндан фонидаги
лола — исён, қўзволон бўлиб туюлади.

Шоирлар катта меҳога мухтождирлар деб айтган
экан бир донишманд. Шоирнинг яланғоч юраги тикан
симга тирналаётган пайтда меҳр ҳақида қанақа гап
бўлиши мумкин? Мен шоирни ҳалокатга элтувчи йўли
ҳақида ўйлаганимда, биринчи жаҳон уруши вақтида газ
билан заҳарланган Пол Элюарни эслайман. Бўғилаёт-

ган шоир жуссаси — рамзий. Нафас олишга ҳаво йўғу, куйлашга йўл бўлсин!

Нафрат билан хирқираб янгради Лорка овози:

*Бу дўзахмас, бу кўча.
Бу ўлиммас, сабзавот дўкони бу.
Сизнинг ярқираган автонгиз босиб
мажақлаган мушукчанинг синиқ панжасида
кўз илгамас дунёларни кўраяпман мен.*

* * *

Лорка метафорага бой, оташин шоир эди!

*Оғир бонглар садоси янглиғ
Хўқизларнинг қадами оғир...
Шўрликларнинг бўйинтуруқлар
Ситамига нафрати бордир.
Бир замонлар биқинларида
Бўйлан қанотларни эслайди улар.*

Метафора — шакл мотори. XX аср — эврилишлар, метаморфозалар асли. Бугунги кунда қароғай дарахтини қай тарэда изоҳлаш мумкин? Сунъий тола дебми ва ёки ракетанинг ойнасимон пластмассасими? Менинг пахмоқ силон жимпирим кечалари оққарағайлар номини олиб алаҳсирайди. Унинг тушларида пахмоқ аждодларининг иғнабарглари шовуллайди.

Лорка бу — бирикмалар дегани. Унинг шеърларида тунги осмон «**Кора байталнинг сағриси янглиғ**

ялтирайди». Шамол деразадан чиқарилган бошни жодининг шамшири кесгандай кесиб ташлайди.

Предметлар қариндош тутинаиди, бир-бирини йўқлаб чакиради. Пикассода ҳам худди шундай. Ҳеч бўлмагада, мисол учун, унинг Элюарга чизган суратларини олайлик. Аёл чехрасининг тасвири кабутарнинг чўзинчоқ шаклига айланиб боради. Кошлар хурмо дарахтининг бутоғи бўлиб гуллайди. Ия, бу нима? Сочларми? Ёки каптар қанотларими?

Лорка чизган суратларни кўриш ҳам менга насиб этган. Улардан, балладаларида бўлгани каби, лўлиёна-испанча латофат ва назокат уфуриб туради.

Унинг шеърлари тасвирий санъат ила лиммо-лим. Лорка алоҳида рангларни яхши кўради. Унинг «Сомнамбулча романси»даги яшил ранг чинқиригини кўринг:

*Мұхаббатим, яшил ранг.
Шовуллаган яшил бод.
Яшил денгиэда кема,
Дўнгликларда яшил от.
Шомлар чўмиб туманга
Йул қарайди манзардан.
Кумуш қирор нигоҳли
Яшил соchlар, яшил тан.
Мұхаббатим, яшил ранг...
Ой нурининг ям-яшил
Четанига чиқай ман.*

Ой нури яшил рангда нақадар нафис ва аниқ берилган. Ҳа, энди «зумрад» десак ҳам бўлаверади!

«Антонито эль Камборъонинг ўлими»да эса қизил ранг устун туради. «Тўрт сариқ баллада» бўлса залворли оғир олтиндан қуийлган. Бироқ «Испан жандармлари ҳақида романс»даги Лорка ишлатган қора ранг мажмуи ҳаммасидан ҳам даҳшатли ва қудратлидир.

*Айнурлари қора, қора
Қора тамға — туёклари.
Қора пўшлар қанотида
ярқирайди шам доғлари.*

«Кора, қора» дебон узлуксиз такрорлайди шоир. «Кора!» Бу жандармлар дастидан кўзлар қора тортади. Ранг рамзга айланади.

*Тунга гулхан экиб қора
Жандармлар изғийди оч.
Шеърият жон берар бунда
Сарвиқомат ва яланоч.
Ёш Роза Камбаръо кўкси
Сўйилгандир шамишр билан,
ота уйин бўсағасида
тунж табоқда турар улар.
Бошқа қивлар эса қочар,
шовуллар қора кокиллар.
ҳавода портлаб очилар
ўқлар — қора атиргуллар.*

* * *

Шеърият — биринчи навбатда мўъжиза, туйгулар мўъжизаси, товуш мўъжизаси, санъятни усиз тасаввур килиб бўлмайдиган ўша «озгина» нарсанинг мўъжизаси. Уни тушунтириб бериш мумкин эмас. Ана шундай ички мусиқавий таъби бўлмаган кимсалар Лоркани тушунмади. Ў, адабиёт атрофида юрган эшик оғаларининг ҳамма нарсани мунгли ва ғамгин эшитгувчи бу кулоқлари... Шеърларда, каттайтириб кўрсатувчи кўзгу каби, тингловчи туйгуларини кучайтиргувчи алоҳида бир хусусият бор. Кучайтиришга туйғу бўлмаса агар шеърият ҳам ожиз!

Мана бу сатрлардаги сехогарликни насрда қандай баён қилиш мумкин:

*Майли, билсин жаноблар
ўлганимни, онажон.
Учсин кўк тилгиромлар
Жанубдан Шимол томон!¹*

Лоркани соғинаман.

Лимон ҳиди урилган сал тахирроқ мусиқасини қўмсайман унинг.

¹ Шеърлар Шавкат Радмон таржимасидан олинди.

* * *

Лорка билан бўлган яна бир учрашув ҳакида гапирмасам бўлмас.

Чикагода бир ярим миллион поляк бор.

Бир тасодиф сабаб шу шаҳарда мен ўзимнинг «Настарин» шеъримни ўқиб берган эдим. Бу — севилган, оворайи жаҳон бўлган, Ватанини ташлаб сафарга йўл олган настарин гул ҳакида баллада эди.

Мұъжазгина хонани телевизорнинг зангори экрани ёритиб турибди. Овози ўчирилган. Кўланкалар товушсиэ юзаётган бу нафармон экран — чироқ ўрнида.

Шуъла курсида кунишиб ўтирган поляк аёли қиёфасини ёритиб турибди. Унинг ота-онаси урушдан олдин мухожир бўлиб Аргентинага кетиб қолган. Айни пайдада бу аёл иэтироб чекар, жуда безовта эди. Елкаларини нафармон шуъла ёритиб турар, шу замонда кичрайиб қолган, титраётган елкалари, бинафшаранг зулфлари-ю, кулранг мавхум корачиқлари билан ўзи ҳам настаринг ўхшаб кўринарди у.

Мен, ўзим англамаган ҳолда, у ҳақда, унинг қисмати ҳакида шеър ўқийман.

У нима билан тирик? Унинг кўнглида, руҳида қандай талотум кечаяпти? Бу бўшлиқда, бу бегона дунёда у ёпишиб оладиган халоскор хас қани, қаерда?

Жавоб ўрнига у бошини орқага ташлайди.

У шеър ўқийди, аниқроғи — ўқимайды, қандайдир шеърни хиргойи қилиб айтади. Унинг товуши капалакдай ҳарир, сабухий, кувноқ товуш.

«Бу — Лорка» дейди у менинг талмовсираган нигоҳимга жавобан.

«Ларк?» — қайта сўрайман мен ҳеч нарсага тушунмай. («Ларк» инглииз тилида тўргай дегани.)

«Ха, ха! Ларк! — хандон отиб кулади у. — Менинг ягона кувончим бу. Усиз мен нима бўлардим, билмайман... Ларк... Лорка...»

...Уни 1936 йилнинг 18 августида ўлдиришди.

* * *

Лорка сабоқлари — фақатгина унинг қўшиқлари ва ҳаётидагина эмас. Унинг ўлими ҳам — сабоқ. Санъатни катл этиш ҳамон давом этмоқда. Фақат Испаниядагина шундайми? Мен бу сатрларни ёзажетган пайтда эйнданбонлар эҳтимол мусаввир Сикейросни сайдрга олиб чиқишаар.

Йигирма беш йил бурун улар Лоркани ўлдиришган эди.

МАНГУ РИЗҚ

(Достов)

Е́кутистонда мангу муэлиқда 13 минг йил ётиб бу-
зилмаган, яхши сақланган мамонт гүшти топилганди.

Гүштдан кучукларга беришганида улар иштаха билан пактос туширишди. Ана шу мамонтниң озрок жунидан менга ҳам тухфа қилишди. Шу совғани олиб Москвага қайтдим. Июл ойида бу ерда чет эллик ёзувилаар билан учрашув бўлди.

Достонда мен ёкут ва рус халқ оғзаки ижоди охангариини бирлаштиришга ҳаракат қилдим. Е́кутчада Ҳаёт ва Мамот маъносини берадиган Олох ва Олуу деган рухлар достонга доя бўлдилар, унинг кофиялари узра фарёд чекдилар.

МУКАДДИМА

1

XX аср итлари ғажир мамонт гүштини.
Нефтчилар қаро ердан, йўл қазиб, топди уни.
Тоза бўлмасайди гүшт итлар ермиди шуни.

Оч-кизил у гүштда бир қизиқ хол ботин эди,
салгина тир теккан жой шу онда битур эди.
Канчалик күп юлишса — шунчалар бутун эди.

Яшасин итларга ризқ берәётган ўлмаган жон!
Бензобакларга сачрар ўн уч минг йиллик соф кон.
Талошларга қарамай тошар ҳам түлар ҳаёт —
қанча күп юлсанг ундан, шунча күп қолар ҳаёт...

Бутун қолган мамонтгина пишиллади — күрдилар.
Сарғишина юнгларида әриб кетди кировлар.
Хайдовчилар эса унга Дима деб ном қўйдилар.

2

Нега уйғотдинглар Димани?
Сен нимадан ранжидинг, Дима?
Ақлингни эрта таниб,
хамма ёқни ағдариб
«Колхозчилар уий»га
кириб келдинг. Бу нима?
У айтди: «Муэзлаяпман.
Учмингинчи йилларда
мени чилпарчин қилган
Овчини излаяпман».

Бу не тўполон, Дима?
Утган асосчилар ва
тирик санъатбозларнинг
асарларин беомон
айларсан хонавайрон?

У айтди: «Бўзлаяпман.
Кадимий қояларда
менга мангалик берган
Рассомни излаяпман».

3

Петрозаводск узра учмоқда мамонт.
етимлиги учун айлабон фарёд.
Канча кўп сарфлассанг юракни ўртаб,
шунчалик кўпаяр юракдаги дард.

1. Прохоров

Димитрий Прохоров — база мудири.
У ҳам гўштдан тотиниб қўрди.
«Мен мамонтман, — дейди, —
Мен ҳам бир мамонт!»
Уни тушунмайди хотини ва дер:
«Мамонт эмас, асли тўнкадирсан эр,
качон сен ўзингта келасан, қачон?

Мамонтнинг гүштидан келтирсанг эди,
 биз зарбдор омборга айланар әдик,
 гүшт билан сийлардик дүстүр ёрларни,
 обод қиласа әдик сүңг бозорларни.
 Эркакмисан ўзи айт, Прохоров?
Қайси ой кетяпти, менга дахли йўқ».
 Лекин Прохоров қулоқ солмайди.
 Хартумдан сув пуркаб ўзига шодон
 Гуслхонасида, ичган каби онт:
 «Мен мамонтман, — дейди, — ўртоқлар,
 Ўйда ҳам, ишда ҳам мен — мамонт.
 Қанча заҳмат чексанг ўзингни сарфлаб,
 Шунчалар кўпаяр юракда ҳасрат».
 Толғинлик бор эди кўзи, ўйида.
 Шундай Прохоров кетди уйидан.

2

Мамонт учеб үтди Воронеж узра,
 балою қазодай қўркинч, серхатар,
Қанча кўп қувласанг уни, қанча кўп,
 шунчалар қайтар у, тобора қайтар.
 — Олохолуу! —
 Мамонт учеб үтар Аризона узра,
 ўтган аждодларни чорлайди бўзлаб.
 Бунчалар хилқатдир бу жойлар, хей-хувв! —

Учар тарелка деб ўйлашди уни,
унинг кимлигини билмади ҳеч ким:
«Олохолуу!»

3. Бозорда

Карнайчи Арлекин Тарелкин
кар лекин,
гүшт олмади бозордан, унга
қиммат туюлганди гүштнинг баҳоси.
Бу ношуд карнайчи ранжиган эди,
Ўз «Мерседес»ининг калитин ўйнаб,
ният қилиб қўиди ўзича ўйлаб:
«Менинг ўлкаларим омбордай катта.
Бутун ҳаволарни ичимга ютиб,
пуфлаб чиқармайман ҳеч қачон қайта».
Биринчи уринишда —
филчадай кичрайиб кўкарди,
иккинчи уринишда —
шампан пўкакларидаи
учиб кетди кўзлари.
Үнинчи уринишда —
бозорда бўлди ғаво:
ҳаво қолмади, ҳаво!

Бирдан парвоз этди одамлар узра,
Тобора, тобора шишиб тўларди,

баландрок, баландрок күтарилади,
кичрайиб борарди, кичрайиб.
Күкдан ерга тушди бир кичик калит.

4

Еки бу ясама Дима эдими?

5

Мамонт учиб ўтди Россия узра,
дунё хавотирин босиб бағрига —
Офат рүй берганди, ахир эсланг Сиз,
Амир Темур қабрин очганларида.
Обидалар дунёсига тегманг сиз.
Олохолуу!

6. Кассир аёл

Авиакасса кассири ҳам
гүштдан бўлди баҳоаманд.
Үйнашларни унутмайди,
Севги уни ухлатмайди.
Қандай гўзалдир у, қаранг!
Киноюлдуздан ҳам башанг.
Кўк камзули таранг ҳам тор,
Сочларида қичиги бор.

Навбатчи киз хиринг-хиринг,

Дер:

«Пулингизни текширинг»,

Юрагида унинг очлик...

Кайниси Прохоров шошиб

учиб кетди. Тарелкин ҳам

учиб кетди ахир бегам.

Омск шаҳар хори тонгда

кетди Вена томонга.

Юрак қолди қакраб, юрак,

Фарзанд, унга фарзанд керак...

Мамонт, чивингинам менинг,

ўлмас жиннигинам менинг!

7

Уэун тишларининг чаналарида

Коломенск узра учмоқда мамонт.

— Олохолуу! —

Дўстларни қанча кўп дафн этсанг, ному

ёдлардан шунча кўп ўртанади жон.

Мен шунча дафн этяпману...

8. Кайтиш

Мамонт юнги билан мактаниб, уни

бармоғимга узукдай ўраб,

Аэропортдан тұнри
Адабиётчилар уйига мен бордим-ку кириб.
Унда күп қандиллар нури остида
мажлис қуарар эди улкан каллалар:
Ваксёнов, Прохоров, Олби,
Макгибин милтиғи билан — анграяр
хамда манглайи кенг бостонлик шоир —
(Бостон бир замонлар Калигула эди).
Роберт Лоуэллининг бўш қолган ўрни.
Унинг ёди бўлиб тикилар эди.

Уларга хайқирдим: «Азиз ҳамкасблар!
Мусаввирлар, дўстлар, овчилар!
Карзормиз бизлар бутундан бошлаб
Мангу ризқ берган шу жоннинг олдида.
Токи бизни ғажир экан итлар тинимсиз,
Демак ҳали бормиз, ҳали тирикмиз!»
Лоуэлл кулмади.
Тотиб кўргандайин дафна баргини,
узугини бармоқлари билан силаб турарди...
Лоуэлл, бир ойдан кейин ўласан,
Бадбаҳт такси сени әлтар қабрга,
Фоний оиласдан ўтмишга қайтиб,
кетасан бу даврдан бошқа даврга!
Метафизикага яқин жойларда
айланди шофёрнинг ноллари ҳайрон,

Мемфислар, Московлар, Римлар ёнидан
Үтди оппоқ мамонт, қоп-қора мамонт,
О, Ҳаёт!
шунга ҳам шукрлар бўлсин!
О, Ҳаёт, сен ахир мисли олтин сир,
Бу оламнинг ўзи бизга эҳсондир.

9

Мамонт учиб ўтди Волгоград узра,
мамонт учиб ўтди Ворошиловград узра,
мамонт учиб ўтди Царград узра,
не манзиллар узра учиб ўтди-ё.
Тарих вергулидай думи, давомида яна
ағдар-тўнтар бўлар неча бор дунё.
Габриэл Маркесдан 13 минг йил аввал,
Насроний динидан 11 миңг йил олдин
ва тирик жонворнинг жигарларини
ражишиб, кучуклар осилиб олди.
Учиб кетдиammo мамонтлар.

Сершовқин дунёни тарк этиб сарсон,
у учар ойнаванд ўлатлар томон,
қайдаким ўлтирас Олох билан Олуу —
Вақтни пиёлага қуйиб мисли сув.

Замонлардан ажралиб қолган
 Ердаги күлкани күрибон ногох,
 «У меники!», деб айттар Олуу,
 «Мана сенга!», деб айттар Олох.

10. Күргазма

Рассом Прохоровнинг күргазмасида
 одам күп, бироннинг жанозасидай.
 «Тиқилманг!» — қичқирап тиқилаётгандар,
 «Суратта олаяпман!» — дер оператор.
 «Тушунмайман!» — дейди ақлли зотлар,
 Ахмоқ; «Тушунаяпман!» — деб айттар дархол.

Коллекциячи Гостаки ҳам лол,
 Арлекин Тарелкин билан хотини —
 дуркунбадан, малламтири аёл,
 композитор Бошлак судраг итини.
 Ҳамма түкиб кетар бунда битини.

Газниқобда келди Прохоров.
 Ҳаяжонда ташрифчилар арши:
 «Норозилик билдирияпти, — дейишар, —
 хүшёрхонадаги димликка қарши».

Прохоровнинг асарлари әсингиздами?
 Үнда эңг муҳими — биобүйеклар.

Улар ўрмалайди жарожат янглиғ,
Сүнг күз олдингизда каттариб борар.
Бастакорнинг гўл ити бирдан
Тиш солди асарнинг қоқ ўртасидан.

Прохоров итни кечирди:
«Минг йилликлар билан фикрлайман мен.
Тупурдим авлодлар тушунчасига,
аждодлар онгини зикрлайман мен,
токи англасинлар мени тушуниб,
қайта яратмоқнинг мазмуни шуки:
ўзингни қанча кўп фидолар этсанг,
шунча кўп қолади, шунча кўп».

Шу пайт кутилмаган бир ишлар бўлди.
Гостаки тарқатди коллекциясини,
Хотинини ўртоғига берди Тарелкин,
Бошлиқ ўз куйини сотмай бир тинга,
Софя қилди Бенжамин Бриттенга.

Қанча кўп улашиб чиқишиша бироқ,
шунча кўп бойишиди, шунчалар бойроқ;
коллекция тўлди, тўлиб бораверди,
хотин ҳам тобора кўпаяверди,
Оломондай келди куйлар, оҳанглар.
Бироқ шу пайт янгради карнай.

Яшинлар ўтидан чакнаб янгради
Тарелкиннинг олтин карнайи.
«Овчилар бонги»ни чалдию, лекин
«Йўк! — деди бу бадрашк Тарелкин. —
Прохоров, юргин, яkkама-якка!
Вақтни беркитганмиз бизлар юракка,
Шероз хазинасин дури сингари.
Бизлар — бу дунёning торкўнгиллари,
Сенинг дунёнг эса кенгайиб борар.
Халокатта элтмоқдасан жамиятни сен.
Сен биз ҳаммамизни бир-бири мизга
қориб ташлаяпсан, қани юр, бугун
мен билан яkkама-якка чиқ, Прохоров,
номуси хўрланган хотиним учун!»

Карнайин пуфлади боди карнайчи,
Дам бериб тўлдирди атмосферани.
Суратлар уэилди деворларидан,
Сўнг учириб кетди барини.

«Тулуз-Лотрекнинг тақлидчиси сени
дастхатлардан халос этаман».
«Хали шунақами!» — деди Тарелкин.
«Шундай!» — деди Прохоров юриб у томон,
Шу он
Тарелкиннинг чаккасига туширди чунон.

Осмонлар олдида бир хотин учун
Овчию Рассомнинг жангини қўринг!
Итлар, пичоқларнинг тўс-тўполони.
Иккови ғажишар — икки эўр бўри.

Нима билан тутар бу мардона жанг?
Бирор кулаб тушди уй деворлари,
Самолардан қандайдир ҳайвон
бўғиқ овоз билан ҳайкирди нолон:
«Укагинам менинг, Прохоровжон,
мен — Дима, мамонт!»
Ва қўшимча қилди: «Олохолуу!»
Уларни кўрмади кейин ҳеч инсон.

11. Овоз

Ўзингизни сарф этинг,
бахш этиб ё кечириб,
бир сўмингиз бўлса ҳам,
бошқага минг сўм беринг!

То абад булғанмагай
маъсум қудуқларда сув.
Қанча кўп юлсанг дилдан,
дилда қолар шунча кўп.

Кўп болали она ҳам
ёт етимни олади,

Канча күп юлсанг дилдан,
дилда шунча қолади.

Россия, кенгликларинг!
Поездларинг елади —
канча күп бердик үздан,
яна қанча қолади!

Нечөгли тириклик бор
пичанзор ҳавосида,
дил зарбидай, айникса,
мозорлар тепасида.

Сен жар узра яшайсан,
сартарошдан ҳам хорроқ,
Үйроқ дилинг бошқаларни
Хаётта чорлар бироқ...

Халқ деб күйинган одам,
тарқат ноёб пулларни,
Яшарғандай бўласан,
Кўнглинг бирдан гуллайди.

Абадият, жон Фауст,
оддий гапдир азалдан —
дилдан қанча күп юлсанг,
шунча кўпроқ яшайсан.

РОСТА¹ кули ё Есенин
шунчаки ўлган эмас,
ўлимлари — тирикликтай,
худбинларга бергай дарс.

Гадога бари бирдир.
Кайғу, бахт — опа-сингил.
Дилдан қанча кўп юлсанг,
шунча кўп қийналар дил.

ХОТИМА

Мамонтнинг қабрини очибоқ нега
ногоҳ комиссия лол-караҳт қолди?
У ерда жигарранг музиклар аро
бир-бирини қучиб грелкалардай
ухлар Прохоров билан Тарелкин.

Мамонтлар — бечоралар,
фарзандлари сўнгти ишончнинг,
жим ухлашар энди мангу йитмайин...

Уларни ғажинг, янги
асрларнинг итлари...

1977

¹ Уттан асрнинг 20–30-йилларида Россия Телеграф Агентлиги. Владимир Маяковский назарда тутилмоқда.

МАРСИЯ

Гулчамбарлар қўйинг денгиэга.
Бордир шундай инсоний удум —
Халок бўлган жангчиларнинг хотири учун
Гулчамбар қўйишар денгиэга.

Бунда балиқчилар шўнгиди, ўн минг тик
оппоқ қоқ суякни олдилар топиб,
Айттолмасдан исмларин, сабабларин ҳам,
Юзларини озод тутиб ёруғ дунёга,
Сув қаъридан кўкка қараб интилар улар.
Гулчамбарлар қўйинг денгизга.

Денгиз мозорига мангу энжирбанд,
Сассиз чайқалади умуртқалари —
Исмсиз, кўрқинчли марваридгуллар.
Гулчамбарлар қўйинг денгизга.
Бирорининг оёғида челакдай этик,
Бирорининг кўкрагида нотавон тумор.
Нидолар ҳам мадад бермас беваларига,
Отмадилар, тириклиайн гарқ этдилар зор,
Жисмларин тарк айлаган жонларин излаб,
Сув сатҳида жимиirlади чамбарак излар.

Гулчамбарлар қўйинг денгизга
Кудратли чинқириқ куйлардан.

Настарин, сумангул, атиргуллардан
гулчамбарлар қўйинг денгиэга.

Гулчамбарлар қўйинг заминга.
Унда ётар гулдай йигитлар.

Настарин, сумангул, атиргуллардан
гулчамбарлар қўйинг заминга.

Ёниб кеттан учувчиларнинг
хокин ўранг оқ гуллар билан.

Парвозолди ичгандингиз сиз улар билан.
Гулчамбарлар қўйинг осмонга.

Токи самолардан оламга бокиб
Тортиш қонунини менсимай улар,
келар авлодларга сўйласин гуллар:
«Гулчамбарлар қўйинг тириксиз токи».

Гулчамбарлар қўйинг Вақтга,

Шу мангу оловда биз ёниб кетдик.

Энг тоза, муаттар гулларни элтиб
гулчамбарлар қўйинг оловга.

САҲАР ТУРМОҚ ЁКИ ШАБНАМ САЙЛИ

Бинафшалар, бўтакўзлар,
Капаклаклар гулин излар.
Бир рангларга кўмилгаймиз,
Биз шабнамга чўмилгаймиз.

Тонг чоги бу — кавсар ҳаво,
Асал ҳаво, ғазал ҳаво.
Тоза наво, тиниқ сафо,
Биз шабнамга чўмилгаймиз.

Салом бўлсин қўнғизларга,
Оромижон анғизларга.
Сиз чўмилинг денгиэларга,
Биз шабнамга чўмилгаймиз.

Сиэда баланд кошоналар,
Ёмғир кўрмас тошойналар.
Биз — гулларга ҳамхоналар,
Биз шабнамга чўмилгаймиз.

Мухаббат бир сайҳон эрур,
Найсон эрур, найсон эрур,
Айвонимиз осмон эрур,
Биз шабнамга чўмилгаймиз.

Жимжимадор ховузингиз,
Кезар нөэли товусингиз.
Ёкут сизнинг ҳовучингиз,
Биз шабнамга чўмилгаймиз.

Бир шом чўкар хотирларга,
Ииллар — ғадир-будирларга.
Сиз қатнайсиз дўхтирларга,
Биз шабнамга чўмилгаймиз.

Ҳозир сизга бари бирдай,
Ҳали бир кун, қарилкда
Сиз ғамларга кўмилгайсиз,
Биз шабнамга чўмилгаймиз.

Биз дил очиб самоларга,
Гиёҳларга термулгаймиз.
Сиз чўмилинг тиллоларга,
Биз шабнамга чўмилгаймиз.

ДЎСТ ЗИЁСИ

Мен дўстимни кутяпман. Дарвоза очик,
Қўча чироғин ҳам қўйибман ёкиб.

Мен дўстимни кутяпман, кимсасиз томон,
Ҳаёт кутиш нури билан нурафшон.

У йўлда — ёнринга елгандай елар,
Мен оғир кунида келгандай — келар.

Келар. Томлар уэра нурга коришиб
Қарағай дарахти тургай ёришиб.

Ялтираб чопар ит. Сен дўстми, бўйноқ?
Сенинг ўз ғамларинг етарли бироқ...

Бегона чироқлар тўлдирав тунни —
Мен ахир кутяпман дўстимни.

Келаман деганди тўқиздан кейин.
Ҳамма кино кўрар бунда бетайин.

Адоват киради. Очмайман бағир —
Мен дўстимни кутяпман ахир.

Ииллар ҳам ўтапти — у дўст ҳамон йўқ.
Нурлар табиатдан бўлар тамом йўқ.

Жаннатдами, жаҳаннамда қўришамиз юз,
Умр бўйи дўст кутяпман, умр бўйи дўст!

Келаман деганди — тақдир, қарагил,
Тақдир, сен йўлларда уни асрагил!

* * *

Болалар кетиб қолар.
Оналар етим қолар.
Сен боламсан менинг,
ташлаб кеттан боламсан,
она.

* * *

Эркак елкасида қызчаси билан
бүгдойзордан ўтиб боради.
Бошқа юклар оғирлик қиласар,
буни — күкка чўза олади.

Мамлакатни кўтарганди у,
Улар борар шундай беармон.
Кўзларида — шимол ёрдуси,
Кўзларида порлайди осмон.

Унинг очиқ бўйини шарфдай
ўраб олган митти оёклар.
Дала узра қызчани шардай
олиб ўтар, чорлар йироклар.

Қаёнларга уни элтгайсан?
Янги аср келар бунёдга.
Қизим, ёлғиз учиб кетгайсан,
Ким асрайди сени дунёда?!

АФСОНА

Мени уйготасан отганида тонг,
Кузатиб қўйгани чиқасан ўйчан.
Сен унтулмайсан мени ҳеч қачон,
Сен мени ҳеч қачон энди кўрмайсан.

Шамоллаб қолма деб сени ўрайман,
Зирқираб ўйлайман: «Ё, раб! Художон!
Мен сени ҳеч қачон унтулмайман,
Мен сени кўрмайман энди ҳеч қачон».

Ховузнинг жунжикиб турган бу суви,
Бу кўркам қаср ила бу мовий майдон —
Ёдимдан чиқмагай энди бир умр,
Мен сизни кўрмасман энди ҳеч қачон.

Чорламас умидсиз шахло гилослар,
Ёшланиб кеттгайлар елдан ногаҳон.
Хосиятсиз эрур қайтмоқ гилослаб,
Мен сени кўрмайман энди ҳеч қачон.

Гарчи бу дунёга қайтиб келсак ҳам
Хофиз айтганидай эврилиб даврон.
Барибир айрилиб кеттаймиэ, эркам,
Мен сени кўрмайман энди ҳеч қачон.

Бир кун бизларнинг бу мавхум мухаббат
Туюлар заррадай майда ва забун —

Икки тирик вужуд — икки ёд фақат
Боқса бир-бирига тушунксиз, гунг.

Кўкларда чайқалур бехуда, сарсон
Бундан учган жуфт сўз, ўша жуфт армон:
«Мен сени ҳеч қачон унутолмайман,
Мен сени кўрмайман энди ҳеч қачон».

МИКЕЛАНЖЕЛО ТАВАЛЛОСИ

Худойим, мен ҳам бир новдангман, ахир.
Мени оломонга ташладинг нега?
Худойим, мен Сенга не қилдим, гапир?
Мен нимани қилмовдим Сенга?

АТРОФ-МУҲИТ МУҲОФАЗАСИ

Кўродурсан томир ёйган
Разолат ваҳмасини —
Шукрларким, биз ўламиз,
Кўрмаймиз ҳаммасини.

Кўродурсан майсаларнинг
Мулойим ҳамласини —
Шукрларким, биз ўламиз,
Бузмаймиз ҳаммасини.

* * *

Табиатда истаганча еб-ичиб, сүнгра
Нушхүртини йиғиштиrmай кетар одамзот —
Шўrbалиқнинг қолиб кетган боши сингари
Самоларда тураг вертолёт.

СЕНИНГ ИТИНГ

Эркин таржима

Менинг сирларим бор сенинг итингда.
Бу ҳовли, бу эшик, бу йўл — қарийди.
Илларни оралаб келган пайтимда
Сен таний олмасанг...
Итинг танийди.

Сезаман: дордаги кўйлаклар ўзга,
Ўзгадир ҳовлида гулларнинг хиди.
Мен жойлаб кетганман итнинг кўзига
Махфий тунларимни —
Танийди итинг.

Мен сенинг умрингта ою осмонни
Олиб кирганимдан —
Ўшандан бошлаб
Итингга — махфий бир қадрдонликдай,
Махфий бир дўстликни кетганман ташлаб.

Кеттганман — ўзимга, сенга-да аён
Махфий бир даврни қолдириб итга.
Ит сўзлаб беролмас ахир ҳеч қачон,
Ит айтиб бермайди бизни ҳеч кимга.

Бу сирли учликнинг сирли мактаби
Итнинг кўэларида қолар қасамдай.
Қолар энг ишончли эсдалик каби,
Итда — энг ишончли, содик қафасда.

Сен вафо ҳакида қуонганингда,
Итинг яқинлашиб келаркан аста
Ва ногоҳ эрингга термулганида,
Қўрқасан: наҳотки барчасин айтса?

Аммо... у айтмайди.
У айтмай яшар,
Сенинг таҳликангни тушуниб, билиб.
У айтмай яшайди — рўзғоринг ичра
Якка, садоқатли сирдошинг бўлиб.

Бу ҳовли, бу эшик, бу йўл — қарийди.
Бу ит ҳам қарийди бир кун дафъатан.
Сезмайсан: дафъатан, ярим тун пайти
Итинг жон беради хайрлашмасдан.

Сен эса шундай бир ҳаёт бошлайсан,
Унда бўлмас асло қўркув, таҳлика.
Унда сен bemalol кўзинг ёшлайсан,
Кўрқмай куюнасан вафо ҳақида.

1983

A Қ Л

Булбулнинг жигарин гар
Еса Ер аёллари —
Миялари ёришиб,
Кўпаяр ақуллари.

Бу ғалат дунёсида
Зоҳиру ботинлар кўп.
Булбуллар кам шул сабаб,
Ақлли хотинлар кўп.

* * *

Бу қиэларга гул берсанг бас,
Бирам дилдор бўлгайлар.
Гул берсанг бас —
Ярим соат ўтар-ўтмас
Ҳомиладор бўлгайлар.

КУТИШ

Үн йил ўтиб кетди интизорликда.
Сен йўлда. Тобора келяпсан яқин.
Етиб келмогинг-чун етарми кучинг?
Йўлинг ёруғ бўлмори учун
Шамни деразада мен қўйдим ёкиб.

Йигирма йил ўтди интизорликда,
Сен йўлда. Тобора келяпсан яқин.
Дунё разолатин енгтайдир кучинг.
Йўлда сенга ёруғ бўлмори учун
Шамни деразада қолдиргум ёкиб.

Ўттиз йилим ўтди интизорликда,
Сен йўлда. Сен менга тобора яқин.
Мен адо бўламан, кетгайман ўчиб,
Менсиз сенга ёруғ бўлмори учун
Шамни деразада қолдирдим ёкиб.

Александ \acute{r} Файнберг

яшил дала, ям-яшил очун

* * *

Тақдир — ҳақдир. Чиранма унга,
Бор килар ҳам йүқ килар тақдир.
Бошқа ёзмиш берилмас сенга,
Ҳаёт янглиғ тақдир ҳам ҳақдир.

Эхтиёт қил рухи жонингни,
Дунё кенгдир доимо кенгта.
Сотма факат рух имонингни,
Бошқа рух ҳам берилмас сенга.

ОНАМГА

Яшил дала, ям-яшил очун,
Фақат онам камлик қиласи.
Мехрин ҳақин қайтармоқ учун
Мангулик ҳам камлик қиласи.

* * *

Бу дунёда бир ажиб уй бор,
Дүстлар унда жамдир бахтиёр.

Унда — баҳор, гул ҳам настарин,
Кимдир куйлар ҳаёт рангларин.

Унда рухни эулмат қопламас,
Мени ҳам бир эсласалар бас.

* * *

Икки дунё аро шундоқ яшайман —
Дилдорим, сен агар назар солурсан:
Бари ортиқчасин олиб ташлайман,
Бир ўзинг қолурсан, Ўзинг қолурсан.

Юлдуз күзларингни, ой жамолингни
Ою юлдузлардан ўзим қилдим жам.
Мен ўзим туздим-ку бу камолингни,
Энди ортиқчаман ўзим, жонгинам.

* * *

Хайр.

Хуш кол.

Бахтли бўл доим,
Елонинг ҳам гўзалдир, дилдор.
«Кечир» деган аччиқ, мулоийм
Сўэни очиқ айтмагил зинҳор.

Айрилик ҳам бор гапдир, билсанг,
Айтилмаган сүзлар ҳам бекор.
Гунохгача ўсмаган бўлсанг,
Кечирмоғим сенга на даркор?

* * *

Нима бўлди менга, билмадим,
Не савдолар сарсон бошимда.
Ўттиз ёшни писанд килмадим,
Еш йигитман эллик ёшимда.

Гоҳ кирдаги бир лоладайман,
Яратганинг инояти не?
Борган сайин ёш боладайман,
Бунинг сирру синоати не?

ЁПИҚ ЭШИККА ЁЭИЛГАН БИТИК

Такиллатма эшикни дилхун.
Бас қил энди, бир нафас қўй-да.
Мен уйимда бўлмайман бугун,
Эртага ҳам бўлмайман уйда.

Сен — шоирсан. Сен зўрсан минг бор,
Нечун яна кўнглинг тўлмайди?
Мени тинч қўй.

Авлодларга бор,
Авлодлар ҳам уйда бўлмайди.

«РУХИМ ХАРИТАСИ»ДАН «ДИЛ ФАСЛИ»ГАЧА

Истеъдод Худодан берилади. *Ҳар* қанча меҳнат ва заҳмат маҳсули бўлмасин, истеъдоддан бебаҳра ижод юксак мақомга қўтарила олмайди. Чинакам иқтидор соҳиби илк асарлариданоқ кўнгилларга йўл топади. Дастр-лабки ижод намуналари биланоқ эътироф қозонади, на-зарга тушади. Узбекистон халқ шоири Сирожиддин Сайид ана шундай салоҳият эгаларидандир.

Шеърият муҳиблари яхши биладилар: шоирнинг илк китоби «Рухим харитаси» номи билан чоп этилган. Шубҳасиз, биринчи китоби нашр қилинган ёш шоир юрагида андак ҳадик, бир оз ҳаяжон бўлади. «Устозлар нима дер экан?» деган хавотир чулғайди унинг қалби-ни. «Тошкент оқшоми» таҳоририятида хизмат қилаётган ана шундай хаёллар орушидаги шоирга кутимаганда кимсан устоз Абдулла Орифнинг ўзи телефон қилиб: «Китобингни ўқидим, Сирож! Ана шу мўъжаз китобдан катта қадамларнинг товуши келяпти» дегани, биринчи-дан, устоз ижодкорнинг янги авлодга хайриҳоҳ назари ифодаси бўлса, иккинчидан, тоза, самимий эътирофни англатади. Бинобарин, Сирожиддин Сайид 1984 йили

чоп этилган ана шу илк китоби биланоқ ўзининг ижодий келажаги ҳақида муайян тасаввур бера олди.

Шундан бүён шоирнинг «Салқин харсанглар кафтида», «Севги мамлакати», «Асрагил», «Мехр қолур, мухаббат қолур», «Кўйдим», «Ватанинн ўрганиш», «Кўнгил сохили», «Кўксимдаги зангорларим», «Калдирвочларга бер айвонларингни» сингари ўн бешга яқин шеърий тўпламлари чоп этилди. Энг муҳими, унинг ижоди тўпламдан тўпламга, китобдан китобга сайқал топа борди. Моҳиятнан теран, бадиий жихатдан баркамол шеърлари ўкувчи қалбини забт қилишда давом этаётир.

Ким кўп — шоирликка даъвогар кўп. Лекин улур Огахий айттанидек, Тангри таоло «...алар орасида бальзисининг (!) тилин фасоҳат ва балорат бобида нодир ва сўз риштасига маоний жавоҳирин наэм этарга қодир қилиб, маъни ахли орасида күёш ёнглиғ равшан ва сарафroz этти». Шу боис, чинакам шоирлик макомига кўтарилиш даъвогарларнинг ҳаммасига ҳам насиб этаверган эмас.

Эътиборга лойиқ бир воқеа: адаб ахли даврасидаги бир сұхбатда ёш, иқтидорли шоир шеър ўқиди. Гаштақда иштирок этган устоз ижодкорлардан бири: «Шеърларингизнинг савияси анча баланд, бироқ уларни ўқишида Сирожиддин Саййидга тақлид қилас экансиз. Агар яхши шоир бўлишни орзу қилсангиз, ҳар қандай тақ-

лиддан сакланинг», деб насиҳат қилди. Устознинг фикри тўтри, шубҳасиз. Мен эътиборни масаланинг бошқа жиҳатига қаратмоқчиман: ёш истеъоддлар ҳаммага ҳам эргашавермайди...

Бу воқеа навқирон ижодкорларнинг Сирохиддин Сайидга ҳавас қилишига ягона мисол эмас. Шоирнинг миллый шеъриятимиэда ўз ўрнига эга ижодкор эканига яна кўплаб далиллар келтириш мумкин. Дастребабки тўпламларидан кейинги «Кўйдим», «Ватанин ўрганиш», «Кўксимдаги зангорларим», «Кўнгил соҳили» каби китобларигача, улардан «Қалдириғочларга бер айвонларингни» номли сайланмасию «Дил фасли»гача шоир ижоди тобора юксала борди десак, асло муболага бўлмас.

«Илоё, ҳар кимга ҳаётида ифтихор насиб этсин. Ифтихорнинг гўзал шаклу шамойиллари кўп. Уларнинг энг аввали, албатта, ҳалку Ватанингдир! Ундан сўнгра, балким, устозу шогирлар. Шу маънода, жумладан мен ўзимни ниҳоятда баҳтли инсонлардан бири деб ҳисоблайман. Улуг ҳалқим, буюк устозларим, кўз-кўз қилишга арзигулик соғдил шогирд укаларим бор. Шоён шеъриятимиэда эса, ана шундай ифтихорларимиздан бири, шубҳасиз, Сирохиддин Сайиддир». Устоз Абдулла Ориповнинг ушбу эътирофи ҳам Сирохиддин Сайиднинг ижодкор сифатидаги салоҳияти ҳавас қиларли эканини кўрсатади.

Ватан ҳақида ёзмаган бирорта ҳам шоир бўлмаса керак. Лекин Сирожиддин Саййиднинг бу мавзудаги битиклари, салафлари ва замондошлари назмини тасрорламайди. Мана бу мисралар ҳам фикримиэни тасдиқлайди:

*Юртим, менга зар керакмас зарларингдан,
Киприкларим ўпсалар бас гардларингдан.
Мен бир насим бўлиб келдим, мен бир насим,
Айтиб ўтсан дейман кўзна дардларингдан.*

Сирожиддин Саййид — дардли шоир. Зоро, чинакам шеърият дардан, изтиробдан туғилади. Шоирнинг зохирлан қувончли ҳолатнинг гўзал поэтик ифодаси берилгандек кўринган мисралари замираидаги элнинг, юртнинг ғамида яшаётган кўнгил изтироблари сирқиб туради. «Айвонлари нурга талош, кайвониси ою қуёш» бўлган Ватан ҳақида «кўзида ёш, юзида ёш» билан ёзишининг сабаби шунда.

Қалдирғочларга бер айвонларингни...

Бенихоя жозибали мисра. Бинобарин, уйнинг айвонига қалдирғоч кўниши — бахт тимсоли. Ҳархолда, халқимиз уйга қалдирғочларнинг ин қуришини саодат даракчиси сифатида қабул қилиб келган. Шоирнинг шеърларида ана шундай халқчил, кўнгилга яқин, қалбнинг нозик торларини-да чертиб юборадиган мисралар кўп. Мана, яна бир мисол:

Ким Ватанни зар түнігә енг этмишдір.
 Ким бағрини осмонлардай кенг этмишдір.
 Яратғаннің үзи бүгүн тенг этмишдір
 Асрларга онларини, онларини.

Тұғри, бу иқтибос Faфур Гуломнинг «Асрлар тақ-
 дири лаҳзаларда ҳал», деган мисрасига бир қадар үй-
 ғун. Лекин Сирожиддин Сайиднинг ютуғи шундаки, у
 ифоданинг мутлақо үзіга хос, охорли усулині топа
 билган. «Ватанни зар түнга енг этиш» — юракка
 яқын, ёрқын ва образлы талқын. Умуман, бошқа күп
 шеърлари қатори шоирнинг бу мисраларида ҳам теран
 мазмун, гүзәл ташбих ва бетакрор бадиият мутаносиб-
 лиги күзатилади.

Оз сүзге күп маъно юклай олиш шоирдан жуда
 катта иқтидорни талаб этади. Сирожиддин Сайид
 шеърларыда бу фазилат бўртиб кўринади. «Ватан аба-
 дий» шеъридан олинган қуйидаги иқтибос ҳам ушбу
 фикрни тасдиқлайди:

*Ҳар тена, ҳар дўнглик турбат эмасдир.
 Ҳар қандай айрилиқ ғурбат эмасдир.
 Юртдан кетган ҳар зот Фуркат эмасдир.
 Ватан колар экан, Ватан абадий.*

«Ҳар қандай айрилиқ ғурбат эмасдир» — охорли ва
 теран хулоса! Зоро, «ғурбат» — можият эътибори билан
 камровли тушунча. «Фарҳанги истилохоти ва таъбири-
 ти ирфоний»да келтирилишича, «ғурбат» сүзи уч хил

маънени ифодалайди: 1. Ватандан жудолик ғурбати. 2. Жохил ва фосиқ қавм орасида мажбуран, яъни ғайриихтиёрий равишда ўтирган одам ғурбати. 3. Ҳак талабидаги орифнинг ғурбати. Шоир Фурқатнинг ғурбати ана шу маъноларнинг барчасини ўзида мужассам этгани тадқиқотлардан маълум. «Юртдан кетган ҳар зот Фурқат эмасдир» деган мисрада ўнлаб саҳифаларда баён этиш мумкин бўлган ана шундай чуқур моҳият ифодаланган. Банддаги ҳар бир мисра фикрнинг изчил, тугал бўлишига, «Ватан қолар экан, Ватан абадий» деган барҳаёт ҳақиқатни англатишга хизмат қилганини таъкидлаш керак.

Сирожиддин Сайид шеърларидағи яна бир фазилат — уларда улут салафларга бўлган эҳтиром ёркин ифодаланишидир. Аҳмад Яссавий, Навоий, Махтумкули, Бобур, Машраб, Фурқат каби ижодкорларга бағишлиган шеърлар, улар ғазалларига боғланган мухаммаслар ҳам буни тасдиқлайди.

Аруэда ёзиш осон эмас. Бунинг учун наинки сўзни нозик ҳис этиш, уни маҳорат билан саралай олиш, муайян мезонга сола билиш зарур. Ҳатто булар ҳам кифоя кильмайди. Бунинг учун мумтоз адабиёт мутолаасидан лаззат олмоқ, «билимлар учлиги» — илми аруз, илми бадеъ, илми қоғия сирларини әгалламоқ талаб этилади. Сирожиддин Сайид жуда қўп замондошларидан шу

каби фазилатлар сохиби экани, билганларини амалиётда маҳорат билан қўллай олиши билан алоҳида ажралиб туради. Бутунги шоирлардан камдан-ками бундай салоҳиятга эга экани сир эмас. Захириддин Муҳаммад Бобурнинг ҳазажи мусаммани солим вазнида ёзилган қўйидаги машҳур ғазалига боғланган тахмис шоирнинг юксак салоҳиятига яна бир далилдир:

Булут эрмас, кўк уэра тарқаган кўнгил гумонидур.
Гумон қилмак бу дамда бегумон дилнинг зиёнидур.
Кўкарған хор ила ҳаслар тирикликнинг нишонидур.
Баҳор айёмидур даёни йигитликнинг авонидур.
Кетур соқий, шароби нобким, ишрат замонидур.

Тўғри, «хор ила ҳаслар»га кўкармок сифатини бериш бироз ғалат. Ушбу «айбина»ни эътиборга олмаганда, тахмис вазн жиҳатдан ҳам, мазмун эътибори билан ҳам Бобур ғазалига мутаносибдир.

Сирожиддин Навоийни кўп ўқийди. «Ҳазойин ул-маоний»ни хатм қилган кунини энг катта байрам деб билади. Муҳими, шеърларида улуғ Навоидан, мумтоз шеръиятимиздан баҳрамандлик таъсири сезилиб туради:

Чаман ичра ўзи ҳам бир
атиргулдай бўлиб қолгай,
Дилимнинг қонига булбул
қанотин гар булаб қўйса...

Менга ханжар билан шамшир
тиғига ҳаргиз ҳожат йўқ.
Узун мижгонларини гар
нигорим бир қадаб қўйса.

«Менга ханжар билан шамшир тиғига ҳаргиз ҳожат йўқ» мисрасидаги вазн сакталигини эътиборга олмаганда, бу байтлардаги мумтоз разалнависликка хос жозибани ҳис этмаслик мумкин эмас.

Сирожиддин Сайид шеърларидан бирини «Навоийни ўкиш» деб номлаган. Унингча: «Ҳар бир калла, ҳар бир бош жаҳолатдан қурқиши керак. Ҳар бир бола, ҳар бир ёш Навоийни ўкиши керак». Навоийдек улуғларни ўқимаслик, англамаслик жаҳолатта олиб келишидан огоҳ қилишни бурч деб билган шоир «Ҳар бир ота, ҳар бир мўйсафид Умр ҳикматларин кўрсатиб, Нафс арқонларин қирқиши керак, Фарзандлари, набирасига Навоийни ўкиши керак», дея таъкидлайди.

Улут салафлар маҳорат мактабидан ўрганиш самараси бўлса керак, Сирожиддин Сайид шеърларида тे-ран фалсафий фикрларнинг бетакрор поэтик ифодаси даражасидаги байтлар, бандлар анчагина. Ҳаэррат Яссавийнинг «Кўксумдаги зангорларим кетармукин» мисрасига тазмин ўлароқ яратилган шеъри, ҳадисларнинг назмий талқинлари, халқона ҳикматлар сингдирилган асарлари бунинг исботидир. Бир қарашда содда туюладиган, лекин ўкувчини умрнинг мазмуни, олам ва

одамнинг мохияти ҳакида мушоҳада этишга ундаидиган мана бу мисралар ҳазрат Яссавий хикматларини эсга тушириши билан ҳам аҳамиятлидир:

Келиб кетмоқ ўйин эрмас, саёҳат ё зиёрат,
Умр йўли ҳадматлару меҳнатлардан иборат.
Кўнгилларга қурдингми бир кўприкми ё иморат?
Курганларинг ўзингни, қурмаганинг гўмондир.

Кўнгилларга иморат қуриш, вайрон дилни обод этиш ҳакида «кўп ва хўб» ёэилган. Сирожиддин Сайиднинг ушбу битиклари уларнинг бирортасига ўхшамаслиги билан ҳам қимматлидир.

Ифоданинг ихчамлиги ва поэтик жозибаси, ҳеч бир замонда эскирмайдиган мавзуларнинг оҳорли талқини, кутилмаган гўзал ташбиҳлар қўллай олиш — Сирожиддин Сайид шеъриятининг хос хусусиятидир. Унинг учун шеърият «воситаи жоҳ» эмас. Шоирнинг ўз эътирофича, «Оlamda энг оғир — Сўзнинг йўлидир». Бу йўлдан юриш чиндан ҳам осон эмас. «Faфур Гулом сиёҳдонига» шеърида бетакрор ифодаланганидек:

Улуғ шоирларнинг қалби сиёҳдон бўлган,
Ёса юрак қони билан ёзган, сиёҳ — қон бўлган.

Сирожиддин Сайид ана шу сермашаққат, «нўши бир бўлса, ниши минг, роҳати бир бўлса, ташвиши минг» (Оғаҳий таърифи) йўлнинг саботли йўлчиларидандир. Чинакам шеъриятга ташна қалблар малҳами бўлган

шеърлари шоирдан мудом беназир асарлар кутишга умид уйғотади. Үкувчи билан илк мулоқотини «Рухим харитаси» тұплами билан бошлаган шоир «Дил фасли»га бир олам ютуқлар билан қадам қўйгани эса бу умидни янада кучайтиради.

Таъкидланганидек, Ватан ва миллатта мұхаббат туйғуси Сирожиддин Сайид шеърларининг асл мөхиятини, магзини белгилайди. Шоир «ризқ-рӯзи ҳалол, мангы ҳалқ» фарзанди эканидан ифтихор ҳиссини туяди. «Азал булбулларга ошён» бўлган она замин «боғларини босган қарғалар кетгани»дан, юрга сохиблик асл эгаларига мұяссар бўлганидан қувонади. Мана бу мисралар ана шу қувонч изҳори ўлароқ яралган:

Амир Темурлардан қолган номус-ор,
Бир синиқ ғишиши ҳам шараф-шон, юртим.
Сен — ўлмас ғурурсан, сўнмас ифтихор.
Суви ҳам, қуми ҳам зарафшон юртим...

Адабиётимизнинг минг йиллик тарихи гувоҳлик беришича, чин дўст, чин ёр топиш шуаро учун ушалмас армон бўлиб келган. Ҳаэррат Навоий «Мехо кўп кўргузуб меҳрибоне топмаган»и, Фурқат «Оҳжим, йўқтур мани табъимга лойиқ улфатим», дея изтироб чеккани бунинг далилидир. Устоэ Абдулла Ориф: «Бахтиёр ҳар дилга ошно топилгай, Фуссали дилга-чи лекин йўқ ҳамдам» деганда, айни шу туйғуни назарда туттан. Сирожиддин Сайиднинг

Кисмат қаттиқ, алам бисёр, эл ғофил,
Бу дунёда борми бир дилхоз, Бобур? —

дэйиши сабаби ҳам шунда.

Сироғиддин Сайид сүзга зүгум ўтказмайды. Шеърларининг оханги табиий, мисраларининг аксарияти қўйма. Айниқса, ғазалларида фикр таъсирчан, тасвир охорли. Уларни гўзал ташбихлар зийнатлаб туради. Минг йиллардан буён куйланиб келаётган Ватан мавзуи унинг қаламида ўзгача инкишоф топаёттанини ҳам шунинг билан изоҳдаш мумкин. Шу боис туйгуларнинг самимийлиги ўқувчига ҳам юқади:

Бу диёрда тогу тош шоир бўлиб,
Ерга тушгайдир қуёш шоир бўлиб.

Ўргатар куйлашни булбул сувлари,
Майса ҳам тебрайди бош шоир бўлиб.

Булбул куйини сувнинг шарқирашига менгзаш шеърдаги ўзига хосликдан далолат. Факат бу ташбихни яққолроқ англаш, ҳис этиш учун «булбул» сўзидан кейин «тире» аломати қўйилиши мақсаддага мувофиқ бўлар эди. Бу мисралар юқоридаги таърифларга нечоғлик мос эканини таъкидлашга эҳтиёж йўқ.

Сироғиддин Сайид сўз исрофидан парҳез қилади. Сўёни тежаб ишлатади, сўзга залворли маэмун юклай билади. «Шеър аро полвон бўлиш осон эмас» деган биргина таъриф орқали устоз Абдулла Орифнинг мил-

лий адабиётимиэда тутган ўрнига муносиб баҳо бергани бунинг исботидир. «450000 лола» шеърида иккинчи жаҳон урушининг бутун фожиаси лўнда, таъсирчан, бетакрор ифодалангани ҳам фикримизни тасдиқлайди:

*Кўз олдинга келтиурсанг
Бўйларию кўз-кошин.
Тўрт юз эллик минг лола —
Кўкрагила курошин.*

*Ҳар кўклам кўкка етар
Тўрт юз эллик минг нолам.
Ет элларда ётибди
Тўрт юз эллик минг болам.*

Сирожиддин Сайийд «Шоир кимdir?» дея савол қўяди («Нуқтаи назар» шеъри) ва «Мир Алишер бобонинг биринчи ва мангу муовинидир» деган холосага келади. Адабиётта бундай юксакдан қарашиб ижодкорга муайян масъулият ҳиссини юклайди.

Чўлпон адабиётни «ўткир юрак кирларини ювадурғон тоза маърифат суви» дея таърифлаган эди. Сирожиддин Сайийд шунга уйғун фикрни ўэига хос тарзда, бетакрор ифодалайди. Унингча: «Шеър гарчи шоирнинг кўксига ёнган, Бўғзини куйдирган олов унидир. Шеърият — гул эмас, чечакмас, асли Рух ва кўнгилларнинг кир совунидир». Бинобарин, инсон руҳи ва кўнглинини адабиётчалик поклайдиган бошқа бир ҳодиса

мавжуд эмас. Мухими, шоир кўхна бу ҳақиқатни поэтик жиҳатдан янгича ифодалаганидир.

Ҳар қандай шоирнинг ижодий камолотини кўрсатадиган бош омил — шеърларида теран ҳикматларнинг гўзал бадиият билан акс этишидир. Ижоднинг юксалиш палласида фикр теранлашади, «қаймоқ борлайди», ифода сайқалланади, ўзига хослик яққолроқ намоён бўлади. Сирожиддин Сайид шеърларида ана шу камолот аломатлари бўй кўрсатаётгани алоҳида таҳсинга лойикдир. Мана бу мисралар ҳам фикримизни кувватлайди:

Кетар жисминг муваккабатдир.

Ватан — мангу мұхаббатдир.

Агар кимда мұхаббат иўқ,

жаҳонда номурод бўлгай.

«Дил фасли» китоби — шоир ижодининг, таъкидланганидек, камолот босқичига мансуб. Китобнинг «Бойбува, дуо айланг...» («Бозор ижодиёти»дан) деб номланган алоҳида бўлимида шоир кося тагида нимкоса тарзида миллий маънавиятимиз ривожига салбий таъсир кўрсатаётган ҳодисаларни қоралайди. «Бош қолиб қорин билан ўйлайдиган»лар ҳеч қачон юртнинг корига яраши мумкин эмаслигини таъсиран ифодалайди. «Ичи тўла риё, кўнгли қаро» кимсаларнинг «кийиб юрган чопонлари зар ранг» эканига таажжуб изҳор

этади. Уларнинг сурати ва сийрати мутаносиб эмаслигини ҳажв қилади.

Муборак ҳадислардан бирида «Киши бирор гуноҳ амалга қўл урса, унинг қалбида бир қора нуқта пайдо бўлади. Гуноҳига астойдил тавба қилса, бу қора нуқта кетади. Тавба қилмай, гуноҳларда давом этса, қора нуқталар сони ҳам кўпайиб боради», дейилади. Шоирнинг мана бу мисраларида ана шу ҳадис мазмуни гўзал поэтик ифодасини топгани Сирожиддин Саййид шеъриятида муборак сарчашмалардан баҳрамандлик таъсирни кучаяётгани исботидир:

Мен бу чаман садхасига
ошиқ бўлиб келган эдим,
Гул рангига тушундиму
дил зангига тушунмадим.

Шоир риёкорлик, қўнгли қаролик дилни занг босишига сабаб бўлишини образлар, тимсоллар воситасида тасвирлайди.

«Ахтарайлук» ғазалида миллат турмуш тарзига кириб келаётган нобоп аъмоллар ҳажв тифига олинган. Буюк Хораэмий машҳур «Мухаббатнома»да «Анинг-ким, ол юзинда менг яратти, Бўйи бирла сочини тенг яратти» дея сочининг бўйи билан тенглигини ёр гўзаллигига далил ўлароқ мадҳ этган эди. Таассуфки, замонамиэ шоирлари энди бундай мисраларни ижод

килиш имкониятидан маҳрумдирлар. Ижод қилсалар ҳам ёр сочининг бўйи билан эмас, бўйни билан тенглиги ҳақида ёзиплари мумкин, холос. Сирохиддин Сайиднинг кесилган зулфларга оид мана бу байти ҳам фикримиэни тасдиқлайди:

*Бўйинлар осилур зулфлар кесилмиш,
Биз энди ўзга бир дор ахтарайлук.*

Миллатпарвар Чўлпон «Садон Фарғона» газетасида 1914 йили босилган бир мақоласида мана бундай ёзган эди: «Эй қариндошлар... катта илтимосимиз шудурки, Оврўпонинг мўдосидан, шишасидан ва бузуқ ахлоқидан намуна олмасдан ва бунларға бул жиҳатдан тақлид қилмасдан, балки илм, фан, ҳунар, саноатта ўхшашлик маданиятларидан намуна олуб, бул жиҳатдан тақлид қилмоқимиз лозимдур. Оврўпонинг мўдоси, шишаси ва бузуқ ахлоқи сизларни хонавайрон, бенатан, асир, қул киладур. Бундан сакланингиз!

Оврўпонинг мактаб, мадраса, илм-фан, саноат, ҳунарға ўхшаш маданиятлари сизларни обод, маъмур, олим қилуб, жоҳилликдан, асорат қуллигидан қутултуродур. Биродарлар, кўзларингизни очиб, яхши ўйланглар!»

Таассуфки, Чўлпон қўрқкан ҳодиса рўй берди. Ҳар учала воқелик — Оврўпонинг мўдоси, шишаси ва бузуқ ахлоқи миллатнинг турмуш тарзига турли йўллар билан кириб келди. Энг ёмони, вужудни кўз-кўз қилишга,

яланочликка ружу қўйилаётганидир. Миллий ахлоққа қаратилган бу таҳдид ўтган аср бошида Чўлпонни нечоғлик ўйлантирган бўлса, унинг воқеликка айлангани янги юэйиллик аввалида Сирожиддин Саййидни шунчалик изтиробга солади. Мана бу мисралардаги аччиқ истехзо сабаби шу:

*Кўриб киндикларини ҳалқа таққан,
Қочайлик, бир чукур ғор ахтарайлук.*

Миллий ахлоқ, уни асраш ҳакида қайгуриш миллат зиёлиларининг эзиммасидаги масъулиятдир. Шоирнинг бу каби шеърлари ана шу масъулиятни ҳис этиш, эртанги кун учун куйиниш самарасидир.

Сирожиддин Саййид замонавий миллий адабиёти-мизда ўз ўрнига эга, эътирофга сазовор шоирларимиздан. «Рухим харитаси»дан «Дил фасли»гача ҳар бир китоби, ҳар бир шеъри шоир ижодининг янги, янада баланд миқёсларга қўтарилиши учун асос бўлиб келаётгани ҳам бунинг исботидир.

Бу йил шоир таваллудига ярим аср тўлади. Биз унга яна шунча баракали умр, ҳозиргидан ҳам кўра ютуқларга тўлиқ, янада нурли ижодий истиқбол тилаймиз.

Нурбой АБДУЛҲАКИМ,
филология фанлари доктори

ЙИЛЛАР ВА КИТОБЛАР

1. «Рухим харитаси». Fafur Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1984 йил.
2. «Салкын харсанглар кафтида». «Янги аср авлоди» («Еш гвардия»), 1986 йил.
3. «Севги мамлакати». Fafur Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1987 йил.
4. «Асрагил». «Янги аср авлоди» («Еш гвардия»), 1990 йил.
5. «Мангу ризик». Таржима (Андрей Вознесенский. Шеърлар, дистонлар, наср). Fafur Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1990 йил.
6. «Мехр қолур, мұхаббат қолур» (Бадиалар, мақолалар). «Чүлпон» нашриёти, 1992 йил.
7. «Күйдим». Fafur Глом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1994 йил.
8. «Үйингдаги бешиклар». «Езувчи» нашриёти, 1996 йил.
9. «Ватанин үрганиш», «Чүлпон» нашриёти, 1996 йил.
10. «Эгаси бор юрт». Fafur Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2001 йил.
11. «Ватан абадий». «Шарқ» нашриёти, 2001 йил.
12. «Устимиздан ўттан ойлар». «Чүлпон» нашриёти, 2003 йил.

13. «Кўксимдаги зангорларим». «Маънавият» нашриёти, 2004 йил.
14. «Қалдириғочларга бер айвонларингни». «Шарқ» нашриёти, 2005 йил.
15. «Дил фасли». «Ўзбекистон» нашриёти, 2007 йил.
«Яшасин ёмирилар» (Маколалар, бадиалар, хотира ва сұхбатлар). Faafur Fулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2007 йил.

МУНДАРИЖА

«Менинг шоирлигим — орзу...» 5

Баҳор қўнгироқлари

Асал қизим Нигина	9
Нұқтаи назар	10
Янги-янги йиллар келади	10
Буғдойэорларим	12
Боғ	14
Темир йўллар	15
Жайхун шамоллари	16
Университет мадхияси	18
Ҳаёт кўзгуси	20
Улуғроқ иш борми элнинг тинчидан	22
«Илтимос, суюнманги»	23
450 000 лола	26
Шоҳ Бобур	28
Дўрмондаги ҳаккуш	29
Устозлар ёди	30
Фахрийлар	30
Устоз	31
Тириктела	33
Бевафолик	35

Одамэод	37
Иэхор	37
«Тошкент оқшоми»га	39
«Махмуд деган ошик...»	42
Етиблар ичган сувларим	42
Фурқат бобо ва фермерлар қиссаси	44
Хақ сүз	47
Мақсад Шайхзода. Ёэйлмаган хотиралар	49
Эски эртак	51
Мақол таҳдилли	55
Бир идиш	56
Сайр	58
Ватан	58
Дарё	59
Манзиллар	61
Булбул	62
Дийдор	63
Дил	64
Сомон йўли сомонлари	65
Хизмат ҳудудидан ташқарида	67
Мусофирлар	68
Хавотир	69
Сомончилар	71
Бир қавм	72
Тегирмончи	73
«Даланг сенинг болангдир...»	75
Навоийнинг боғлари	76
Бахор қўнгироклари	79

Шоҳтут	80
Нигина ва Афсона	81
Мутаржим	83
«Она, тўплаб чиқса бардошларингиз...»	83
Саҳар туриб	84
Мактабга бораман	84
Мултфильм (болаларга)	86
«Тушмиш қайси дараҳтлардан...»	88
«Менинг сultonларим кетди...»	88
Мир Темурий қовунлар	89
Илк оғриқ	91
Келишмадик	93
«Ярқираган тоғларимни...»	94
Уқадўст	95
СамДУ шаънига	96
Кобулда баҳор	97

**Дилимдан бошланиб соялар,
эл ичра қылса парвозлар
(Fazal машқи)**

Кўхна ғазал	101
Умр разали	102
«Мен жаҳондин бир жаҳону...»	103
«Жаҳон ичра яна минг бир жаҳон...»	104
«Мен ишқ зелининг...»	105
«Гул билан гул ўртасида...»	106
«Ғанимлар сен билан бизни...»	106

«Каноат қылғыл, эй дилким...»	107
«Дил буқун...»	108
«Мен күнгіл дунёсінинг...»	109
«Бу дунё әскілардан қолган...»	110
«Баҳор айёмидур...» (<i>Әзизириддин Мұхаммад Бобур газалыға мухаммас</i>)	111
«Гарчи умри одамизод...»	112
«Хаңонрез келди, буткул...»	113
«Айлади Ҳофиз насиҳат...» (<i>Ҳофиз Шерозий газалыға мухаммас</i>)	114
«Мен сени осмон десам...»	116
Бўл (<i>Завқиёна оҳангларда</i>)	116
Тижорат мулкида	117
Шахр аро	118
Сокиёна	119
Үйсулик баҳт	120
Икки дил газали	121
Ҳайит газали	122
Бўса (<i>Чўллондан икки сатр</i>)	123
Ҳофиз газали	125
«Баҳор бу йил ажиб...»	126
То Навоий бор	127
Эски ташбек	129
«Инжа, нозик хол...»	129
«Сочларинг тун ичра...»	130
Ифтихор	130
Аёл манзумаси.....	133

«Лоладек юз бирла...» (<i>Фурқат ғазалига мухаммас</i>)	135
Ойбек	136
«Мұхаббатли бу оқшомлар...»	138
«Икки холинг нұктасидан...»	139
«Нозанинлар ул замон...»	141
«Кипригинга қор күнибидір...»	142
«Менда күнгіл торларию...»	143
«Үлдіргуси» (<i>«Базор ижодиеті»дан</i>)	145
«Нос бозори қанию...» (<i>«Базор ижодиеті»дан</i>)	147
«Әй лоларужлар...»	148
«Үлтирадар бұлса ёнимда нозаниним...»	149
Тонг	150
«Улур бобонг Навоийнинг...»	154
«Коши қаролар, күэзи қаролар...»	156
«Зулфинг очилиб...» (<i>Мир Алишер Навоий ғазалига мухаммас</i>)	157
«Зулфлариким, икки ёндин...»	158
«Гулсанамнинг гул бўлиб...»	159
Севишганлар ғазали	160
«Бир дилором бирла шом...»	162
Кор ғазал	163
«Ениб ўттил жаҳонда, то...»	165
Хушхабар	167
«Әй дил, сенинг ёр олдида...»	168
«Гулни дилга бойлаган...»	170
Мажлис ғазали	171
«Чамандирсан чамандан ташқарида...»	174

Кўхна гаплар	175
«Икки қошинг ўлдирсалар...»	176
Менинг ҳолимни	177
«Очганингда ногаҳон гул сийнабандинг...»	177
Ҳазрат Навоий	178
Лолалар чиқди	179
Эмлик ёш ғазали	180
«Нигорим холларидан...»	183
Аллома билан сұхбат	184
Афросиёб	185
Шеъру ғазал («Жумъаниёз Жаббор бобо...»)	186
Ул иккининг даврони	188

Кўнгил соҳили

(Шамнома)

Шамнома	193
Кўнгил соҳили	222

Яхшилик эскирмагай

(Кирк ҳадис)

«Сенинг даргоҳингда кўзларимда нам...»	233
--	-----

«Дил сари қилдим сафарлар...»

(Таржималар)

АБУ ҲОМИД ҒАЗЗОЛИЙ

Муножот лаzzати	263
-----------------------	-----

МАВЛОНО ЖАЛОЛИДДИН РУМИЙ

Fazallar

«Эй юзимни даҳро аро...»	275
«Гул каби гулшан томон...»	275
«Бир сонияда мени гулистон...»	276
«Дилбарим қылгай вафо...»	277
«Дилимнинг дардини ҳаргиз...»	277
«Кел, эй жонимга жононим...»	278
«Ғазал айт ёрга, эй мутриб...»	279
«Лабинг шаҳрига бир кунга...»	280
«Дилга кетдим, дилга кирдим...»	282
«Жоним менинг, жоним менинг...»	283
«Бу хилват уйда биз бирлан...»	284
«Борғил, дили хушларга айт...»	285
«Эй жаҳон, әэди мени савдоларинг...»	286
«Йўқ бўлишда йўқ бўлиш...»	287
«Тебранур ҳар битта шоҳ...»	287
«Эй кўнгул, жонон томон кетмоқдасан...»	288
«Кеттуси ақлу ҳушу тан...»	289

ҲОФИЗ ШЕРОЗИЙ

Fazallar

«Гум бўлиб кетган Юсуф...»	291
«Эйки, пистанг ханда урмиш...»	292
«Бода бергил соқиё...»	293
«Сочингни гулни баргита...»	294
«Ёрга ошиқман, менга...»	295

«Кемамиэни келгилу согил шароб дарёсига...»	296
«Менинг бир мушкулим бор...»	296
«Илларки риндлар мазҳабин...»	297
«Бу замон савдосига...»	298
«Ушбу турбатхонадин кетсам...»	299
«Бир дилбари жоним менинг...»	300
«Лола даврида қадаҳ ол...»	302
«Эй лабингдин битта сўз...»	303
«Хуш рақамни гул юза...»	304
«Кайда васлинг муждаси...»	305

АЛЕКСАНДР ПУШКИН

«Бизни азал-азал...»	306
«Кувгин кунларимда...»	306
«Бекор, энди барчаси бекор...»	307
«Дунёда бир орзу...»	307
«Бизнинг тажрибамиз...»	308
«Бир умр...»	308
Кудрат	308
Куч ва кучсиалик	309
Касалхона деворига битик	309
«Ўрмонлар, ўру қир...»	309
«Гулзор аро...»	309
«Қизман деб ҳар шеърда...»	310
«Қўпларга лабларинг...»	310
«Сиз гўзалсиз...»	310
«Яrim — аслэода...»	310

ЛОЙИҚ ШЕРАЛИ

Хайём пиёласи	311
Майпаратларга ҳазил	316
«Умрим ярими ғам била армонига...»	316
«Сен пул ғамида сўлдингу...»	317

АНДРЕЙ ВОЗНЕСЕНСКИЙ

Лорка лолалари	318
Мангу ризқ (<i>Достон</i>)	326
Марсия	341
Сахар турмок ёки шабнам сайли	343
Дўст зиёси	344
«Болалар кетиб қолар...»	346
«Эркак елкасида қизчаси...»	346
Афсона	347
Микеланжело таваллоси	348
Атроф-муҳит муҳофазаси	348
«Табиатда истаганча...»	349
Сенинг итинг	349
Ақл	351
«Бу қизларга гул берсанг бас...»	351
Кутиш	352

АЛЕКСАНДР ФАЙНБЕРГ

«Тақдир — ҳақдир...»	353
Онамга	353
«Бу дунёда...»	354

Сүз шүми

«Икки дунё аро...»	354
«Хайр. Хуш кол...»	354
«Нима бўлди менга...».....	355
Ёпик эшикка битик	355
Нурбой Абдулҳаким. «Руҳим ҳаритаси»дан	
«Дил фасли»гача	356
Йиллар ва китоблар	372

СИРОЖИДДИН САЙИД

СҮЗ ЙҮЛИ

2-жылд

«Шарқ» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
Бош таҳририяти
Тошкент — 2008

Мұхаррір *A. Ахмедов*
Рассом *О. Жолдасова*
Бадий мұхаррір *Ф. Башарова*
Техник мұхаррір *Р. Бобохонова*
Мусахидлар: *М. Энімұхамедова, Ш. Хуррамова*
Сахифаловчи *Л. Бацева*

Теришга берилди 28.08.2008. Босишига рухсат этилди 10.09.2008. Бічими
 $70 \times 108^1 / 32^2$ «Академия» гарнитураси. Офсет босма. Шартлы босма табори
16,8. Нашриёт-хисоб табори 14,3. Адади 3000. Буюртма № 4933. Бадроси
келишилган нархда.

**«Шарқ» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси босмахонаси,
100000, Тошкент шаҳри, «Буюк Түрон» кўчаси, 41-уй.**